

УЙДА ҚОЛИНГ! ЎЗИНГИЗНИ КОРОНАВИРУС БАЛОСИДАН АСРАНГ!

САХОВАТ

машмашалари:
қайси
томон ҳақ?

7



МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ

ҳисобот беришдан
бўшади...(ми?)

9



f @mahalladoshuz

@mahalladosh_uz

www.mahalladosh.uz

№27

(1948-1951) 2020 йил
20 – 27 август

МАҲАЛЛА — ADOLAT TAROZISI



Маҳалла

ВАЗИР МАХФИЙ

маълумотларни
нега очиклади?

11



ЖОМАДОНДАГИ МУРДА:

вахшийликка
қўл урган ким?

11

Тўйга ТЎҚСОН УРУҒНИ

тўдалаш шартми?

22



Масъулларда
МАСЪУЛИЯТ,
одамларда
орият бўлса...


23



«КОНТРАКТ»

миқдори янада

пасайтирилиши мумкинми? 15



ТУРКИЯ
ОЗАРБАЙЖОННИ
ёлғизлатиб
қўймайди

29



Ўзбекистон
ВАКЦИНАНИ
қачон
сотиб олади?

32



МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТМАЙ ТУРИБ, НАТИЖАГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Бундан тўрт ой олдин давлатимиз раҳбари маҳалла тизими фаолиятига бағишланган видеоселектор йиғилишида ислохотларни ҳар бир маҳалла ва оилага етиб боришини таъминлайдиган яхлит тизим яратиш зарурлиги, бундан кейин масъуллардан маҳаллабай аниқ ишлар натижаси сўралишини таъкидлаганди. Маҳаллани энг куйи бўғинда халқимизнинг дарду ташвишларини енгиллаштирадиган чинакам халқчил идорага айлантириш вазифасини белгилаб берганди.

Орадан шунча вақт ўтди. Тизимда нима ўзгарди, нималарга эришилди? Йўл қўйилган хатолардан хулосалар чиқарилдими? Фаолиятта ёндашув-чи, ўзгардимми?

Айни саволларга **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги**да ўтган навбатдаги видеоселектор йиғилишида жавоб топдик.

– Маҳалла халқчил тузилма, унинг фаолиятида сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди, – дейди **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Ботир Парпиев**. – Шу боис ҳудудий тузилмалар фаолияти мониторингини ўтказиш, белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга эътибор қаратяпмиз. Тизимда ўз-ўзини танқид механизми ишлаган экан, бирон натижага эришиб бўлмайди. Маҳалла раиси маҳалладошларининг иссиқ-совуғидан ҳаммиша хабардор бўлиши, муаммоларни катта-кичикка ажратмай ҳал қилиши лозим. Афсуски, айрим раислар энг муҳим вазифасини ёддан чиқарган.

Натижада жамият аъзоларида тизимга нисбатан нотўғри фикр уйғонмоқда. Шу кунга қадар вазирлигимизга маҳалла раиси ва ходимлари хатти-ҳаракатидан норозилик мазмунда 5173 та мурожаат келиб тушган. Энг юқори кўрсаткич Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган вилояти ва Тошкент шаҳрида қайд этилган. Бутун фаолият юритаётган маҳалла раисларининг 60-70 фоизи талабга жавоб бермайди. Пандемия даврида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатини ҳаққоний шакллантириш, ажратилган маблағларнинг ўз эгасига етиб боришини таъминлаш жараёнида бу ўз исботини топди. Фаолиятдаги камчиликлар сабаб Тошкент шаҳридаги 11 та маҳалла раисига тегишли чоралар кўрилди.

Тизим ўзгарганидан тизим ходимлари беҳабарми?

Йиғилишда фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими асо-

сида 2020 йилнинг 1-ярим йиллик яқунлари ҳам таҳлил этилди. Натижалар ишга ёндашувни бутунлай ўзгартириш лозимлигини кўрсатяпти. Наманган вилоятида 318 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари фаолияти қониқарсиз деб топилганини қандай изохлаш мумкин?

Жиззах вилоятидаги 20 та маҳаллада аллақачон тугатилган Яраштириш, Маърифат ва маънавият, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияларнинг ҳужжатлари юритилиб



келинмоқда. Наҳот ўз вазифасига шунчалар масъулиятсизлик билан қараш мумкин? Зиммасидагиларни тўлиқ англаб етмаган фаоллар ислохотлар моҳиятини маҳалладошларига қандай етказди, фикр алмашади, ахир?

Вазифасини билмаган ходимдан қандай натижа кутиш мумкин?

Маҳаллаларда фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилган. Бироқ ҳануз маҳаллаларда тадбиркорлик ривожланмаяпти. Нега? Чунки аксарият маҳаллаларда аввал масъул қотиб бўлиб ишлаган, тадбиркорлик соҳасида билим ва кўникамага эга бўлмаганлар мазкур лавозимга тайинланган. Республика бўйича 90,8 фоиз маҳаллада ўринбосар вазифасини аввал масъул қотиб бўлиб ишлаганлар бажаряпти. Уларнинг баъзилари ўзининг лавозими, вазифалари ўзгарганидан, ҳатто беҳабар. Бу тартибда бирон натижага эришиб бўладими?



Республикаимизда жорий йилнинг 7 ойи давомида 1 млн. 60 минг 261 нафар ишсиз аниқланган. Фаолиятда аниқ механизм ишлаган, мана шундай катта рақамлар тизилаверади. Биргина мисол, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонobod туманида ишсизлар сони 6124 нафар бўлиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уларнинг атиги 876 нафари иш билан таъминланган. Бошқа вилоятларда ҳам бу рақамлар салмоғи кам эмас.

Видеоселекторда «Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла» мезонларини амалга татиқ этиш борасида қилинаётган ишларга ҳам эътибор қаратилди. «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остида 90 кунлик ҳаракат ҳам рисоладагидек олиб борилаётгани танқид қилинди.

Ҳурматли масъул, ислохотни, аввало, ўзингиздан бошланг!

Халқимизда иш куралининг саз бўлса, машаққатнинг оз бўлур, деган нақл бор. Шу мақсадда тизим ходимларига қулай меҳнат шароитини яратиб бериш ҳам доимий эътиборда. Йиғилишнинг навбатдаги муҳокамалари айни шу мавзу апрофида кечди. Маълум қилинишича, 2020 йилда тасдиқланган ҳудудий дастурларга асосан, 1213 та маҳалла биноси қурилиши режалаштирилган. Бироқ улардан бор-йўғи 44 фоизда ишлар бошланган. Туман ва шаҳар масъуллари нима учун бу ишларга эътибор қаратмаган? Ҳадемай йил яқунланади, режадаги иш қозғозда қолиши учун эмас, амалда исботини топиши, фаолларга қулайлик яратиб бериши учун тузилган эмасми?

Бу ҳали ҳолваси. Нукус, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Гулистон шаҳарлари ҳамда Денов, Узун,

Шеробод, Мирзаобод, Оқолтин, Булунғур, Жомбой, Нарпай, Нуробод, Пайарик, Тўрткўл, Кўнғирот, Бўзатов, Амударё, Хўжайили, Юқори Чирчик, Чиноз, Бўка, Бекобод туманларида 2020 йилга режалаштирилган қурилиш ишлари умуман бошланмаган. Вазиятга қандай баҳо беришингни, масъулиятсизликни бирон ваз билан ҳаспўшланишни ҳам билмайсан киши.

Сирдарё вилоятида 2020 йилда давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида тадбиркорлар томонидан қурилиши режалаштирилган 11 та маҳалла комплексида бирортасида қурилиш бошланмагани тизим ходимлари ислохотни, аввало, ўзидан бошлаши лозимлигини кўрсатади.

Республика бўйича 39 та маҳалланинг идораси йўқлиги сабабли раиснинг шахсий хонадониди, 134 маҳалла биносизлиги учун кўшни маҳаллалар биносида фаолият юритаётганини ҳазм қилиш, кўриб кўрмасликка олиш учун инсоннинг қалб кўзи кўр бўлиши керак.

Танқидий, таҳлилий руҳда ўтган видеоселектор йиғилиши сўнггида келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Муаммолар аниқлангани ишни бироз жонлантирар балки. Аммо тизимдаги бир-иккита масъулнинг жон қуйдиргани, уззукун ишлагани билан натижага эришиб бўлмайди. Маҳалланинг катта куч, халқнинг ҳақиқий сунъичи эканини амалда исботлаш учун ҳар бир ходим: вилоят, туман ва шаҳар масъуллари, маҳалла раисини унинг ўринбосарлари бир тану бир жон бўлиши лозим. Бажарилиши керак бўлган вазифаларини аниқлаштириб, ижросига тизимли кирилиши шарт. Шундагина аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасидаги ишлар самараси маҳалла орқали ҳар бир хонадонга кириб боради.

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»



Самарқандда Туркия Республикасининг Бош консулхонаси очилади.



МУАММОЛАРНИ ТЎЛИҚ БАРТАРАФ ЭТИШ ФУРСАТИ ЕТГАН

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида «Хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш» мавзуга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаз қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида амалга ошири-

сабаб бўлмоқда. Хусусан, хотин-қизларнинг бандлиги таъминланмагани мазкур муаммонинг урчишига омил бўлаётир. Таассуфки, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида суицид ҳолатлари буйича ҳам ижобий натижаларга эришилмади. Бу борада амалга оширилаётган тадбирлар мутлақо самара бермаяпти. Барча-



лаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Соҳадаги долзарб масалалар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида сўз юритилди. Сўнгги вақтларда содир этилаётган қотиллик жиноятларининг аксарияти оила-турмуш муносабатлари доирасида кузатилаётгани, бунга оилалардаги низоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилмаётгани сабаб бўлаётгани таъкидланди.

— Афсуски, сўнгги пайтларда содир этилаётган жиноятларда хотин-қизлар ҳиссаси ортиб бормоқда, — дейди **Ички ишлар вазирлиги Хуқуқбузарликлар профилактикаси Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари, полковник Умида Абдуллаева**. — Бунга маҳаллаларда аҳоли билан манзилли ишлаш борасидаги ишлар талабга жавоб бермаслиги ҳам

сининг асл илдизи оиладаги нотинчлик, моддий етишмовчилик билан боғлиқ. Интернет сайтларида, ижтимоий тармоқларда фуқароларнинг самосуд қилинаётгани акс этган видеоназоратлар кенг тарқалмоқда. Тасвирларда зўравонлик тарғиб қилинмоқда. Шу боис бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда маҳалла ва ички ишлар ходимлари ҳамкорлигида тизимли иш олиб борилиши зарур.

Видеоселектор якунида вилоят бошқармалари ўринбосарлари ҳамда туман бўлим бошлиқлари билан келгусида қилиниши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишни Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг 1-ўринбосари Гулнора Маърупова олиб борди.

Фулум ХИДИРОВ
«Mahalla»

Қибрай туманида «Нуронийлар — эъзозимизда» шиори остида кекса нуронийларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга қаратилган «Саломатлик учун 5 минг қадам!» акцияси бўлиб ўтди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда нуронийлар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, имконияти



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

НУРОНИЙЛАР ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛДИ

чекланган ва ётоқ ҳолдаги кекса беморлар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Кўрик давомида шифокор назоратида доимий муҳтож фуқаролар рўйхати

шакллантирилиб, уларга соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун стационар даволаниш тавсия этилди.

Саъдулла ТУРСУНОВ.

ЙИҒИН ХОДИМЛАРИНИНГ ТАЖРИБАСИ МУСТАҲҚАМЛАНДИ

Учтепа туманидаги 81-умумтаълим мактабида «Маҳаллани обод ва хавфсиз қилишда маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва ўринбосарлари олдида турган устувор вазифалар» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Илмий-амалий семинар 4 та сектор йўналишида шўъбаларда тренинг тарзида ташкил этилди. Ҳар бир шўъбада мутахассислар томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари раиси ва ўринбосарларига тақдимотлар ўтказилди.

Семинар сўнггида малакали психологлар томонидан «Фуқаролар билан ишлашда психологик маданиятнинг устуворлиги» мавзусида маъруза тингланди.

Н.ҲАЙДАРОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

КОРОНАВИРУСГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Азизбек Икромов ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходими Барно Одилова Соғлиқни сақлаш ва Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликларининг 2020 йил 11 августдаги Қўшма қароридан кўрсатилган коронавирус инфекциясига чалинган беморлар ва уларнинг хонадонларида карантин тадбирларини ташкил этиш борасида қилинаётган ишларни ўрганиш мақсадида Жиззах вилоятида бўлди.

Дастлаб масъуллар вилоятнинг Мирзачўл тумани «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғинида бу борада амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишиб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, раиснинг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари, оилавий поликли-

никаниннг маҳаллага бириктирилган патронаж ҳамширалари томонидан қилиниши лозим бўлган ишлар ҳар бир масъулнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда семинар тарзида тушунтирилди.

Вилоятнинг барча туман ҳокимлари ўринбосарлари, маҳалла ва оилани



ника вакилларига ҳудудда коронавирус инфекциясига чалинган беморлар билан ишлашни тўғри ташкил этиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар берди.

Шунингдек, Жиззах шаҳрининг «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлган учрашувда ҳам Қўшма қарор юзасидан маҳалла масъуллари ва оилавий поли-

қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиқлари, уларнинг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда туманлар тиббиёт бирлашмалари бош шифокорларига ҳам Қўшма қарорнинг аҳамияти ва белгиланган вазифалар юзасидан атроф-лича маълумот берилди.

Фарҳод ЭШМЎМИНОВ.



Хотин-қизлар жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифалари белгиланди.



Ватанимизнинг бир бўлаги бўлган Сўхнинг пурвиқор тоғлари, хушманзара табиати ҳар қандай кишини мафтун этади. Айниқса, чашма булогидан чиқаётган шифобахш сув асрлар давомида бу ерда истиқомат қилаётган аҳолини обихаёт билан таъминлаб келмоқда. Унинг икки ариғидан ўзбек, тожик ва қирғиз халқлари фойдаланади. Бир дақиқада 200 литр сув чиқадиган бу масканинг об-ҳавоси, таровати ўзгача. Булоқ суви қишда илик, ёзда совуқ бўлиб, жонга роҳат бағишлайди.

СЎХДА ЯНГИЛАНИШ: бунёдкорлик ва ободлик ишлари қизғин паллада

Яқин кунларда «Чашма» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган булоқ атрофи ободонлаштирилиб, сувни тозалаш тизими йўлга қўйилади. Қувонарлики, чашма булоғи сувини қадоқлаш бўйича корхона ҳам ташкил этилади.

Ҳар бир муаммо ўз ечимини топмоқда

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 августда қабул қилинган «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлар бошланиб кетди. Аҳолини қийнаётган муаммолар – электр энергияси, табиий газ таъминотидаги камчиликлар, аҳоли бандлиги, ичимлик ва оқова суви, йўл қурилиши ва таъмирлашга доир масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётир.

– Президентимизнинг мазкур қарори сўхликлар ҳаётига катта ўзгариш, янгиликлар олиб кирди. – дейди Сўх тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Фазлиддин Додакаримов. – Шу кунга қадар аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2 та тикувчилик цехи ишга тушди. Бу уйда ўтирган хотин-қизларнинг кундалик ҳаёт тарзини ўзгартирди, хонадонларга фаровонлик

оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Туманда ҳар бир қарич ер олтинга тенг. Худуддаги бўш турган, қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ерларни ўзлаштириш учун суғориш тизими йўлга қўйилган. Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган Қайроқ массивида 1500 гектарга яқин ер майдонида Сўх дарёсидан обихаёт олиб келиш учун салкам 95 миллиард сўм маблағ ажратилган. Насос станцияси 2021 йилнинг март ойида фойдаланишга топширилади.

– Сўхнинг табиий иқлим шароити шириндан-шакар мевалар етиштириш учун жуда ҳам қулай. – дейди «Лембург» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи боғбон Маҳаммадназир Нурматов. – Олимлар билан қадимги бодом навларини тиклаш, хориждан ҳосилдор ёнғоқ кўчатларини олиб келиб, маҳаллий шароитга мослаштириш, харидорғир олма навларини кўпайтириш борасида ҳамкорлик олиб бориляпти. Мевазор боғларни кўпайтириб, жаҳон



Туманда 27 та маҳалла фуқаролар йиғинида саксон минг нафарга яқин аҳоли умргузаронлик қилиб келмоқда.

Йўллар – янги имкониятлар

Сўхда одамларнинг дунёқараши, турмуш тарзи ўзгармоқда. Қарорга кўра, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини ривожлантириш мақсадида умумий узунлиги 160 км. шағал қопламали йўлларни цементобетон қопламаларга ўтказиш ва асфальт қоплама ётқизиш, 106 км. тупроқ йўлларни шағаллаш, 40 км. цементобетон пиёдалар йўлларини қуриш бошланди.

Шунингдек, аҳолининг электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммолари ҳам ҳал этилди. Бу ерда янги электр станцияси фойдаланишга топширилди. Натижада қўшимча 16 000 кВА қувват яратилиб, 15 мингдан зиёд истеъмолчилар узлуксиз энергия билан таъминланди.

– Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастурига кўра, Равон шаҳарчасида ҳар бири 30 хонадонли 7 та 5 қаватли уй-жойлар қурилади. – дейди туман ҳокими Саидбахром Саидмусаев. – Тураржой массивлари учун ер майдонлари ажратилиб, қурилишга тамал тоши қўйилди. Кўхна маскан ўзига хос ерости бойликларига кон. Жумладан, оҳақтош, гил, бентонитли гил, гипс, сланец, кум-шағаллардан самарали фойдаланиш бунёкорлик ишларини ривожлантириш, арзон ва сифатли

қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янги босқичга олиб чиқади.

Сўх – Риштон йўли қачон очилади?

Президент қарори асосида сўхликларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўлида ҳаракатлар қатновини амалга ошириш борасида иш олиб борилмоқда. Яқин кунларда Риштон туманидан Сўх туманига «Риштон – Равон» йўналиши орқали автобуслар қатнови йўлга қўйилади. Ҳозирга қадар Фарғона вилояти ҳокими ташаббуси билан «Сўх – Риштон» автомобиль йўлида транспорт ҳаракати билан боғлиқ зарур ишлар поёнига етказилди.

Сўхнинг ҳаво қарвони

Сўх туманига кичик авиация транспортлари қатновини йўлга қўйиш ҳам сўхликларнинг кўнгил тубидаги мақсадларининг ижобати, десак муболаға бўлмайди. Шу мақсадда Сўх тумани ва Фарғона шаҳрида самолёт ва вертолётлар учуш-қўнуш майдонлари, йўловчилар учун керакли бўлган қулайликлар яратиш борасида амалий ишлар бошлаб юборилди. Айниқса, йўловчилар учун йўл чипталарига алоҳида чегирма ва имтиёзлар жорий этилгани ҳаво қарвонлари бўйлаб ҳаракатланаётганларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш имкониятини беради.



олиб кирди. Туманда уруғлик картошка етиштириш, шоличиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш, қўлда гилам тўқиш, томорқа майдонларидан фойдаланиш учун субсидиялар ажратиш ҳамда эҳтиёжманд кам таъминланган

бозорига сархил мева-сабзавотлар етказиб берамиз. Айни кунга қадар Сўх дарёсидан 1,5 километр сув тармоғи олиб келдик. Эндиликда 3 гектар ердаги боғ дарахтларини томчилятиб суғорамиз. Бу усул ҳосилдорлигини оширади, сувни ва пулни тежайди.



«Чумоқча» янги бинога кўчди

«Чумоқча» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари замонавий бинога кўчиб ўтди. Бу ерда маҳалла фаоллари, профилактика инспектори иш фаолияти учун зарур шароитлар яратиб берилди.

– Шу кунга қадар мослашган, таъмирталаб битта хонада бир амаллаб ишлаб келганмиз, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамро Мирбоев. – Энди қулай шароитларга эга бўлган бинога кўчиб ўтдик. Бу ерда тadbиркор Дадахон Акбаров ташаббуси билан давлат-хусусий шерикчилик асосида умумий қиймати 4 миллиард сўмликдан зиёд лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида йиғин биносига қўшимча

лари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Сўхлик ёшларга туҳфа

Туманга Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан умумий қиймати 640 миллион сўмлик спорт жиҳозлари келтирилди. Вилоят ҳокими ҳомийлигида эса 200 миллион

сўм қийматидаги анжомлар олиб келинди.

– Айни кунда туман ёшлари учун янги «Ёшлар спорт комплекси» қурилмоқда, – дейди туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Суҳробжон Қўзиёв. – Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг Равон шаҳарчасидаги мавжуд бино ва иншоотлари ҳамда очиқ ўйингоҳлар тўлиқ реконструкция қилинмоқда.

Шунингдек, иқтисодиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежи негизида 2-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолияти йўлга қўйилади. Натижада бу ерда маҳаллий ёшлар спортнинг 20 дан ортиқ тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади.

ота-оналарини беҳад қувонтирди. 2020-2021 йилларда эса 220 ўринли янги мактаб биноси қад ростлайди.

Туманда олий маълумотли педагог-кадрлар муаммоси ҳам тўлиқ бартараф этилади. Эндиликда тумандаги таълим муассасаларида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Андижон, Наманган ва республика миқозининг бошқа вилоятларидан таклиф этилган 68 нафар малакали педагог фаолият юритишади.

гача таълим ташкилоти ҳам бунёд этилади. Энг муҳими, туманда мактабгача таълим ташкилотларига болалар қамрови йил якунига қадар 37,4 фоиздан 53 фоизга кўтарилиши кутулаётир.

Муаммо бўлмайд

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида туман аҳолисига суўлтирилган газни ўз вақтида ва узлуксиз етказиб бериш мақсадида барча қулайлик ҳамда имконият-



«Қалача», «Чашма», «Равон» ҳамда «Хушёр» маҳалла фуқаролар йиғинлари худудидидаги 6 гектар бўш турган майдонда кичик саноат зонаси ташкил этиш бошланди. Бу ерда ташаббускор тadbиркорлар томонидан 40 та лойиҳа амалга оширилиб, 600 нафардан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

ларга эга бўлган суўлтирилган газ тўлдириш мажмуаси қуриладиган бўлди. Ҳозирда мажмуа қурилиш ишлари белгиланган режа бўйича олиб борилмоқда.

Айни кунда худуддаги табиий газ билан таъминланган 8 минг 536 та аҳоли хонадонига замонавий электрон газ ҳисоблагичларни ўрнатиш ҳамда автотранспортнинг тизимга улаш ишлари давом этяпти. Ўтган қисқа фурсатда 200 дан ортиқ хонадонларга замонавий электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилди. Ўз навбатида, Сўх туманида жорий таъмирлаш белгиланган 12,9 километр табиий газ тармоғидан 8,3 км. қисмида ишлар якунига етказилди.

Туман газ таъминоти корхонаси моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида 3 та махсус автотранспорт воситаларини ажратиш бўйича шартномалар имзоланди. Шу кунгача 1 дон махсус автотранспорт воситаси ажратилди. Белгиланган муддатга қадар қолган 2 та автотранспорт воситаси етказиб келиниши кўзда тутилган.

Ҳа, бутун Сўхда янгиланиш, бунёдкорлик ва ободлик ишлари қизгин паллага кирган. Туман қиёфаси кун сайин, соат сайин ўзгариб бормоқда.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»



равишда тўйхона, ошхона, чойхона, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси сингари аҳоли кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш тармоқлари ташкил этилмоқда.

Ўтган қисқа фурсатда «Сўх» ва «Чумоқча» маҳалла фуқаролар йиғинлари учун замонавий бинолар қурилди. Ҳозирда «Сариканда», «Чашма», «Лембург», «Ғазнов» маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино қуриляпти. 5 та маҳалла фуқаролар йиғини биносини таъмирлаш, 27 та маҳалла фуқаролар йиғинига компьютер жамланмалари ва мебель жиҳозлари етказиб бериш иш-

Боғча ва мактаблар янги қиёфада

Давлатимиз раҳбарининг қарори боғча ва мактабларга ҳам янги қиёфа бағишлади. Айни пайтда «Арибозорча» маҳалласидаги 25-мактабнинг лойиҳавий қиймати 5,7 млрд. сўм бўлган янги биносининг қурилиши тугалланиш арафасида. Янги ўқув йилидан бошлаб сўхлик ўқувчилар учун замонавий мактаб биноси фойдаланишга топширилади. Худуддаги 4-,

18-, 25-мактабнинг реконструкция қилиниши, 1-мактабда эса таъмирлаш ишларининг олиб борилиши сўхлик ёшлар ва уларнинг



Одам савдосидан жабрланганлар
тўғрисидаги ахборот ошқор этилмайди.





ОДАМ САВДОСИ: қонундаги бўшлиқлар тўлдирилди

Мамлакатимизда одам савдоси қурбонларини аниқлаш, ҳимоялаш ва ижтимоий реабилитация қилиш, жабрланганларга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатиш, жиноятчи ва уларнинг иштирокчиларини тергов қилиш ва жавобгарликка тортиш, шу билан бирга, ушбу жиноятларнинг содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Бу борада 2008 йилда қонун ҳам қабул қилинган. Бироқ амалдаги меъёрий ҳужжатда бўшлиқлар бўлиб, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш масалаларига доир аниқ қоидалар тартибга солинмаган ҳамда вояга етмаганларнинг савдосига қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, идентификация қилиш, ёрдам бериш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий мақоми белгиланмаган эди.



Ботир МАТМУРАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси.

Куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган янги таҳрирдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда ана шу жиҳатлар қамраб олинди.

Нима зарурат бор эди?

Аввало, Президентимизнинг 2019 йил 30 июлдаги «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан қайта ташкил этилган Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ҳамда ҳудудий комиссияларнинг вазифаларини кенгайтириш ва қонун билан мустаҳкамлаш зарурати туғилди. Қолаверса, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш масалаларига доир аниқ қоидаларни ишлаб чиқиш ҳам муҳим эди.

Шунингдек, миллий қонунчилигимиз халқаро ҳуқуқнинг бу борадаги умумэътироф этилган норма, қоидалари ва стандартларини тўлиқ қамраб олмагани, одам савдосига алоқадор шахсларни самарали таъқиб этиш ва жазолаш имкониятини яратиш лозим эди. Бундан ташқари, **Миллий маърузачи институтининг** таъсис этилиши, унинг асосий вазифалари ва функцияларини қонун билан мустаҳкамлаш зарур эди.

Буларнинг барчаси янги таҳрирда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган ҳолда одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги **давлат сиёсатининг асосий йўналишлари** этиб белгилаб қўйилди.

Асосий қоидалар нималардан иборат?

Янги таҳрирда қабул қилинган қонунда одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги асосий йўналишлар белгиланди. Жумладан, вояга етмаган шахс савдоси, келиб чиқиш мамлақати, мажбурият, одам савдоси, одам савдосидан жабрланган шахс, жабрланганларни идентификация қилиш, жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс каби тушунчаларга изоҳ ва таъриф берилди. Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш соҳасида Вазирлар Маҳкамаси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси, Миллий маърузачи, мазкур йўналишда фаолиятни амалга оширувчи давлат органла-

ри, одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш ҳудудий комиссиялари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, фуқаролар ҳамда халқаро, чет эл ташкилотларининг **вазифалари ва ҳуқуқлари** алоҳида моддаларда акс эттирилди.

Бундан ташқари, алоҳида бобда одам савдосининг олдини олиш билан боғлиқ масалалар белгиланган бўлиб, унда одам савдосининг олдини олиш чора-тадбирлари тизими, ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда маълумотларнинг ягона ахборот базасини яратишга оид моддалар ўз ифодасини топган.

Илк бор миллий қонунчилигимизда илгари бўлмаган одам савдосидан жабрланганларни **идентификация** қилиш ва уларни қайта йўналтириш тушунчалари алоҳида бобда белгиланди. Одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш процедури икки босқичда, яъни **дастлабки** идентификация ва **яқуний** идентификация ўтказиш йўли орқали амалга ошириладиган бўлди.

Мазкур қонун қандай самара беради?

Аввало, одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қафолатли ҳимоя қилиш, шу тариқа халқаро майдонда давлатимиз нуфузини оширишга ёрдам беради. Шу билан бирга, одам савдосига қарши курашиш соҳасида давлат органларининг ва фуқаролик жамияти институтларининг ташаббускорлигини оширади. Қолаверса, одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси бошчилигида ваколатли органларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг қонунчилик базасини халқаро стандартларга мослаштиришга ҳам хизмат қилади. Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳолис ва тўғри маълумотларни кенг жамоатчилик ҳамда халқаро ҳамжамиятга етказишга ёрдам беради.

Жабрланганларга қандай ёрдамлар кўрсатилади?

Қонунда одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослашувини таъминлаш тартиби кенг ёритилиб, одам савдосидан жабрланганлар деб тан олинган шахснинг ижтимоий ёрдам олишга оид ҳуқуқлари кўрсатилди. Шунингдек, жабрланганлар ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш ва уларга тақдим этиладиган хавфсизлик чоралари ва бошқа қафолатлар ўрин олган.

Мазкур қонуннинг махсус бобида вояга етмаганлар савдосига қарши курашишга доир қоидалар алоҳида қайд этилди. Хусусан, вояга етмаганлар савдоси профилактикаси, одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни идентификациялаш, уларни ҳимоя қилиш ва ёрдамнинг ўзига хос жиҳатлари белгиланди.

Вояга етмаганлар савдоси профилактикасида болаларни тарбиялаш борасидаги ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ота-оналарни ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш, гайриижтимоий ҳаёт тарзини кечираётган оилаларни ва давлат ҳимоясига муҳтож болаларни уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида аниқлаш ҳамда болалар уйларининг мониторинг қилиш вазифалари ҳам назарда тутилган.

Қонунга мувофиқ, одам савдосидан жабрланганларга, жабрланган деб тахмин қилинаётганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш, шу жумладан, уларнинг таъминоти, келиб чиқиш мамлақатига ёки доимий яшайдиган давлатга қайтариш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети маблағларидан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Одам савдосида айбдор деб топилган шахслар жабрланганларнинг таъминоти ва реабилитацияси билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплайди.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги қонун одам савдосининг олдини олишга, унинг оқибатларини камайтиришга, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга хизмат қилади.

Илк бор кўзи ожизлар учун 10-11 синф дарсликлари чоп этилмоқда.



Пандемия мамлакатлар иқтисодиётини қийин аҳволга солиб қўйди. Ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши корхоналар ишининг тўхташи, табиийки, аҳоли турмуш тарзига ҳам таъсирини кўрсатди. Ишсизлар кўпайди, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар меҳр-эътиборга ҳар қачонгидан кўпроқ муштоқ бўлди. Синовли палла инсоний фазилатлар қай қалбда мажбурдигини-да амалда кўрсатди. Шукрки, бизда меҳр-эътибор, саховат ва кўмак, ўзаро ҳамжиҳатлик хислатлари бардавомлиги исботини топди. Хабарингиз бор, саховат қўлларининг ҳар бир хонадонга кириб боришига маҳалла бош-қош бўлди.

САХОВАТ МАШМАШАЛАРИ: қайси томон ҳақ?

Ахборот ва оммавий коммуни-кациялар агентлигида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирли-ги ўтказган матбуот анжуманида пандемия шароитида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижти-мой ва моддий қўллаб-қувват-лаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди. Катта-катта рақамларни ўқиб ўзим ҳам адашиб кетдим. Маълумотлар билан танишяпма-ну тармоқларда тарқалган турли видеолар кўз ўнгимдан кинотас-мадек ўтаверди. Сайтимиз ботиға келган мурожаат эса ёзилажак мақолам ирмоғини бошқа ўзанга буриб юборди.

Очигини айтиш керак, амалиёт тизимда ҳали кўп ишлар қили-ниши лозимлигини кўрсатди. Биргина «Темир дафтар» ортидан биз гувоҳ бўлган машмашалар, жамоатчилик муносабати, аҳоли билдирган фикрларга кулоқ ту-тишининг ўзи вазиятни рўй-рост кўрсатади.

Яна ўша «Темир дафтар» ҳақида

Карантин шароитида ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ма-ҳаллада шакллантирилган шаффоф рўйхати бўлган «Темир дафтар», ўз навбатида, фуқаролар йиғинлари раисининг сектор ва ҳудуд раҳбари билан ҳамкорликдаги фаолиятини мустаҳкамлайди. Уни юритишда эҳтиёжманд оилаларнинг **7 тоифа-си, жумладан, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, яқка-ёлғиз кексалар, доимий ишсиз, карантин туфайли ишсиз қолган фуқароларни камбағалликдан чи-қариш чоралари кўрилади.** Масъул ходимлар ўзининг кунлик амалга оширган ишлари юзасидан «Те-мир дафтар»идаги маълумотларни saxovat.args.uz сайтига рақамли имзо калити орқали электрон шакл-да киритиб боради. «Темир даф-тар»га тушган оиланинг ҳеч бўлма-ганда битта аъзоси жорий йилда иш билан таъминланиб, шу орқали улар муҳтожликдан чиқарилади.

Ким ҳақ: маҳалладагилар ёки...

Шундай экан, нега унда барча боқувчиси йўқлар бу рўйхатга киритилмапти? Ёхуд бунга ҳам



бирон кимса ёки нималардир аралашини шартми? Акси бўлса, Қашқадарё вилояти Нишон ту-мани «Кўксой» маҳалласи Янги-обод қишлоғида яшовчи Хадича Алихонова боқувчиси йўқлигига қарамай нега саховатдан четда қолди?

— Пандемия даврида маҳал-ламизда истиқомат қилаётган эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга ҳар қачон-гидан кўпроқ эътибор қаратил-ди, — дейди «Кўксой» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижти-мой-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Нодира Эшмўминова. — Ўрганишларимиз асосида 52 та кам таъминланган оила рўйхати шакллантирилди. Уларнинг 37 тасига озиқ-овқат етказиб бериш, 15 нафарини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Меҳнатга лаёқатлиларга банкдан кредит олишига кўмаклашилди, 20 бошдан товук тарқатилди. Шу тариқа рўйхатни қисқартиришга эришилмоқда. Хадича Алихоно-ва анча йил аввал турмушдан ажрашган, бир ўғли билан ёлғиз қолган. Аммо ака-укалари уни қарамоғига олиб, оёққа туришига кўмаклашди. Бугун улар маҳал-ламиздаги намунали оилалардан бирига айланган. «Темир дафтар» таркиби шакллантирилаётган-да белгиланган тоифаларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити ўрганилди. Маҳаллада 8 нафар

боқувчисини йўқотган оила 2-3 нафардан вояга етмаган фарзан-ди билан яшайди. Шунингдек, 30 нафар ногирон бор, уларнинг кўпчилиги тўшақда даволанишга муҳтож. Давлатимиз томонидан берилган пул маблағларини адо-латли тақсимлаш учун маҳалла, сектор ва аҳоли вакилларидаан иборат 30 нафар фаол маслаҳат-га тўпланди. Турмуш шароити чиндан ҳам оғир деб топилган 100 та оила овозга қўйилди ва 30 таси овоз бериш йўли билан саралаб олинди. Аҳолида тур-ли саволлар туғилмаслиги учун кимлар рўйхатга киритилгани ҳақидаги маълумотни маҳал-ла биноси кираверишига илиб қўйди.

Суриштирувларимиздан маълум бўлдики, маҳалла фаоллари Хадича опанинг хонадонига бирон марта ҳолинг не деб сўраб боришмаган, хаттоки, «Темир дафтар» рўйхати шакллантири-лаётганда ҳам. Ишсиз ўғлини иш билан таъминлашга ҳам ҳаракат қилишмаган. Афсуски, йиғин хо-дими Нодира Эшмўминова қайд этган аҳолига 20 бошдан товук тарқатиш, кредит олишга кўма-клашиш ва «Темир дафтар» тар-кибининг шакллантирилганидан янгиободликларнинг аксарияти беҳабар.

Хўш, ким ҳақ? Фикримизча, маҳалла фаоллари, кўча бошилари иш фаолиятини очик, шаффоф тарзда олиб борганида, жамоат-

чилик назорати самарали йўлга қўйилганида аҳоли ўртасида тур-ли тушунмовчиликлар бўлмасди. Натижада гумон, савол, тахмин ва талқинлар болаламасмиди?!

Минг бир вазифа, қай бирин бажарсин фаол?..

Тўғри, пандемия даврида тиним билмаган, худудни жиноятдан холи қилиш, ободонлаштириш, ажралишларга қарши курашиш, аҳолининг томорқадан унумли фойдаланишини ўрганиш, кам таъминланганлар ҳолидан хабар олиш каби юздан ортиқ вазифа-ларни бир пайтда бажариш осон эмас. Бироқ тизим ходими ҳар қандай масалага эътиборли бў-лиши лозим. Маҳалла фаолининг ноҳўя иш қилишга маънан ҳақи йўқ. У йиғин худудда истиқомат қилувчилар учун ўрнак. Бироқ баъзиларни деб бутун тизимга тош отиш, унинг меҳнатини қадр-ламаслик, яхшидан олиб ёмонга солиш ярамайди. Шундай экан, салқинда ўтириб, ундай қилиш керак, бундай қилиш керак, дея оғиз йиртгунча, куннинг иссиғи-да, коронавирус юқтириб олиш хавфи таҳдид солиб турган айни кунларда маҳаллангизни айла-ниб, кўни-қўшнилар билан куюқ сўраша оласизми? 10 та эмас 3-4 та хонадон билан суҳбатлашиб, нотинч оила дийдиёлариға кулоқ тутинг-чи? Ҳали нечта ишсиз бор, уларга иш топиш, жанжаллашган икки қўшнини муросага келтириш, жиноятчиликка мойиллиги борлар билан алоҳида суҳбатлашиш ҳам керак. Шунча ходим бор, қилади-да дейишга шошилманг. Уларнинг ҳар бири учун вазифалар кўлами белгилаб берилган. Боз устига, ту-ризмдан тортиб, тадбиркорликка жалб этиш бўйича ҳисобларнинг бари маҳалладагилардан сўрала-ди. Бошқа томондан, маҳалла бу ишларга бефарқ қарай олмайди. Боиси худудда рўй бераётган ҳар қандай ҳодиса, қайси йўналиш бўлишидан қатъи назар, йиғинга тааллуқли.

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»

«Пенсия алифбоси» номли китобча тайёрланди.

ФАСЛ ТАНЛАМАС ИССИҚХОНАЮ «ЖИН МАШИНА»: инновациялар қай даражада самарали?

Айни пишиқчилик палласи. Тилни ёрар қовуну тарвузлар, қирмиз олмаю, чарос узумлар бозорларни тўлдирган. Шу-да дала, боғларда ҳосил мўл бўлса, эл дастурхони тўкин, турмуши фаровон бўлади. Бугун миришкорларимиз меҳнатлари роҳатини кўрадиган палла.



Аммо табиатнинг кутилмаган инжиқликлари олдида тажрибали боғбон ҳам ип эшолмай қолади. Ёзнинг учинчи ойи якунига етмай куз об-ҳавоси тафтини сезапмиз. Дунёга донги кетган Паркент узумлари эса ҳали ишқомлардан узиб улгурилмади. Ногоҳ ёққан ёмғир, ҳароратнинг тушиши миришкорларни хавотирга солиб қўйди: «Ҳосилни нест-нобуд йиғиб олгунимизча кунлар совиб кетмасайди», дея ўз-ўзига таскин бермоқда улар.

Наҳот, шундай кезде меҳнаткашнинг жонига оро кирувчи, мушқулини осон қилувчи бирон технология бўлмаса. Ахир, илмфан тараққиёти даврида бунга ҳам ечим топилгандир.

Инновациялар ҳақида бонг урилаётган айни кунда қишлоқ хўжалиги соҳасига янгиликлар татбиқ этиляптими? Ёхуд ҳануз минг йиллик анъанавий тажрибалар амалдами? Айни саволлар билан **Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Ахтам Далиевга** мурожаат қилдик.

Усти очик иссиқхона

— Бугун инновациялар жорий этилмаган соҳа. йўналишнинг ўзи йўқ — дейди у. — Шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам. Улардан бири қишда иситиш тизимисиз қовун етиштириш технологиясидир. Жанубий Кореянинг «KCOOPSAGRO» компанияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош туманидаги «Nikus AgroSnap» корхонаси ҳамкорлигида мазкур лойиҳага қўл урилди. Технология қишнинг совуқ кунларида ҳам иситиш тизимисиз ишлайди ва бунда иссиқхона усти бир қават плёнка

билан қопланади. Экинлар устида махсус тунел ташкил қилиниб, у ҳам бир қават плёнка билан қопланади ва устидан кўрпа ёпилиб, иссиқ ҳарорат сақланади. Ташқарида -15 градус бўлганида иссиқхона ичида 14 градус ҳарорат

сақланиб, технология йилнинг хоҳлаган вақтида ҳосил олиш имконини беради. Ҳозирда иссиқхона учун зарур қувурлар, плёнка, изоляция кўрпалари, ювб-тозалаш, автоматик саралаш ва қадоклаш машиналарини ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилмоқда. Бу сарф-харажатни анча тежайди.

Ёмғирлатиб суғориш қанчалик самарали?

Навоий вилоятидаги фермер хўжалигида эса ҳадемай экинлар ёмғирлатиб суғорила бошланади. У қандай амалга оширилади? Тўғриси, бу бизга ҳам қизиқ.

— Лойиҳа АҚШнинг «Valmont Industries» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда, — дейди «Фахриддин Ойбек» фермер хўжалиги раҳбари Раҳмиддин Ҳафизов. — 100 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш тизими қўлланади. Ускунани монтаж қилиш учун сув келтирувчи қувурлар ва электр таъминоти тўлиқ тайёрланди. Бунда артезиан насосларини ишлатишда муқобил энергия турларидан, шамол йўналишига мос худудларда шамол энергиясидан, чорвачилик комплекслари мавжуд худудда эса биогаз ва бошқа энергия турларидан фойдаланиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Технология, айниқса, сув танқислиги мавжуд худудларда асқатади. Бу ўз навбатида, кўчатларнинг табиатига қараб суғорилишини таъминлашга ҳам ёрдам беради. Ёмғирлатиб суғоришнинг афзаллиги кам харажат сарфланиши ва

самардорлиги юқорилигидадир. Муҳими, суғориш амали қиска муддатда сифатли амалга оширилади.

Яна бир янгилик. Хатирчи туманидаги узумчиликка ихтисослашган «Тасмачи», «Олтин-обод» ва «Учқора» маҳаллаларида инновацион усулда 3 та мевани энергия тежамкор қуритиш лойиҳаси амалиётга жорий этилди. Бу экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини оширади.

«Жин машинаси»нинг қаромати нимада?

Наманган вилоятида эса чорвачилик учун тўйимли ва сифатли озуқа етиштиришнинг замонавий ва самарали технологияси йўлга қўйилади.



Шунингдек, Наманган муҳандислик-технология институти олимлари «Ресурс тежамкор бир камерали икки цилиндрли автоматлашган жин машинаси» лойиҳасини тақдим этди. Жин машинаси? Биз ҳам аввалига таажжубландик. Унинг қаромати қандай эканига қизиқиб, машина «яратувчилари»га юзландик.

— Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бугунги кун талаби. — дейди Наманган муҳандислик-технология институти доценти Шухрат Азизов. — Ўзбекистонда ҳар йили электр энергиянинг ортиқча сарфланиши натижасида 2 млрд. АҚШ

доллари йўқотилади. Республика тармоқ корхоналарининг энергия тежамкорлиги бўйича ўтказилган таҳлил натижалари ҳам бу борада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар борлигини кўрсатади. Биз ўз лойиҳамизни пахтани қайта ишлаш корхонасида синовдан ўтказдик. Пахтани дастлабки ишлашда жинлаш асосий жараёнлардан бири ҳисобланади. У пахтани тола ва уруғга ажратишни қамраб олади. Сўнгги йилларда юртимиздаги пахта тозалаш корхоналари ДП-130, ЗХДД, ХДД, 4ДП-130, 5ДП-130 «аррали жин»лардан фойдаланмоқда. Бу жинларнинг паспортда кўрсатилган иш унумидан анча пастдир. Боз устига, электр энергия ва ресурс истеъмоли

жуда юқори, тола сифати ҳам ўрта даражада. Бизнинг «жин машина» бу муаммони тўла бартараф этади. Иш сифати ошади, энергия тежаллади, иш кучи кам сарфланиб, юқори сифатга эришилади. Лойиҳамиз халқаро экспертлар томонидан ҳам ижобий баҳоланди. Ҳадемай амалиётга татбиқ этилади.

Инновациялар даврида қишлоқ учаркетмон ҳақида гапирилса-да, ҳайратта тушмайди. Боиси технологиялар тараққиёти маҳсули, рақамли дунё инсониятни бу каби ҳаёлотларнинг амалий ифодасига кўниктириб қўйди. Фақатгина моҳият масаласи ҳамон долзарб. Чунки янгилик экан, инновация экан, биз ҳам қилишимиз керак, деб бўлар-бўлмас технологияларни ўзлаштиришга уриниш ярамайди.

Муҳими, олиб келаётган ва амалиётга татбиқ этаётганларимиз қайсидир ҳисоботларни тўлдиришига эмас, балки аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши лозим. Шундагина ҳақиқий тараққиётга эришилади. Йўқса, ҳисоботлардаги «гулистон» ва реалликдаги олам ўртасидаги тафовут каттариб бораверади.

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»

Ўзбекистон меҳнат, миграция ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича халқаро шартномага қўшилди.

Бугун биз чин маънода янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида катта қадамлар ташлаяпмиз. Ислохотлар одими эса аллақачон маҳаллаларда бўй кўрсатиб улгурган. Бунда тизим ходимларнинг жонбозлигини эътироф этмасак бўлмас. Давлатимиз раҳбарининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан маҳалла раисига қўшимча ҳуқуқлар берилиб, мақоми ва обрўси кучайтирилди. Ваколат муддати уч йилдан беш йилга узайтирилди.



МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ҳисобот беришдан бўшади...(ми?)

Маҳалла раисига уч нафар – ҳуқуқ-тартибот масалалари, оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар ҳамда ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлар лавозими жорий этилди.



дорлик каби масалаларга ҳали ҳам аралашиб юрибмиз. Бундан ташқари, маҳаллада томорқадан унумли фойдаланиш, иссиқхоналар ташкил этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боряпмиз. Натижада амалга оширилаётган тарғибот ишлари ўз самарасини берапти. Маҳалламизда ҳар тўрт хонадоннинг бирида иссиқхона бор, йилнинг тўрт фаслида барча сабзавотлар ўзимиздан чиқ-

Ортиқча вазифалар тугатилди

Шу кунга қадар фуқаролар йиғинлари зиммасида жами 200 дан, профилактика инспекторларида эса 100 дан ортиқ вазифа бор эди. Янги фармон билан фуқаролар йиғинининг 46, профилактика инспекторининг ўндан зиёд вазифаси бекор қилинди.

Авваллари фаоллар қора металл парчаларини топшириш, солиқлар, коммунал тўловлар ва сафарбарлик қақриув резерви бадалларини ундириш, қишлоқ ҳўжалиги ишларида қатнашлиш, ўз ҳудуди-

даги дарахтлар ва томорқалардан олинадиган ҳосилнинг ҳисобини юриштиши, келгуси йил учун иқтисодий прогнозларни белгилаш каби вазифаларни ҳам бажарарди. — Фуқаролар йиғинлари ходимлари ва профилактика инспекторлари кўтлаб комиссия ва ишчи гуруҳлари таркибига киритилгани туфайли кунимиз йиғилишларда иштирок этиш, тегишли ташкилотларга ҳисобот бериш билан ўтарди. — дейди Косон тумани-

даги «Гулбод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Юлдуз Донаева. — Бу эса асосий вазифаларимизни бажаришга халал берарди. Энди фақат қилган ишларимиз бўйича маҳалламиз фуқаролари олдида ҳисобот берапмиз. Туман ҳокимлигига эса «Темир дафтар»га киритилиши керак бўлган оилалар ҳақида маълумот бериб турибмиз. Шунингдек, «Маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла» ҳамкорлик тизими асосида ҳар чоракда ҳудуддаги долзарб муаммолар тўғрисидаги маълумотларни сектор раҳбарлари ва Халқ қабулхоналарига тақдим этапмиз. Уларда йўл қурилиш, электр, газ, сув, канализация, коммунал ва ижтимоий соҳа вакилларининг ҳудудда амалга оширган ишлари натижаси қайд этилади.

ДАРҲАҚИҚАТ, МАҲАЛЛАДА ИШСИСЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ТОМОРҚАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ХОНАДОНЛАРДА ИССИҚХОНА ТАШКИЛ ҚИЛИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН. ЎТГАН ЙИЛИ УШБУ МАҲАЛЛАДА 18 ТА ОИЛАГА ИССИҚХОНА ҚУРИШ, 14 ТА ОИЛАГА ЧОРВА ВА ПАРРАНДА БОҚИШ УЧУН КРЕДИТ ОЛИШГА КўМАКЛАШИЛДИ.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Фуқаролар йиғини раисига қандай ҳуқуқлар берилган?

— Айни пайтда маҳалла фуқаролар йиғини раисларига қандай қўшимча ҳуқуқлар берилди. Шۇ ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Б. САФАРОВ.
Китоб тумани.

Абдишукур ОМОНОВ, Китоб тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи:

— Президентимизнинг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосан, фуқаролар йиғини раисига тегишли ҳудуддаги профилактика инспектори фаолиятига баҳо бериш ҳамда уни рағбатлантириш ёки унга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этилгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича вилоят ички ишлар бошқармасига тақдимнома киритиш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, уй-жой мулкдорларининг умумий йиғилишига бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раиси билан тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, кўп қаватли уйларни бошқариш билан боғлиқ масалаларда уй-жой мулкдорларининг розилиги асосида уларнинг номидан бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раиси билан ўзаро муносабатларга киришга ҳақли.

Ҳамма маҳаллаларда ҳам бунга амал қилиняптими?

Ҳўш, бугун барча маҳаллаларда ҳам бунга амал қилиняптими? Чиндан ҳам, маҳалла раисларининг ташкилотлар билан иш олиб боришида бирор ўзгариш бўлдимми? — Тўғри, зиммамиздаги бир неча вазифалар бекор қилинди, — дейди Чирокчи туманидаги «Чирокчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Момасулв Бердиқулова. — Лекин уларнинг айримлари иштирагимизсиз ҳал бўлмайди. Масалан, солиқларни йиғиш, электр, газ таъминотидаги қарз-

моқда. Куёнчилиқни йўлга қўйган, товук, курка кўпайтириб, оиланинг тухум ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришдан ташқари, бозорга чиқариб яхшигина даромад олаётган хонадонлар ҳам талайгина.

Дарҳақиқат, маҳаллада ишсизликни бартараф этиш учун томорқачилиқни ривожлантириш, хонадонларда иссиқхона ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йили ушбу маҳаллада 18 та оиллага иссиқхона қуриш, 14 та оиллага чорва ва парранда боқиш учун кредит олишга кўмаклашилди.

Ислохотлар қачон натижа беради? Қачонки, одамларда умид уйғотса. Энг асосийси, ислохотлар туфайли ҳаётимиз йилдан-йилга яхшиланаётган.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасига элчихоналар бириктирилди.

Хўжақишлоққа ҚАЧОН СУВ КЕЛАДИ?

Фарғона вилояти Данғара тумани марказидан қарийб 30 километр олисда жойлашган «Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Хўжақишлоқ, Эски қишлоқ, Орол қишлоқларида умргузаронлик қилаётган 4 минг нафардан ортиқ аҳоли, мана, бир неча йилдирки, тоза ичимлик ва оқова сув етишмаслиги масаласида жиддий муаммоларга дуч келмоқда.

Маҳалла фаоллари аҳоли ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган сув таъминотини яхшилаш масаласида амалий ёрдам сўраб мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилган. Аммо амалий ишдан ҳануз дарак йўқ. Олис қишлоқ одамларини ўйлантираётган, норозиликларига сабаб бўлаётган сув таъминоти билан боғлиқ масалани ҳал этиш шунчалик оғир ишми? Қолаверса, сув муаммоси кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ, у йиллар давомида ўз ечимини кутиб турибди.

Қишлоқ кўчаларида бўлган киши сувсизликдан қақраб ётган ариқлар, томорқа экин майдонлари, кун иссиғида турли идишларда сув ташиш билан андармон бўлаётган аёллар, болаларга рўбарў келади.



– Сув тармоқлари ўтган асрнинг саксонинчи йилларида кўш-ни «Шўрқишлоқ» маҳалласидаги қудуқдан тортилган. Оралик масофа 5 километрдан ортиқ, – дейди «Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шерқўзи Ортиқов. – Ўтган йиллар давомида хонадонлар ва аҳоли сони сезиларли ошди. Лекин эски қувурлар ҳануз янгилангани йўқ. Орол қишлоғидаги «Лайлакчи мазор» зиёратгоҳини саховатпеша ҳомийлар кўмағида кўш-ни Наманган вилояти Поп туманидаги Қўшпета қишлоғидан 1,5 километр масофадан сув тортиб келиб ободонлаштирдик. Чунки бу қишлоқда тоза ичимлик суви ҳам ушшамас орзуга айланган. Бу ердаги сув таъминотини яхшилаш учун 5 километр тармок

тортиш талаб этилади. Бу борадаги ишларга амалий ёрдам сўраб 4-сектор раҳбари, туман ҳокимига мурожаат қилганмиз. Улар ёрдам беришини айтишяпти, лекин амалий ишлар қачон, ким томонидан бажарилишини ҳеч ким билмайди. Ой якунланса, ичимлик суви учун пул тўлаш кераклигини иддао қилишади.

Қоғозларда қолган дастурлар

Ўтган йили «Обод қишлоқ» дастури бўйича таъмирлаш ишларига киришилди, лекин иш жараёни «Истиклол» маҳалласигача етиб келмади. Мутасаддилар фақат дастур доирасида белгилаб берилган вазифаларни бажаришларини таъкидлашмоқда.

– Қишлоғимиз 2018 йилнинг иккинчи ярмида «Обод қишлоқ» дастурига тушган, – дейди маҳалла фаоли Шерали Аноров. – Лекин сув тугул бир километр йўл асфальтлангани йўқ, симёғочларни айтмасам ҳам бўлади. Биз мутасаддилардан дастур доирасида бажарилган ишлар, сарф қилинган маблағлар ҳақида ҳисобот беришларини сўраб бир неча бор мурожаат қилгандик. Туман ҳокими ўринбосари М.Холмирзаева бажарилган ишлар хусусида мутасаддилар тушунтириш беришларини билдириб, бизга хат йўллади. Аммо ҳеч ким келгани, ҳисобот бергани йўқ. Ахир «Обод қишлоқ» дастуридан кўзланган мақсад қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, аҳолига қулайлик ва имкониятлар яратиш эмасми? Янги ўқув йили бошланиш арафасида турибди, афсуски, ҳудуддаги мактаб, боғчада тоза ичимлик суви йўқ.

Халқимизда «Эскини эплагунча эсинг кетади» деган пурҳикмат нақл бор. «Истиклол» маҳалласида эски сув қувурларини таъмирлаш, сув таъминотини яхшилаш борасида аҳоли, тадбиркорлар, фермерлар маблағлари ҳисобидан ҳашар асосида бажарилган ишлар муаммолар ечимига асос бўлмаяпти. Маҳалла аҳлининг фикрига кўра, ичимлик суви таъминоти-



ни яхшилашнинг бирдан-бир йўли, маҳалла ҳудудида янги сув қудуғини қазिश. Тўғри, бу ишларни бажариш учун вақт, сармоя керак бўлади. Бироқ мавжуд масалалар ечимига ҳолис ёндашиш, муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишда масъуллар ўз масъулиятларини унутмасликлари керак.

Бу ҳали ҳаммаси эмас...

Маҳаллада тоза ичимлик суви-дан ташқари томорқа экинларини сугориш, йўлларни таъмирлаш, табиий газ, электр таъминотини яхшилаш борасида ўзига хос камчиликлар бор.

– Аҳолининг асосий даромади томорқадан, – дейди маҳалла фаоли Ваҳобжон Ортиқов. – Аммо ундан унумли фойдаланиш имкониятига эга эмасмиз. Чунки экинларни сугориш учун оқин суви йўқ. Натижада кам ҳосилли, кам даромадли озуқа экинларини экиш билан кифояланяпмиз. Авваллари сабзи етиштиришда бизнинг олдимишга тушадиганлар бўлмаган. Қўқон бозорларига энг сара маҳсулотларни бизнинг томорқачилар етказиб берад эди. Бугун бу борада ҳеч бир ташаббус йўқ. Экинларимиз сувсизликдан яхши ривожлана олмаяпти,



ҳосилдорлик чўғи ҳам шунга мос. Сув етарли бўлса, томорқадан икки-уч марта ҳосил олиш имконияти бор. Сувсизликдан қийналиб кетган аҳоли муаммонинг кўлбола ечимларини ўйлаб топишга, ҳар ким ўз билганича иш тутишга мажбур бўлмоқда. Масалан, аксарият аҳоли кўлбола сув тортиш ускуна(качалка)ларидан бир амаллаб фойдаланмоқда. Аммо бу муаммони ечиш имконини бермайди.

Танаси бошқа дард билмас

«Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғинидаги сув муаммоси билан боғлиқ ҳолатлар ва уларни бартараф этиш борасидаги амаллар хусусида мутасаддилар фикрини билиш мақсадида «Сувқоқова»



давлат унитар корхонасининг Данғара тумани филиали бошлиғи Абдурауф Деҳқонов билан телефон орқали боғландик. У гапни қисқа қилиб: «Биз фақат давлат дастурига киритилган ишларни бажарамиз», дея телефон гўшагини кўйиб қўйди.

«Танаси бошқа дард билмас» деганларидек, бир қишлоқ аҳоли ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган тоза ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ масалалар ечими қачон ва қай тартибда бартараф этилиши юзасидан тайинли жавоб ололмадик. Бундан кўринадики, туман мутасаддилари йиллар давомида аҳолини қийнаб келаётган масалалар ечимини ҳали ўйлаб ҳам кўрмаган кўринади.

Сирасини айтганда, шу кунга қадар ўз ечимини топмай келаётган тоза ичимлик ва ёқин суви муаммосини бартараф этиш юзасидан маҳалла фаоллари қанчалик елиб-югуришаётган бўлса-да, масалага ҳануз ижобий ечим топилмаяпти. Мутасаддилар эса ваъда беришдан чарчагани йўқ.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

Талабалар учун Муқимий номидаги кўкрак нишони таъсис этилди.

ВАЗИР МАХФИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ

нега очиклади?

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти-га дахлдор маълумотлар одатда ошкор этилмасди. Жамоатчилик унга қанча кўп қизиқиш билдирмасин, ёпиқ қозон ёпиқлигича қоларди.

Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этиш фаолиятининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши тизимда баъзи маълумотларни очиклаш талабини қўйди. Ҳўш, вазият ўзгардимиз? Тизимда ошкоралик қай даражада таъминланди? Айни саволларга **Ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов** куйидагича жавоб берди:



— Эндиликда жазони ижро этиш тизимида очиклик, ошкоралик ва шаффофлик амалда таъминланади. Яъни «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган мазкур қарор билан мамлакатимизда жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари сони, уларнинг юридик манзиллари, сақланаётган шахслар сони тўғрисидаги маълумотлар махфий ҳисобланмайди.

Чет эл жазони ижро этиш тизими тажрибаси атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилинди. Ҳақини натижаларига кўра, бир нечта давлатларда жазони ижро этиш тизимига оид масалаларга тегишли айрим маълумотлар интернет тармоғида умумий фойдаланиш учун очик тақдим этилиши маълум бўлди. Бу эса халқаро ташкилотлар, илмий-тадқиқот тузилмалари томонидан ушбу мамлакатлар пенитенциар тизимига доир аниқ маълумотларга асосланган рейтинглар тузиш ва унга ҳолис баҳо бериш имконини беради. Хусусан, Лондонда жойлашган қамқоҳоналарни тадқиқ қилиш халқаро маркази томонидан 2019 йилда эълон қилинган маълумотта кўра, республикамизда ҳар 100 минг аҳолига 150 нафар жазо ўтаётган шахс тўғри келиши, тизимда 43,9 минг нафар шахс сақланаётган-

лиги кўрсатилган. Рейтингда Ўзбекистон 222 давлат ичида 105-ўринни эгаллаган.

Асл вазият қандай?

Аслида юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигининг либераллаштирилиши натижасида сўнгги ўн йилда жазо муддатини ўтаётган шахслар сони кескин қисқарган. Айни пайтда жазони ижро этиш тизимидаги маҳкумлар сони 22,9 минг нафарни ташкил этиб, ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан 67 нафар шахс тўғри келади. Бу рақамлар шу пайтгача бирон марта очикланмаган эди.


Маълумотларнинг эълон қилиниши мазкур рўйхатдаги кўрсаткичимизни 70 поғонага яхшиланишини кўрсатади. Ҳозирда Жазони ижро этиш бош бошқармаси тасарруфида 43 та жазони ижро этиш муассасаси ва 11 та тергов ҳибсхонаси мавжуд. Муассасаларнинг 18 таси ёпиқ турдаги колония ва 25 таси манзил-колония ҳисобланади. Жазони ижро этиш тизимидаги колонияларнинг сифмига нисбатан сақланаётганлар кўрсаткичи 56,4 фоизни ташкил қилмоқда.

Жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолияти, ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам бундан буён расмий сайтларда эълон қилинади. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар орасидаги ўлим ҳолатлари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиладиган шахслар сони тўғрисидаги маълумотлар ҳам ошкор этилади.

Бу мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли демократик ислохотларни статистик маълумотлар билан изоҳлаш ва халқаро рейтинглардаги ўрнини аниқ ифода этишда қўл келади. Бундан ташқари, юрдошларимиз ва хорижий экспертларнинг жазони ижро этиш тизимига оид аниқ маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

Маҳкумлар нима билан банд?

Ҳозир жазони ижро этиш муассасаларига қарашли корхоналарда 100 дан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Меҳнатга лаёқатли маҳкумларнинг 80 фоизга яқини фойдали меҳнатга жалб этилган. 2019 йил ва жорий йилнинг ўтган даври давомида 3 минг 559 янги иш ўрни яратилиб, 1 минг 352 нафар



маҳкум меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитилди, тегишли сертификатлар берилди. Эътиборлиси, жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида шундай корхоналар томонидан 100,4 миллиард сўмлик маҳсулот иш-

лаб чиқарилди. Ишлаётган ҳар бир маҳкумга ўртача 700-800 минг сўм, айрим мутахассисликлар бўйича эса 1,5-2 миллион сўмгача ойлик маош берилмоқда.

Очиғини айтиш керак, маълумотлар очиклигини таъминлаш аҳолининг унга бўлган ишончини ошириш баробарида, асоссиз хабарлар тарқалишининг олдини олади.

Шунингдек, тизимда амалда оширилаётган ислохотлар қай даражада самара бераётгани ёки йўқлиги ойдинлашади. Баҳо эса ёпиқ доираларда ўз-ўзига эмас, балки халқ томонидан ҳолис берилади.

КОТИЛЛИК

ЖОМАДОНДАГИ МУРДА: ваҳшийликка қўл урган ким?

Яқинда Қибрай туманида саёҳат жомадонида эркак кишининг мурдаси қотиллик аломатлари билан топилгани ҳақида хабар тарқалди. Наҳотки инсон боласи шундай ваҳшийликка қўл уриши мумкин бўлса?

Бош прокуратура вазиятга куйидагича изоҳ берди. Аниқланишича, марҳум Ш.А. шу йилнинг 7 август куни эрталаб шахсий «Gentra» автомашинасида ўз уйидан Тошкент шаҳридаги Республика шошилинич тез тиббий клиник шифохонасига кўриқдан ўтиш учун таниши Р.Х. олдига келган. 2009 йилдан буён шифохонада бўлим раҳбари лавозимда ишлаб келаётган Р.Х. ўзига аввалдан таниш бўлган Ш.А.ни кўриқдан ўтказиш жараёнида эски адоватларни эслайди. Шунингдек, унинг (марҳумнинг) шу даргоҳда ишловчи шаръий хотини ҳақида гап кетиб, икки ўртада келишмовчилик келиб чиқади. Уни бўш ҳонага олиб киради ва тиббиёт кушеткасига ётқизади, бош қисмига қаттиқ тўмтоқ жисм билан бир маротаба уриб, сўнг бўғиб қасддан ўлдиради.

Жиноятни яшириш мақсадида Ш.А.нинг жасадини саёҳат жомадонига жойлаб, таниши А.М. ёрдамида қора рангли «Gentra» русумли автомобилида Қибрай туманининг «Соҳибкор» худудидан оқиб ўтувчи Бўзсув каналига ташлаб юборади.

Шунингдек, улар марҳумнинг қўл сумкасидаги 660 минг сўм ва 230 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни олиб, шахсий ҳужжат ҳисобланган фуқаролик паспорти, ҳайдовчилик ва хизмат гувоҳномаларини қайчи ёрдамида бўлакларга бўлиб, сувга оқизиб юборади.

Тергов жараёнида Р.Х.га тегишли автомашинанинг юқонаси атрофида қирилишлар, шифохонадаги хонасининг ер ва девор қисмларидан олинган қонга ўхшаш доғлар ашёвий далил тариқасида олинган.


Қўлга олинганларга нисбатан қотиллик ва бошқа қатор айбловлар эълон қилиниб, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган. Бош прокуратура назоратига олган мазкур жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари Тошкент вилояти прокуратураси томонидан олиб борилмоқда.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 97-моддаси, яъни қасддан одам ўлдириш билан жиноят иши кўзгатишган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Саҳифани Рисолат МАХСИМОВА тайёрлади.

Иккинчи мутахассисликка ариза бериш муддати 31 августгача этиб белгиланди.

Давлат-хусусий шериклик тизими КОММУНАЛ ХИЗМАТНИ ривожлантирадими?



Ривожланган мамлакатларда давлат ва хусусий секторлар ресурсларини бирлаштириш орқали жамиятда мавжуд бўлган бир қатор долзарб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар самарали ҳал этилади. Юртимизда кўплаб соҳаларда, жумладан, уй-жой коммунал тизимида учраётган муаммолар айна шу усулни жорий этиш орқали ечим топиши шубҳасиз. Чунки бу соҳада хизмат кўрсатувчи «табiiий монополия» корхоналари фаолияти аксарият ҳолларда бир томон учун манфаатли бўлмоқда. Хусусан, коммунал хизматларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган йўқотишларни қоплаш, нарх-наво ва тарифлар орқали истеъмолчилар елкасига юкланади. Боиси, соҳада рақобат йўқ, аҳоли эса яқка ҳуқумрон хизмат кўрсатувчиларнинг талабига бўйсунушга мажбур.

Шу ой бошида Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлат-хусусий шериклик масалаларининг кўриб чиқилиши асосида ушбу оғриқли масалаларга тўхталиб ўтилди ва мазкур тизимни ривожлантириш учун қатор вазифалар белгиланди. Хўш, давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириш орқали коммунал соҳадаги айнан қайси муаммолар ҳал этилади ва бу борада қандай чора-тадбирлар кўрилиши кўзда тутилмоқда?

Қонунчилик меъёрларини янада такомиллаштириш зарур

— Аҳолининг ижтимоий манфаатларини таъминлашда коммунал соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишга бўлган эътиборнинг кучайиши муҳим аҳамият касб этади. — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улугбек Вафоев**. — Шу маънода Президентимиз томонидан бугунги кунда ўта долзарб бўлиб турган электр энергияси ва табiiий газни истеъмолчиларга сотишда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш топшириғи берилгани айни муддао бўлди. Дарҳақиқат, ушбу соҳада ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар ўртасида рақобатни таъминлаш орқали хизмат сифатини ошириш ҳамда маҳсулот таннархи ва йўқотишларни камайтириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини жадал амалга ошириш ҳам бюджетта энгиллик



бўлади, ҳам хизмат сифати яхшиланади. Мисол учун, мамлакатимизда амалга оширилиши режалаштирилган биргина канализация лойиҳалари учун 2 миллиард 600 миллион доллар талаб қилинади. Мазкур лойиҳанинг хусусий шериклар билан биргаликда амалга оширилиши, дарҳақиқат, бюджетга катта энгиллик беради, соҳага хусусий секторнинг кириб келиши рақобатни вужудга келтиради ва пировард натижада хизмат сифати ошади.

Шу билан бирга, давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини ривожлантиришда парламентнинг ролини ошириш, жумладан, бу соҳада парламент ва депутатлик назорати самарадорлигини ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Қолаверса, ўтган икки йилда «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонун нормаларининг ижроси таҳлили, тегишли қонунчилик меъёрлари ва процессуал механизмларни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ичимлик суви таъминоти хусусий шериклар билан ҳамкорликда ҳал этилади

— Бугунги кунда вазирлигимизда ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини соҳага жорий этиш мақсадида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. — дейди **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Алипаша Аҳмедов**. — Жумладан, вазирлик ҳамда «City

сифатли канализация хизматлари билан қамраб олиниши ҳозирги 10 фоиздан 70,3 фоизгача етказилиши мўлжалланган. Шунингдек, Франциянинг «SUEZ International» компанияси билан биргаликда Тошкент шаҳар сув таъминоти сифатини яхшилаш бўйича қиймати 185,4 млн. евро бўлган лойиҳа шартномаси имзоланган бўлса, Тошкент, Жиззах, Сурхондарё вилоятларидаги қатор туманларда шундай лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Истиқболли вазифалар

Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ичимлик суви, канализация ва иссиқлик тизими объектларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ривожлантириш бўйича аниқ ва асосланган тақлифлар ишлаб чиқилмоқда ҳамда тақлиф этилаётган лойиҳаларни айнан ДХШ механизмлари асосида амалга ошириш имкониятлари ўрганилмоқда. Жумладан, ичимлик суви, канализация ва иссиқлик таъминоти соҳасида 40 дан ортиқ объектлар ўрганиб чиқилмоқда.

Вазирликнинг дастлабки режаларига кўра, кейинги 3 йил давомида ичимлик суви таъминоти 30 фоизгача, канализация хизматлари 10 фоизгача, иссиқлик таъминоти тизими 20 фоизгача давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида бошқарувга берилиши режалаштирилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ДХШ механизмларининг соҳага татбиқ этилиши ичимлик суви таъминоти, канализация хизматлари ва иссиқлик таъминоти инфратузилмасини ривожлантиришга, соҳага хусусий инвестицияларнинг жалб этилиши ва бу борада бюджет харажатларининг камайишига, илғор бошқарув тажрибасининг жорий қилинишига хизмат қилади ҳамда соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ўзаро манфаатли шариоитларида тезкорлик билан самарали ҳал этилиши, пировардида эса аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ошишига олиб келади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

23 та рейс орқали хоризждаги фуқаролар олиб келинади.



Тан олиб айтиш керакки, аввалги йилларда юрти-миз маҳалла институти тизимида қатор муаммолар тўпланиб қолганди. Бу айрим ҳолларда аҳолининг ҳақли эътирозларига ҳам сабаб бўлган. Хусусан, маҳаллага янглиш кириб қолган баъзи нопок раислар томонидан йўл қўйилган камчиликлар бутун тизимга тама бўлиб ёпиштирила бошланди. Натижада ҳалол-пок, элу юрт, аҳоли манфаатлари йўлида тинмай меҳнат қилаётган, тизимнинг асосий қисмини ташкил қилувчи минглаб ходимлар, раисларнинг ҳам номи «қора»га чиқиб қолаёзди. Айтиш жоизки, бу ҳолат соҳа вакиллари фаолиятини баҳолашнинг мукамал, адолатли ва шаффоф тизимлари ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ эди.

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ фаолияти янада такомиллашади

Сўнги уч-тўрт йил ичида мамлакатимизда маҳалла институти фаолиятини қўллаб-қувватлаш, соҳани такомиллаштириш, уни аҳолининг чинакам маслақдоши ва қўмақдошига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги «Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори соҳани янада ривожлантириш йўлидаги муҳим ҳуқуқий асослардан бири бўлди. Унга кўра, эндиликда раислар, маҳалла идоралари фаолияти махсус ишлаб чиқилган рейтинг тизими асосида баҳолаб боради. Мавзу юзасидан **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Элмурод Қаршиев**нинг фикрлари билан ўртоқлашамиз.

Жамоатчилик асосидаги тизимлар вазифасини бажара олмади

— Таъкидлаш лозимки, мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралда қабул қилинган «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институти янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилиниб, унда фуқаролар йиғини фаолиятини янада такомиллаштириш борасида бир қанча муҳим ўзгаришлар белгиланган, — дейди Элмурод Қаршиев. — Хусусан, мазкур фармон асосида фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчи мақомидаги мавжуд ўринбосарлари лавозимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини қошида фаолият юритиб келган олтига комиссия ҳамда «Маҳалла туботи» жамоатчилик тузилмаси тугатилиб, фуқаролар йиғини раисининг учта ўринбосари, иккита маслаҳатчиси ва битта мутахассис лавозимлари ҳамда фуқаролар йиғинининг

иккита янги комиссияси ташкил этилганлиги белгиланди.

Бу бежиз эмас, албатта. Боиси фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари ва маҳалладаги бир қанча комиссиялар аввал жамоатчилик асосида фаолият юритиб келган. Натижада эса ўтган вақт давомида мазкур тузилмалар ўз вазифасини тўла бажара олмади.

Хусусан, оилавий ажримлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, маҳалла ва оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби маҳалланинг энг муҳим вазифаларини амалга оширишда юқоридаги комиссия ва ўринбосарларнинг ўрни ва роли деярли сезилмади. Албатта, бунга қайсидир маънода уларнинг жамоатчилик асосида фаолият юритгани ҳам сабаб бўлган. Шу боис эндиликда фуқаролар йиғини раисининг 3 та ўринбосари тегишли манбалар ҳисобидан иш ҳақи олиб фаолият юритиши белгиланди. Бу эса уларнинг бевосита ўз йўналишлари бўйича ҳудуддаги зарур масалаларга сидқидилдан ёндашиб, аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этиш учун зарур чоралар кўришига сабаб бўлмоқда.

Раисларга бепул йўлланмалар бериладими?

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарориди фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди. Айтиш лозимки, ушбу баҳолаш тизимида фуқаролар йиғинлари раисларининг учта ўринбосари, битта мутахассис ҳамда фуқаролар йиғинидаги комиссияларнинг «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган самарали фаолияти йиғиндиси ҳисобга олинади. Яқунда эса «намунали», «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз» фуқаролар йиғинлари аниқланиб, «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинларининг ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахслар мод-

дий рағбатлантириб борилади.

Хусусан, йил якуни натижалари бўйича «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинлари ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларга республика ҳудудидаги санаторийлардан бирида соғлигини тиклаш учун бир мартабалик бепул йўлланма бериш амалиёти сақлаб қолинди.

«Обод ва хавфсиз маҳалла»лар — асосий мақсадимиз

Албатта, бу тизимни ташкил этишдан бир қанча муҳим мақсадлар кўзланган бўлиб, энг муҳими, маҳаллаларда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимни жорий этишдир. Қолаверса, мазкур тизим орқали фуқаролар йиғинлари томонидан

ЙИЛ ЯКУНИ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА «НАМУНАЛИ» ДЕБ ТОПИЛГАН МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИГА РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДАГИ САНАТОРИЙЛАРДАН БИРИДА СОҒЛИГИНИ ТИКЛАШ УЧУН БИР МАРТАБАЛИК БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛАДИ.

аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этишга қўмақлашиш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшлар таълим-тарбиясида ва маънавиятини юксалтиришда нурунийларнинг родини ошириш, шунингдек, тизимда меҳнат қилаётган ходимларнинг ўз ишига бўлган масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилинган. Шунингдек, ушбу баҳолаш мезони фуқаролар йиғинларининг аҳоли муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги родини кучайтириш, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида

аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларини тизимли ташкил қилишга хизмат қилади.

Махсус веб-портал ишга туширилади


Мазкур қарорда, шунингдек, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрда қадар фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини олиб боровчи автоматлаштирилган веб-порталнинг техник-лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш, 2021 йилнинг 1 майдан веб-портални ишга тушириш белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, қарорда бугунги кунда вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар томонидан маҳалла тизимига оид маълумотларни тақдим этиш, бу борада тезкорлик ва шаффофликни таъминлашда маълум муаммо ва камчиликлар борлиги инobatта олиниб, бу муаммоларни барта-раф этиш мақсадида эндиликда вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг сўровига мувофиқ, мазкур қарор билан тасдиқланган низомда назарда тутилган маълумотларни тақдим этиш, бунда маълумотларнинг асослангани, ишончлилиги ва белгиланган муддатда тақдим этилиши учун маълумотни киритаётган идораларнинг биринчи раҳбарларига шахсий жавобгарлик юклатилди. Ўйлаймизки, бу янгилик маҳалла тизими фаолиятини янада ривожлантириш, аҳоли муаммоларини ҳал этишда тезкорлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Тошкентда 22 та автобус йўналишларига ўзгартириш киритилди.

Бугун қай бир соҳада ривожланишни истамайлик, юксак билимларсиз унга эришиш душворлигига амин бўламиз. Бу шунчаки баландпарвоз, реалликдан узоқ гап эмас. Айнан илми, салоҳиятли мутахассислар камлиги туфайли турли жабҳаларда замонавий технологияларни жорий этишда оқсоқлик юзага келаётгани сир эмас. Хусусан, кимё ва биология фанлари бўйича интеллектуал даражамиз бизни қониқтирадимиз? Афсуски, «ҳа» деб жавоб беришимиз қийин. Шундай экан, бусиз ҳудудларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган фармацевтика, нефть, газ, кимё, тоғ-кон, озиқ-овқат саноати тармоқларини жадал ривожлантириш каби муҳим вазифаларни амалга ошира оламизми?!



КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ бўйича таълим сифати юксаладимизми?

Президентимизнинг жорий йил 12 августдаги «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори айнан шу эҳтиёж туфайли қабул қилинган, десак адашмаган бўламиз. Сир эмас, узоқ йиллар таълим соҳаси, жумладан, кимё ва биология фанларини ўқитиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Айниқса, чекка ҳудудларда ёшларга мазкур йўналишлар бўйича билим бериш даражаси пасайиб кетди ва улар энг муҳим фанларни ўзлаштиришда ортда қолишди. Умуман олганда, ушбу соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш ишлари ҳам кўнгиладигдек эмас.

Хўш, мазкур қарорда юқоридаги камчиликларни бартараф этиш ва кимё ва биология йўналишларидаги таълимни ривожлантиришга оид қандай вазифалар белгиланган?

Таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида уйғунлашув

— Кимё ва биология фанлари бўйича таълим сифатини тубдан ошириш, умумтаълим мактабларида ушбу фанларни ўқитишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулшана Худоерова. — Президентимиз қароридан мақсадни изчил амалга ошириш, чунончи, таълим муассасаларини замонавий лабораториялар, дарсликлар ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, кадрлар тайёрлаш ва илм-фан натижаларидан фойдаланишда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ўзаро яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Мазкур ҳужжат билан кимё ва биология таълими бўйича бир қатор жиддий янгиликларни кузати-

шимиз мумкин. Жумладан, юртимизнинг ҳар бир ҳудудидики кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган 14 та таянч ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилади. Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати эса ушбу мактаблар мақомига мослаштирилади. Шугина эмас. Туман(шаҳар)ларда ҳам кимё ва биология фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган 150 та мактаб очилади.

Шу ўринда ушбу таълим муассасаларининг ўқитиш салоҳияти қандай таъминланади, деган савол туғилади. Қарорда бу масаланинг ечими кўрсатилган. Яъни 164 та

фанлари бўйича ҳам татбиқ қилинади. Қарор билан 2021 йил 1 февралга қадар Кимё ва биология фанларидан билимларни баҳолаш бўйича миллий сертификатлаш тизими йўлга қўйилади.

Бу жараёнда кимё ёки биология фанларини билиш даражасини аниқлаш (бу табақалаштирилган ҳолда бажарилади) ва бу тўғрисида миллий малака сертификатларини бериш белгиланган тартибда Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади. Иштиёз бериладиган даражадаги миллий сертификатга эга умумтаълим мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар мактаби ўқувчилари давлат олий таълим муассасасига ўқишга киришда кимё ёки биология фанидан тест синови топширишдан озод этилади ҳамда унга тегишлилигига кўра кимё ёки биология фани учун белгиланган максимал балл берилади.

Кадрлар тайёрлашга илғор хорижий тажрибалар асосида ёндашилади

Ушбу соҳалар бўйича малакали педагог кадрлар тайёрлашга замон талаблари асосида ёндашмай туриб, бу йўналишда жиддий ўзгаришлар яратиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Қарорга кўра, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари шу йил 1 декабрга қадар кимё ва биология фанлари ўқитувчиларини тайёрлаш дастурларини хорижий университетлар тажрибаси асосида таҳлил қилиб, такомиллаштирилиши ҳам айтиш мумкин. Бундан ташқари, 2021 йилдан бошлаб илғор хорижий тажриба асосида таълим муассасалари учун кимё ва биология фанларини ўқув ва илмий адабиётларни яратиш бўйича миллий танлов ташкил этилиб, ғолиб деб топилган муаллифлар Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100

миллион сўмдан бир марталик мукофот пуллари билан тақдирланади.

Қарорда талабалар ўртасида халқаро ва республика фан олимпиадалари ғолибларига имтиёзлар яратилиши ва уларни тайёрлаган профессор-ўқитувчилар рағбатлантирилиши ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳам қатор чоралар кўзда тутилган.

Аҳамиятлиси, кимё ва биология йўналишларига тегишли мутахассисликлар бўйича ўрта бўгин кадрларини тайёрлайдиган 47 та профессионал таълим муассасаларига — ишлаб чиқариш корхоналари, олий таълим муассасаларининг 74 та кафедрасига 11 та Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари ҳамда ишлаб чиқариш тармоқлари бириктирилади.

Умуман олганда, бириктирилган ташкилотлар таянч ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган мактаблар, олий ва профессионал таълим, илмий-тадқиқот муассасаларини дарсликлар, лаборатория жиҳозлари ва ускуналар билан таъминлаш, хорижий мутахассисларни жалб этиш каби ишларда яқиндан кўмаклашади.

Хулоса ўрнида

Қарорда кимё ва биология таълими йўналишларини юксалтириш бўйича жуда кўплаб вазифалар белгиланган ва уларнинг барчаси ҳақида тўхталиш имконсиз. Энг муҳими, амалга ошириладиган чора-тадбирлар ёшларимизнинг замонавий илм-фанларни чуқур эгаллашлари, кўплаб соҳаларни юқори даражада билимга эга мутахассислар билан таъминлаш, қолаверса, мамлакатимиз дунёда кимё ва биология фан соҳаларида юксак мавқени қўлга киритишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бу эса биз кўзлаган мақсад — тараққиёт йўлидан дадил одимлашимизда ҳар томонлама кўмак беради.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

ҚАРОРДА ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ХАЛҚАРО ВА РЕСПУБЛИКА ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ ҒОЛИБЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИЛИШИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАГАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛИШИ ҲАМДА БОШҚА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ҲАМ ҚАТОР ЧОРАЛАР КЎЗДА ТУТИЛГАН.

мактабга олий таълим муассасаларининг 55 та кафедраси бириктирилади. Уларни молиялаштириш учун эса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган махсус жамғармалар ташкил этилади.

Миллий сертификатлаш тизими йўлга қўйилади

Бугунги кунда чет тиллар бўйича билимларни баҳолаш тизими мавжудлигидан хабаримиз бор. Энди бу усул кимё ва биология

Шаҳарларо йўналишларда автобуслар ҳаракати тикланди.

Матбуот ва жамият ўқув йили бошланиши арафасида олий ўқув юртларида таълим учун контракт тўловлари юзасидан фикр-мулоҳазаларни билдира бошлайди. Масалан, ўтган йили ўқишга кириш учун турли касб эгаларининг фарзандларига тақдим этилаётган имтиёзлар борасида баҳслар авжига чиққанди.




СЕНАТ МУНОСАБАТ БИЛДИРДИ:



«Контракт» миқдори янада пасайтирилиши мумкинми?

Кўпчилик абитуриентлар бу адолатсизлик экани, ҳақиқатда билимдон ёшларнинг ўқишга киришига тўсқинлик қилинаётганини ёки «контракт»га тушиб ўқишни ташлаб кетаётганини билдирди. Аммо жамиятдаги эътирозларга қарамай, мазкур масала ҳали-ҳануз ечим топгани йўқ. Аксинча, имтиёзли тоифаларнинг сони ортиб бормоқда. Жорий йил эса вужудга келган вазиятдан келиб чиқиб, контракт тўлови миқдори борасида тортишувлар авжига чиқмоқда. Зеро, карантин сабаб даромадсиз қолган кўпчилик оилалар фарзандининг таълимига пул ажрата олмаслиги мумкин. Мазкур тортишувлар доирасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан талабаларга 10 фоизлик чегирма жорий қилиниши тўғрисида баёнот берилди. Аммо бу тўлов миқдори ҳам айрим талабалар учун топишнинг имкони бўлмаган маблағ ҳисобланади.



да ишдан айрилганини ва таълим пулини тўлаш учун ҳеч бир имкон йўқлигини билдиришмоқда. Ҳатто баъзилар тўлов миқдори таълим сифати билан боғлиқлигини ҳам иддао қилади. Мамлакатимиздаги бирорта олий таълим муассасаси дунё миқёсида ТОП-1000 га

белгиланган контракт миқдори ўқитишнинг минимал харажатларини қоплай олмаётганлигига қарамадан (ўртача 68 фоизи қопланмоқда), вазиятни ҳисобга олиб чегирма берилди. Имтиёзлар шу билан чекланиб қолгани йўқ. Масалан, етим, чин етим, ногирон бўлган талабаларга ҳамда «темир дафтар» рўйхатидаги оиладан бўлган талабаларга контракт тўловларини қоплаш учун манзилли моддий ёрдам кўрсатилиб, 4,0 млн. сўмгача молиявий ёрдам кўрсатилиши ҳам белгиланган. Куролли Кучлар сафида муддатли харбий хизматни ўтаган талабага эса шартнома миқдорининг 35 фоизи тўлаб берилади.

Чегирмани ким белгилаши керак?

Пандемия шароити таълим тизимидаги, айниқса, унинг бошқарув механизмидаги қатор камчиликларни кўрсатиб қўйди. Масалан, юқорида қайд этилган муаммо бўйича — нега энди контракт суммаларини ва унга чегирмаларни вазирлик белгилаши керак? Ахир, бу вазифа мустақил юридик шахс сифатида фаолиятини юритувчи — таълим муассасаси раҳбариятининг ўз моддий имкониятларидан келиб чиқадиган вазифаси бўлиши керак эмасми? Фақат ижтимоий нуқтаи назардан чегирмалар учун маблағлари етишмагани ҳолатидагина, таълим муассасаси раҳбарияти субсидиялар учун вазирликка мурожаат этиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ким ўқишга киради, ким кўчада қолади?

Маълумки, жорий йилда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларга бакалаврият босқичига 162 364 та, магистратурага 10 425 та ўрин ажратилган бўлиб, бакалаврият йўналиши бўйича 1 млн. 484 минг нафар абитуриент ҳужжат топширган. Яъни битта ўринга 10,6 та талабгор тўғри келмоқда, 1 млн. 321 мингдан ортиқ талабгорнинг эса «кўчада қолиши» кутилмоқда. Шунча талабгорнинг барчаси ҳам «кўчада қолишга» лойиқмикан? Ахир, ривожланган давлатларда 90-95 фоизгача талабгорлар тўлов имкониятига эга бўлсалар, у ёки бу турдаги ўқишларга қабул қилинади-ку. Демак, Ўзбекистонда ҳам тез орада олий таълимни барча истовчилар учун осонлаштириш йўлларини қидиришимиз лозим. «Кўчада қолиши» кутилаётган ёшларга руҳан ва маънан кўмак бериш учун олий таълим муассасалари имкониятини кенгайтириш орқали балки сиртқи, кечки, масофавий, дуал каби таълим турлари бўйича қўшимча квоталар ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Улуғбек ИБОДИНОВ
тайёрлади.

ЧУНКИ АЙРИМ ТАЛАБАЛАР УЧУН УЛАРНИНГ МОДДИЙ ҲОЛАТИГА НИСБАТАН — НАФАҚАТ ЧЕГИРМА МИҚДОРИ, БАЛКИ БУТУН КОНТРАКТ МИҚДОРИ ҲАМ СЕЗИЛАРЛИ ТАЪСИР ЭТМАГАНИ ҲОЛДА, БОШҚАЛАРИ УЧУН КОНТРАКТНИНГ 10 ФОИЗИНИ ТўЛАШ ҲАМ — ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА ОГИРЛИК ҚИЛИШИ МУМКИН.

қирмаганлигига ҳам тўловнинг қимматлигини сабаб қилиб кўрсатишга уринишлар кўзга ташланяпти. Шунингдек, мазкур ҳолатга давлат идоралари ва депутатлар лоқайд муносабатда бўлаётгани айтилмоқда. Асло ундай эмас. Таълим масаласи ҳамиша ҳукуматимиз ва депутатлар, Сенат аъзоларининг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, бутунги кунда

Бойга ҳам, камбағалга ҳам бир хил имтиёзми?

Шу ўринда барча талабаларни моддий таъминоти даражасидан келиб чиқиб, уларга контрактдан чегирмалар белгилашни табақалаштирилган усулда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки айрим талабалар учун уларнинг моддий ҳолатига нисбатан — нафақат чегирма миқдори, балки бутун контракт миқдори ҳам сезиларли таъсир этмагани ҳолда, баъзилари учун контрактнинг 10 фоизини тўлаш ҳам — ҳозирги шароитда оғирлик қилиши мумкин. Чегирмаларни белгилашда масаланинг шу томонларига эътибор қаратиш лозим.

Ҳўш, бу борада депутатлар, Сенат аъзолари талабаларга қулайликлар яратиш учун бирор чора кўришадими? Мавзу юзасидан **Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов**нинг фикрлари билан қизиқдиким.

Чегирма 40 фоиз бўлиши керакми?

— Дарҳақиқат, шу кунларда Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Молия вазирликлари томонидан янги ўқув йили учун тўлов-контракт миқдори бўйича кундузги ўқийдиган талабаларга 10 фоиз чегирма берилиши кенг мунозараларга сабаб бўляпти.

— дейди **Одилжон Иминов**. — Кўпчилик ҳозирги шароитда, бунга кам деб, баҳоляпти. Чегирма камида 30-40 фоиз бўлиши лозимлиги айтиляпти. «Контракт»ни янада пасайтириш тарафдорлари айрим талабалар овқатга ёки дориға пул топишга ҳам қийналиши, улар авваллари ишлаб ёки мардикорчилик қилиб ўқишга пул тўлаётгани, аммо бутунги шароит-

Тўдақўл сув ҳавзаси қирғоғида замонавий дам олиш маскани очилди.



Хўш, бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Айни хусус-да мутахассисларга юзландик.

Икки вилоятда ирригация иншоотлари реконструкция қилинади

— Сўнгги 3 йил мобайнида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация тизимлари каналлари, лоток тармоқлари, гидротехник иншоотлар, коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув ҳўжалиги объектлари қурилди ва реконструкция қилинди. — дейди Сув ҳўжалиги вазирлиги матбуот котиби Шухрат Суёнов. — Натижада 104 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланди. Кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 15,6 минг гектарга камайди, сизот сувлар сатҳи ер юзасига яқин жойлашган майдонлар 28,6 минг гектарга қисқарди ва 85 минг гектардан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлашга эришилди. Шунга қарамасдан, 93,4 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти паст даражада қолмоқда, 109 минг гектар суғориладиган майдонлар ўртача ва кучли шўрланган. «Сардоба» сув омбори тўғрисида сув тошиши оқибатида Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларидаги аксарият сув ҳўжалиги объектлари, шунингдек, «Марказий Мирзачўл» коллектори ва унга қўлулвчи коллекторлар жиддий талафот кўрди.

Дарвоқе...

2020 йилда Давлат бюджети ҳамда Инкирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш ишларига жами 341,4 млрд. сўм ажратилган.

Ирригация объектларини қуриш бўйича янги тартиб ўрнатилади

Қишлоқ ҳўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш зарур. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб ҳисобланган ҳозирги шароитда ушбу чора-тадбирларни барча ҳудудларда, жумладан, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам комплекс амалга ошириш талаб этилмоқда. Бунинг учун ҳар иккала вилоятда сув ресурсларидан тўғри фойдаланган ҳолда ҳосилдорликни ошириш ҳамда даромадни кўпайтириш керак.



Шу боис жорий йилнинг 11 августида Президентнинг «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2020-2023 йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мелиорация объектларини таъмирлаш бўйича манзилли рўйхатлар, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ирригация тизимларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер ҳўжаликларининг ўз маблағлари ҳисобидан суғориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг прогност кўрсаткичлари олиб борилади. Жумладан, белгиланган йилларда бу борада Жиззах вилоятда умумий қиймати 1 трлн. 166 млрд. 302 млн. сўм, Сирдарё вилоятда умумий қиймати 1 трлн. 457 млрд. 380 млн. сўм бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилиши назарда тутилган. 2021 йилдан бошлаб ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш, тиклаш бўйича

устувор лойиҳаларни танлаш ва амалга ошириш тартиби ўрнатилади. 2021 йил 1 апрелга қадар — сув ҳўжалиги объектларини рақамли технологиялар асосида мониторинг қилиш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқилади ва амалиётга татбиқ этилади. Пахтакор ҳамда Ховос туманларида илгор агрокластерларни жалб қилган ҳолда замонавий рақамли технологиялар асосида намунали автоматлаштирилган суғориш участкалари ташкил қилинади.

Объектларни қуриш учун субсидиялар қандай берилади?

— Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тасдиқланган. — дейди Сув ҳўжалиги вазирлигининг Ерлар мелиорацияси бошқармаси бошлиғи Қурбон Муратов. — Қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларнинг манзилли рўйхати 1 февралга қадар шакллантирилади ҳамда Сув ҳўжалиги вазирлигида 1 апрелга қадар тасдиқланади. Тасдиқланган рўйхат 15 апрелга қадар ОАВда ҳамда Сув ҳўжалиги вазирлигининг веб-сайтларида жойлаштирилади. Бундай лойиҳаларни амалга оширишни хоҳловчилар (республика фуқаролари, қишлоқ ҳўжа-

лиги корхоналари, резидентлар) инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиб, объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларига доир харажатларни қоплаш учун компенсация олишлари мумкин. Мазкур ҳолатда Давлат бюджетидан қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ҳар бир гектар ерни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг эллик фоизи бир йўла қопланади. Харажатларнинг қолган қисми инвесторнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади. Лойиҳа ташаббускори субсидия олиш учун Сув ҳўжалиги вазирлигининг ҳудудий органларига керакли ҳужжатларни тақдим этади. Келиб тушган ҳужжатлар 3 иш куни ичида кўриб чиқилади ва Сув ҳўжалиги вазирлигига тақдим этилади, у ерда ҳудудий шундай муддатда харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун маблағлар лойиҳа ташаббускорининг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Сув исрофгарчилигига йўл қўйилмайди

Бугунги кунда экинларни суғоришда тупроқ намлик даражаси, ўсимлик ривожланиш фазаси инobatга олинмай суғориш ишлари сифатли бажарилмаепти ҳамда сувнинг ҳисоби юритилмаепти. Натижада сув исрофгарчилигига йўл қўйилмоқда. Шу боис соҳанинг мавжуд муаммоларини ва реал эҳтиёжларини ҳамда ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишга эътибор қаратилади. Шунингдек, ушбу икки вилоятдаги барча сув ҳўжалиги объектларига рақамли қурилмалар ўрнатилади. Натижада сувдан фойдаланишда шаффоф тизим яратилади, сувнинг ҳисобкитоби ва мониторинги электрон шаклда амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарор Жиззах ва Сирдарё вилоятларида суғориладиган ер майдонларини сув билан ишончли таъминлаш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда илм-фан янгиликларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш орқали мазкур ҳудудларда ҳосилдорликни ошириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Контракт учун талабаларга 10 фоиз чегирма берилади.



Бугунги кунда саноат корхоналари иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш борасида муҳим роль ўйнайди. Шу боис саноат сиёсати ва иш услубини ўзгартириш ҳамда рақобатбардош маҳсулотларни кўпайтириш давр талабидир. Бунинг учун корхоналар иш фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш ва маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Саноат корхоналарининг кўрсаткичи қониқарлими?

Хўш, юртимизда бу борада олиб борилаётган ишлар қониқарлими? Шу хусусда мутахассисларга юзландик.

Пандемия маҳсулот ҳажмига таъсир қилдимми?

— Иқтисодиёт тармоқлари, хусусан, саноат ва ишлаб чиқаришнинг истиқболи бевосита инвестицион лойиҳаларнинг амалиётга муваффақиятли жорий этилишига боғлиқ, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Нодирбек Тилаволдиев**. — Бу, айниқса, саноат зоналарини ривожлантириш, маҳсулотлар сифатини ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ва шу орқали ижтимоий масалалар, яъни аҳоли бандлигини таъминлаш каби ҳаётий

масалаларда муҳим аҳамиятга эга. Яъни иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини яратишда муҳим ўрин тутади. Шу боис пандемияга қарамадан мамлакатимизда бундай корхоналарнинг узлуксиз ишлаши учун шароитлар яратиб берилди. Бунинг натижасида йилнинг биринчи ярмида «Ўзэлтханоат», «Ўзавтосаноат», тўқимачилик, чарм-пойабзал, металлургия, электр энергияси тармоқларида ўсишга эришилган. Қўрғонтепа, Қумқўрғон, Ромитан, Музработ, Избоскан, Норин ва Янгибозор туманларида саноат ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар кўпайган. Лекин, умумий ҳисобда олганда, биринчи ярим йилликда саноат маҳсулоти ҳажми 167 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилгига нисбатан 1,9 фоизга камайган.

масалаларни ҳал қилиш керак. Бунинг учун айни дамда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун саноат кластерларини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Мисол учун. Наманганда тўқимачилик ва у билан боғлиқ тармоқлар, Навоий вилоятида қурилиш ва безак материаллари, Тошкент вилоятида фармацевтика, Тошкент шаҳрида электроника ва мебель бўйича «саноат кластерлари»ни ташкил этиш учун тадбиркорлик муҳити шаклланган. Лекин, шу билан бирга, рақобатдош маҳсулот чиқариш учун кластерда илм, инновация, лойиҳа, молия, инжиниринг ва инвестиция ташкилотлари бўлиши муҳим.

Дунёда саноат кўрсаткичлари таққосланади

CIP — рақобатбардош саноат унумдорлиги (Competitive Industrial Performance Index) индекси бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни Ривожлантириш Ташкилоти ҳисобланади. У ҳар икки йилда ҳисобот шаклида чоп қилинади. Ушбу индекс 152 мамлакат саноатининг рақобатбардошлик кўрсаткичларини баҳолаб, таққослайди. Бунда эса ҳар бир мамлакатнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш қобилияти, технологик чуқурлаштириш ва модернизациялаш ва дунё бозорига таъсири ўрганилади. Шу боис CIP индекси давлатлараро саноат рақобатбардошликни таққослаш имконини беради. Мамлакатларнинг ўзаро таққосланиши эса иқтисодий ҳамкорликда ўз таъсирини кўрсатади. Қолаверса, мамлакатта келиши мумкин бўлган хорижлик инвесторларга йўлқўрсаткич бўлиб ҳам хизмат қилади. Ўзбекистон илк бор UNIDO ташкилотининг Рақобатбардош саноат унумдорлиги (CIP) индекси рейтингига киритилиб, 152 мамлакат орасидан 92-погонани эгаллади. Ушбу индекс мамлакатларга таққословчи (қиёсловчи) мамлакатларни аниқлаш имконини беради. Яъни рақобатбардошликнинг турлича ёндашувини таъминлаш учун CIP индекси

ҳисоботида саноатлаштириш босқичига, географик минтақага ва кўрсаткичга қараб турли тоифалар бўйича натижаларни кўриб чиқади. Таққосланувчи мамлакатлар қўшнилари, тўғридан-тўғри рақобатчиларни ёки энг намунали тажрибага эга бўлган мамлакатларни ўз ичига олиши мумкин. Уларнинг географик ўхшашлиги, ишлаб чиқариш амиллари, шунингдек, бир хил турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ҳам мамлакатлар ўртасида қиёслашга сабаб бўлади. Содда қилиб айтганда, бир-бири билан қиёсланадиган мамлакатлар саноатни ривожлантириш ёки йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун паст кўрсаткичли давлатлар ҳатосидан тўғри хулоса қилиб, яхши натижага қай йўсин эришиш мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади.

Хулоса ўрнида

Ҳозирда ҳар бир вилоятда саноат корхоналарини 30 фоизга кўпайтириш режалаштирилган. Бунда ҳудудлар ва тармоқлар яқин ҳамкорликда ишлаш ташкил этилади. Мисол учун, Қорақалпоғистонда иккинчи ярим йилликда 7,8 триллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш режалаштирилган. Жорий йилда 5 та йирик лойиҳани фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Тўқимачилик ва кимё тармоқларидаги бу лойиҳалар ҳисобидан 500 та янги иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Аммо айни пайтда маҳсулотни намоёиш қилиш имконияти чекланган. Шунинг учун бундан кейин электрон кооперация порталидан фойдаланиш йўлга қўйилади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган барча товарлар ушбу кооперация порталига жойлаштирилади. Бу эса соҳадаги ишларни анча енгиллаштириб, савдо ҳажмини кўтаришга ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, буларнинг барчаси иқтисодий кўрсаткичларга ижобий таъсир қилиши тайин.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Дарвоқе...

Қурилиш саноати иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш борасида катта имкониятларга эга бўлган соҳалардан бири ҳисобланади. Боис қурилиш соҳаси кўплаб саноат тармоқлари учун талаб яратади. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказининг ҳисоб-китобларига кўра, қурилиш соҳасининг иқтисодиёт учун мультипликатор эффекти 1,8 га тенг. Яъни қурилиш соҳасига киритилган 1 бирлик инвестиция ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,8 га кўпайтиради. Шунингдек, бу соҳада 1 млн. 325 минг нафар аҳоли иш билан банд.

Таҳлилларга кўра, юртимизда қолган олти ойда 229 триллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, йил якунигача бу борадаги кўрсаткиччи 3,5 фоизга ошириш учун барча имкониятлар бор.

Тошкент шаҳридан Бўстонлиққа автобус қатнови йўлга қўйилди.

«Салима Ҳасанова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) муқим яшаш ва иш жойи бўлмагани, моддий жиҳатдан қийналгани сабабли икки ёшу тўрт ойлик фарзанди Алимов Ислонжонни сотиб жиноий даромад орттириш мақсадида харидор излаб, 2020 йил январь ойининг ўрталарида таниши Б.Шералиевага мурожаат қилган».

Ортиқча юк бўлган гўдак

Жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман суди, жиноят ишлари бўйича Денов тумани суди биносида, очик суд мажлисида кўрилган гўдак савдосига оид жиноят иши билан таниша туриб, «она»нинг кирдиркорларидан ёқа ушлайсиз. Бу аёлни тушунишга, «тақдир зарбалари олдида довдираган»га ишонишга минг уринманг — бўлмайди. Туғилганидан бери сарсон-саргардон, онасининг хали у, хали бу эрининг уйда ортиқча юк бўлган икки яшар Ислонжоннинг ёш тўла жавдираган мунчок кўзлари қалбингизни парчалайди.

С.Ҳасанованинг судда маълум қилишича, 2017 йилда турмуш ўртоғи Бектемир Халилов уни уйдан хайдаб юборган, отаси ҳам қизини уйига киритмаган. Шундан сўнг аёл кўлидаги гўдаги билан қариндошларининг уйларида яшаб юрган. «Бахтли тасодиф» туфайли тез орада аёл телефонда Сурхондарё вилояти Денов туманида яшовчи Э.Т. билан танишиб қолиб, унга тегish-га рози бўлади. 2019 йил январь ойининг бошида бахтиёр жуфтлик қонуний никоҳдан ўтиб, бирга яшай бошлашади. Аммо доно халқимизнинг «шошилган киз...» деб бошланувчи мақоли ўзини тўла оқлади — аёл яна эрга ёлчимади. 2019 йил октябрда Э.Т. билан тортишиб қолиб, икки яшар ўғли Ислонжон билан уйдан чиқиб кетди. Деновдаги турли жойларда ижарада яшаб, ёлланма ишлаб тирикчилик қилган аёл ҳеч қанча ўтмай яна «бахтини топди» — 2019 йилнинг декабрь ойида Денов тумани «Дунётепа» маҳалласида яшовчи Латиф исмли одамга эрга тегди.

Савдо пишди, аммо...

Салима янги турмуш ўртоғининг маҳалласидаги дўконда савдо қилувчи Б.Шералиева билан танишиб қолади. Сухбат орасида дўкончига боласи ортиқча юк бўлаётгани, бордию

Икки яшар БОЛАНИНГ НАРХИ ЁКИ ЧАҚАЛОҚ САВДОСИНИ ҚИЗИТАЁТГАНЛАР



Очиқлик ва шаффофлик таъминланиши зарур

Фарзандликка олиш тизимининг очик ва шаффофлигини таъминловчи қондалар белгиланмагани ҳам оғрикли нуқталаримиз. Хусусан, фарзандликка олиш учун ҳужжатларни масофадан туриб топшириш, фарзандликка олиш мумкин бўлган болалар тўғрисида маълумот олиш имконияти барча учун ошкора бўлиши зарур.

Бир сўз билан айтганда, қонунчилигимизда фарзандликка олишнинг соддалаштирилган тартиби мавжуд эмас. Мазкур ҳолат яқин қариндошлар томонидан фарзандликка олиш тартибининг одатдаги тартиби билан бир хил жараёнлардан ўтишига, расмийлаштириш муддатларининг уза-йиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли болаларни фарзандликка олишдан кўра, васийликка олиш ҳолатлари сони ошиб бораётир.

Оила муқаддаслигини унутганинг аҳволига вой

Тўғри, қонунларимиздаги бола асраб олиш билан боғлиқ камчиликлар, қоғозбозликлардан кўз юмиб бўлмайди. Албатта, бу борада замон талабларидан келиб чиқиб, катта ўзгаришлар амалга оширилади. Аммо оилани асраш, фарзандларини авайлаш ҳар кимнинг виждони, имонига ҳавола. Қонунчилигимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, кимнинг ким билан турмуш куришию эр-хотин мураса қилол-маса, расман ажрашиб, бемалол бахтини қайтадан излашига бирон монелик қўйилмаган бўлса-да, бу хусусда миллий қадриятларимиз, одоб-ахлоқ тамойилларимиз бутунлай бошқача кўрсатмалар беради. Афсуски, ҳамма оилада ҳам қизлар тарбиясида бундай дунёқараш чуқур сингдирилмайди. Аслида энг оғрикли нуқтамиз ҳам шу.

уни сотса, Россияга кетиб ишламоқчи эканини айтади. Бундан ташқари, ҳозирнинг ўзида анча-мунча харидорлар борлиги, жумладан, тожикистонлик «клиент» 13 миллион таклиф қилаётгани, сурхондарёлик яна бир бефарзанд оила болани 8 миллионга баҳолаганини ҳам оғзидан гулдайди. Б.Шералиева унга ёрдам беришни ваъда қиладию, ички ишлар органи вакиллари билан боғланади. Аёл ўз жигарбандини сотаётганида, ашъвий далиллар билан қўлга олинади. Дарвоқе, Салима анойилардан эмас экан, у судда барча айбларни рад этди.

Аммо суд ҳайъати воқеа жараёни видеотасвирлари, С.Ҳасанованинг пулни олишда фарзандини ўз хоҳиши билан сотаётгани, эртага боласига даъво қилмаслиги тўғрисидаги аудиоёзувлар асосида судланувчининг важларини тўлиқ рад этди, у Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилди ва тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Бола савдоси нега авж олмоқда?

Сўнгги пайтларда боласини сотаётган аёллар ҳақида кўп эшитялгимиз. Фарзандфурӯшларни асло оқлаб бўлмайди, аммо қонуний йўл қолиб, ўзаро олди-берди асосида бола асраб олишни маъқул кўрувчи «харидорлар» ҳам етарлича экани ҳақиқат. Экспертлар фикрича, бу борада эгри йўл танланишига кўп жиҳатдан юртимизда бола асраб олиш билан боғлиқ қонуний тартибнинг ниҳоятда мураккаблиги сабаб бўлмоқда.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими Адиба Сафарованинг таъкидлашича, мам-

лакатимизда фарзандликка олиш муносабатлари Оила кодекси ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади.

— Аммо мазкур қонун ҳужжатларини ўрганиш натижасида бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар ва камчиликлар аниқланди, — дейди Адиба Сафарова. — Биринчидан, Низомнинг қатор нормалари Оила кодексига белгиланган қондаларга тўғри келмайди. Масалан, Оила кодексининг 151-моддасига кўра, фарзандликка олиш — болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Бироқ Низомнинг 3-бандида фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилиши белгиланган.

Яна бир камчилик шундан иборатки, Оила кодексининг 152-моддасига кўра, вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин. Мазкур талаб эса фарзандликка олинувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла даражада ҳимоя қила олмайди. Бошқача айтганда, фарзандликка олувчи шахсларга қўйиладиган талаблар қайта кўриб чиқилиши керак. Бунда уларнинг ёш чегараси, оилавий ҳолати ҳам ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Юлдуз ХОЖИЕВА
«Mahalla»

Ҳожатхонаси йўқ АЁҚШларга газ етказиб бериш тўхтатилиши мумкин.

НАВБАТДАГИ СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР НАЗАРДА ТУТИЛГАН?

Сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоялаш чораларини кучайтириш, одил судлов тизимини мустаҳкамлаш ҳамда судьяларнинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Умумюрисдикция судлари ташкил этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида суд тизимида ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда.

Хусусан, ўрта бўғиндаги фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳўш, бу қандай бўлади? Ўрта бўғин умумюрисдикция судлари тизимида судьялар қатъий ихтисослашуви сақлаб қолинади, яъни умумюрисдикция судлари ташкил этилишига қарамадан суд ишлари аввалгидек мос равишда жиноят ишлари, фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришда ихтисослашган суд таркибида кўрилади. Умумюрисдикция судларида суд ишларини юритиш турлари бўйича судлов ҳайъатлари тузилади.

Шунингдек, маъмурий судлар соҳасида ҳам қатор ўзгаришлар режалаштирилган. Биринчи навбатда, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади. Шу вақтга қадар Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолиятини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий судларда кўрилган эди.

Республикада маъмурий ишлар



Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади.

бўйича қўйи бўғин судлари ҳисобланган туман маъмурий судлари тугатилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилиши белгиланди.

Бундан ташқари, малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқи берилади.

Олий суд тизимида нималар юз беради?

Фармонда Олий суд тизимида ҳам қатор ўзгаришларни амалга ошириш белгиланди. Суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тугатилиши — шулардан бири. Мос равишда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳужмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ваколати бекор бўлади. Ўз навбатида, Олий суд тизимида туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини Ўзбекистон Республикаси

Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, тегишли шахсларнинг протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш (ишларни назорат тартибида кўриш бекор бўлиш муносабати билан) қонунчиликка киритилмоқда.

Инвестициявий ҳамда рақобатта оид низоларни кўриш-чи?

Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ҳамда рақобатта оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби тузилади. Судлов таркиби инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатта оид ишларни кўради. Инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторлар ва рақобатта оид ишлар бўйича тарафларга диспозитив норма сифатида ушбу тоифадаги ишларда Судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилишини ўз хоҳишларига асосан танлаш ҳамда қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин. Инвестициявий ва рақобатта оид низоларни кўриш айнан қонунчиликда белгиланган тартибда эмас, мурожаат этаётган шахснинг хоҳиш-иродасига асосан сансалорликка йўл қўймайлик ихтиёрий танлашини назарда тутувчи норманинг киритилиши



Хушида СУЮНОВА,
Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси масъул ходими.

ҳам қонунчилигимизда фуқароларнинг ихтиёрийлиги борасида ташланаётган илк қадамлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибий бўлинмасида ҳам ислоҳ этиш жараёни кўзда тутилган бўлиб, унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари лавозими киритилади. Шунингдек, Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси, Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси тузилади.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида эса матбуот хизматлари ташкил этилиши белгиланган.

Суд босқичида фуқароларнинг роли ошади

2021 йил 1 январдан бошлаб жиноят ишларини судда кўришда дастлабки эшитув босқичи киритилмоқда. Дастлабки эшитув босқичи иш юзасидан қарорларни тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишнинг умумий тартибда кўриб чиқишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради. Ушбу институтнинг киритилиши суд жараёни муддатларини қисқартиришга олиб келади. Суд босқичида фуқароларнинг ролини оширади. Кейинчалик аниқланадиган муаммоларни ўз вақтидан олдин бартараф этишга хизмат қилади.

Ушбу фармон асосида қонунчиликка киритилиши мўлжалланган ўзгаришлар судьяларнинг бошқа давлат органлари ва мансабдор шахслардан мустақиллигини янада кучайтириш ҳамда фуқаролар томонидан судларга мурожаат қилинганда ортиқча сансалорликка йўл қўймайлик мақсадида суд тизимининг ислоҳ қилинишига хизмат қилади.



Тест синовлари ўтказиладиган стадионлар ва хиёбонлар рўйхати тасдиқланди.

Пандемия туфайли ўрнатилган қатъий карантин қоидалари даврида мамлакатимиздаги таълим муассасалари масофавий ўқиш режимига ўтказилди. Айтиш керакки, март ойидан ўқув йили сўнгигача амалиётга татбиқ этилган ушбу мажбурий тажриба муваффақиятли амалга оширилди. Таълим тизимини янги босқичга кўтариб, ўқитишнинг яна бир шакли ривожланишига сабаб бўлди.

Энди эса олдимизда янги ўқув йили турибди. Аммо коронавирус ҳали чекингани йўқ. Шу боис бутун кўпчилиكنи таълим қандай шаклда ташкил этилиши билан боғлиқ саволлар қизиқтирмоқда. Хўш, ўтган қисқа фурсатда онлайн таълимнинг қандай ютуқ ва камчиликлари кўзга ташланди? Янги ўқув йилини қайси тартибга асосан бошлаган маъқул?

— *Онлайн дарслар бутун дунёда энг илғор, шаффоф усул ҳисобланади ва кенг қўлланилади, — дейди Тошкент молия институтининг профессори, иктисодиёт фанлари доктори Шарбат Абдуллаева. — Бундай дарслар талабалар учун ҳам қулай. Талаба уйда ўтириб дарсларда қатнашгани боис уларнинг яшаш, йўл ҳақи, овқатланиши ва бошқалар билан боғлиқ харажатларга кетадиган маблағ тежалади. Дарсдан ташқари бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши учун ҳам шароит бор. Яна бир муҳим жиҳати — онлайн таълим коррупция ва танишбиллишлик, фирром йўл билан баҳо олиш жараёнларини чеклашга ёрдам беради.*

Тажрибанинг дастлабки хулосалари қандай?

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотига кўра, ҳозирча сентябрь ойидан юқори курс талабалари учун ўқиш онлайн тарзда бошланади, октябрь ойида эса 1-курслар учун таълим қандай шаклда бўлишига ойдинлик киритилади. Хўш, ўтган ўқув йилида онлайн таълим бўйича қандай муаммолар бўй курсатди?

Айтиш керакки, биринчи навбатда, дарс жараёнини самарали ташкил этиш учун барча ҳудудларда доимий электр энергияси ва интернет тармоғи талаб даражасида бўлиши лозим. Афсуски, интернет тезлигининг вилоятлар марказида ҳам пастлиги, марказдан узоқ жойларда интернетга улааниш имкониятининг деярли

ОНЛАЙН ТАЪЛИМГА ҚАНЧАЛИК ТАЙЁРМИЗ: айни жараёнда қандай муаммолар бўй кўрсатди?



йўқлиги муаммоларга сабаб бўлди. Бу эса, ўз навбатида, алоқа компанияларининг фаолияти ҳам қониқарсизлигини кўрсатиб қўйди.

Интернет технологияларидан фойдаланиш учун ўқитувчи ва талабаларда рақамли саводхонликнинг етарли даражада эмаслиги кузатилди. Боиси масофада ишлаш амалиёти кўпчиликда шаклланмаганди.

Бундан ташқари, аксарият таълим олувчиларда масофавий ўқиш учун техник воситаларнинг (компьютер, ноутбук, гаджетларнинг) мавжуд эмаслиги ҳам баъзи камчиликларни келтириб чиқарди. Шубҳасиз, бундай ҳолат таълим сифатига салбий таъсир этмасдан қолмади, техник носозликлар ва бошқа омиллар ўқув жараёнида узилишларга олиб келди.

Шу билан бирга, таълимнинг бундай шакли қатор ютуқларни ҳам юзага чиқарди. Жумладан, ёшдан қатъи назар барча профессор-ўқитувчиларда таълим платформалари билан ишлаш, масофавий таълим ва уни олиб бориш соҳасидаги билим ва кўникмалари шаклланди ёки ривожланди. Таълим беришнинг инновацион услублари яратилди. Хусусан, онлайн тарздаги дарс вақтининг ўзида интернетдаги мавзуга алоқадор веб-ресурсларга ҳавола қилиш орқали виртуал интерфаоллик таъминланди. Олий таълим муассасаларининг хорижий университетлар билан ҳамкорлиги фаоллашди. Умуман олганда, онлайн таълим мазкур тизимни камида 10 йилга ривожлантиришга хизмат қилди.

Мактабларда дарслар қачон бошланади?

Март ойидан бошлаб мактаблар ҳам онлайн таълим тизимига ўтишди. Бунда ўқувчилар учун телевидение орқали онлайн дарслар ташкил этилди, уйга вазифаларни баҳолаш эса ўқитувчилар


томонидан олиб борилди.

— Пандемия даврида жорий этилган онлайн дарсларнинг қанчалик самарали эканини таҳлил қилганимизда, унинг фойдалилик даражаси кўп жиҳатдан ота-оналарга боғлиқ эканини кузатдик, — дейди Халқ таълими вазирлиги мутахассиси Лайло Рустамова.

— Ота-она назорати остида онлайн дарсларни кузатган ва барча топшириқ-вазифаларни бажарган болаларда бу тизим ижобий натижа кўрсатди. Аммо барча ота-оналар ҳам фарзандининг таълим олишига алоҳида эътибор қарата олмайди. Шундай экан, бу бўйича узил-кесил хулоса бериш мушкул. Аммо онлайн тизимнинг иккита асосий афзаллигини қайд этиш мумкин. Аввало, болаларда энг яхши педагоглардан таълим олиш имконияти пайдо бўлди. Шунингдек, бундай таълим марказдан олиш ҳудудлардаги ўқитувчилар учун маҳорат дарслари вазифасини ҳам ўтади.

Қатъий карантин шароитида кўпгина ташкилот ва идораларнинг фаолияти ҳам тўхтатилиб, ота-оналар ўз фарзандининг таълим олиши билан алоҳида шуғуллангани ҳам бор гап. Аммо эндиликда карантин талаблари юмшатилиб, ташкилотлар фаолияти тикланди. Хўш, энди болаларнинг таълим олиши қандай назорат қилинади?

— Қишлоқ ҳудудларида болалар мактабда ўқишдан ташқари мол боқишади, дала ишларида ота-онасига ёрдам беради, — дейди Қашқадарё вилояти Қамашли туманидаги 12-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Махбуба Жўраева. — Карантин бошлангач, мактаб ёпилгач, айрим ота-оналар: «Яхши бўлди, бизга ёрдамлашасан, мактаб очилгач, дарсларининг етказиб оласан», дея



болаларни дарсдан олиб қолиши. Қанча тушунтирмайлик, фойдаси бўлмади. Шундай бўлса-да, имкон қадар бундай ўқувчиларнинг ҳам уйга вазифаларини бажаришини онлайн назорат қилиб бордик. Яна бир муаммо шу бўлдики, айрим ўқувчиларда замонавий мобиль телефонлари йўқ, баъзан интернетнинг пастлиги, электр токиннинг узилиши таълимнинг сифатли олиб борилишига таъсир ўтказди. Демак, онлайн дарслар кўп жиҳатдан ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам қулай экан, бунда зарур шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олиш жоиз.

Янги ўқув йилида мактабларда дарслар қандай шаклда олиб борилиши бўйича ҳади тўла қарор қабул қилинмади. Аммо ишонамизки, шарт-шароитдан келиб чиқиб, энг мақбул вариант танланади. Талабалар учун ҳам ўқиш масофадан ташкил этилар экан, ўйлаймизки, тегишли мутасадди ташкилотлар бунинг учун зарур шароитларни ҳозирлайди. Энг аввало, интернет муаммосини ҳал этмас эканмиз, онлайн таълимдан қутилган натижага эришмаймиз.

Айни мавзуга яна қайтамиз ва таълим жараёнларида учраётган муаммолар, уларнинг ечимларини келгуси сонларимизда таҳлил қиламиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган талабага контрактнинг 35 фоизи тўлаб берилади.

Нукусдаги КОММУНАЛ ТИЗИМ муаммоси қачон ечимини топади?


Қорақалпоғистон Республикаси маркази — Нукус шаҳри кун сайин ривожланиб борапти. Буни замонавий услубда қуриладиган кўп қаватли тураржойлар, ижтимоий аҳамиятга молик бинолар, санъат ва маданият масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Шундай чиройли иморатлар, айниқса, яшаш биноларининг ички қулайликларини ҳам тасаввур этиб, қувонасан киши. Аммо ташқи гўзаллик доим ҳам ҳақиқатга яқин бўлавермаслиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайсиз...

Сирти ялтироқ уйларнинг ичи қай аҳволда?!

Нукус шаҳридаги Ўзбекистон гузари бўйидаги беш қаватли иморатлар ўтган асрнинг 70-йилларида қуриб битказилган. Ўтган йиллар давомида уларнинг марказий кўчага қараган ташқи томони замонавий услубда таъмирланган бўлса-да, бироқ олд томонидаги манзара кўнгилни ранжитади. Боз устига, уйларда коммунал тизимлар билан боғлиқ муаммолар ҳам етарлича.

Тахририятимизга мазкур ҳудуддаги 36-, 37-, 38-уйларда истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар коммунал соҳасидаги камчиликлар ва масъулларнинг бепарволигидан шикоят қилиб, мактуб йўллашди. Асл вазият билан танишиш мақсадида ушбу ҳудудда бўлдик.

— «Орнек» маҳалласи ҳудудидаги 38-уйда 100 та хонадон истиқомат қилади, — дейди мурожаатчилардан бири Мақсет Узақов. — Бу деярли кичик қишлоқ аҳолисига тенг. Узоқ йиллар давомида уй таъмирталаб бўлиб, ачинарли ҳолга келиб қолганди. Шу боис унинг томини ёпиш, йўлакларини таъмирлаш, уй олдига пиёдалар йўлакчаси, болалар майдончасини қуриш, кўча чироқларини ўрнатиш, машиналар учун тураргоҳ барпо этиш бўйича Президентнинг Халқ қабулхонасига ёзма мурожаат қилган эдик. Мурожаатимиз ижобий ечимини топиб, Орол бўйи регионини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қурилиш ишлари бошланди.



— Нима бўлди-ю, бошланган ишларнинг барчаси охиригача етказилмади, — дея суҳбатимизга қўшилади яна бир мурожаат муаллифи Одилбой Уразов. — Жумладан, уйнинг 4 та йўлаги таъмирланмай қолиб кетди. Пиёдалар йўлакчаси келган жойида ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Болалар майдончаси, машиналар тураржойи ҳам чала ҳолида қолиб кетди. Ташқи чироқлар эса умуман ёнмайди. Яқинда сув қувури ёрилиб, уйлар сувсиз қолиб, ертўла сувга тўлди. Уйимиз «Нукус Гарезсизлик-1 коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига аъзо. Юзага келган муаммо бўйича ширкатга мурожаат қилмоқчи эдик, лекин ҳеч кимни топа олмадик. Кўнгирокларга ҳеч ким жавоб бермайди. Оқибатда қўшнилари билан пул йиғиб, «Қурбанбай коммунал сервис» ширкати ходимларига мурожаат қилдик. Улар муаммони ҳал қилиб берди. Бу борада шаҳар ҳокимлигига қилган мурожаатимиз ҳамон жавобсиз қоляпти.

Чиқиндихона қандай лойиҳа асосида қурилган?

Мурожаат муаллифлари таъкидлаётган чала қолган уй йўлакларига назар ташласангиз, бўёқлари кўчиби ташлаётгани, пиёдалар йўлакчаси таъмирталаб ҳолда экани, дарахт экилиб, ободонлаштирилиши керак бўлган жойлар тартибсиз ҳолга келиб қолганига гувоҳ бўласиз. Томдаги шиферларни маҳкамлашда сифатга эътибор берилмагани боис улар шамолда оқ ялов каби ҳилпираб турганига кўзингиз тушади.

Қуриб битказилганига бир йил ҳам бўлмаган болалар майдончаси эса ачинарли ҳолга келиб қолган. Қачонлардир ўт кетган чиқиндихонанинг қорайган девори нураб тушмоқда. Унинг ёнгинасида

трансформатор учун қурилган иморатнинг орқа томони эса турли чиқиндиларга тўлиб-тошган.

— Чиқиндихона қандай лойиҳа асосида қурилганини ҳали-ҳунуз тушунмадик, — дейди шу ерда яшовчи Ислон Арслонбоев. — У уйимиздан нари борса, 20 метр узоқликда жойлашган. Бундай ҳолатда яшаб бўладими? Чиқиндининг ҳиди тўғри уйимизга уради. Шу сабаб ёқимсиз ҳид ва чивинлар дастидан ёз бўйи деразаларни ҳам очолмаймиз. Масъулларга бу ҳақда айтсак, яна доимгидек «бажарамиз», «кейинги йил дастурига киритамиз» дейишдан нарига ўтмайди. Аслида бу муаммоларни дастурга киритмасдан ҳам ҳал қилса бўлади. Лекин раҳбарларда озгина масъулият етишмаяпти.

Бадал тўланмаса, ишни бажариб бўлмайди

Юқоридаги масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар вакилларига мурожаат қилдик. Ҳўш, одамларни қийнаётган масалалар қачон ечимини топади? Нега бирорта раҳбар бунга масъулият билан ёндашмаяпти?

— Аслида юқоридаги муаммолар фуқароларнинг ширкатга аъзолик бадалини тўламастидан келиб чиқмоқда, — дейди «Нукус Гарезсизлик-1» коммунал ширкати раҳбари Санамгул Алланазарова. — Маблағ бўлмаса, нима қила оламиз? Айни пайтда банклар кредит бермаяпти. Албатта, уйларнинг томига шифер қоқиш, йўлаклар таъмири ва бошқа қурилиш ишлари бажарилди. Аммо ишнинг сифатидан кўнглимиз тўлмагани учун уни қабул қилиб олмадик. Энди эса бутунга келиб муаммолар бизнинг зиммамизга тушяпти.

Айтиш керакки, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати шу ерда истиқомат қиладиган аҳолининг

ўз эрки билан тузилади ва ҳар ойда унга бадал пули тўлаб борилиши керак. Мурожаатчилар эса бунинг аксини, бадал пули ўз вақтида тўлаб борилаётганини таъкидлашмоқда. Боз устига, сув қувури ёрилганда хабардор қилиш учун ширкат раҳбарини топа олишмаганини айтишяпти. Бундай тушунмовчиликлар ҳудудда ростдан ҳам, муаммо борлигини, уни мутасаддилар атрофлича ўрганиб, бартафат этиш чорасини кўриши кераклигини кўрсатмоқда.

— Бутунги кунда Нукус шаҳрида 47 та ширкат ҳўжалиги фаолият юритмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Нукус шаҳар бўлими бошлиғи Раҳат Жақсимов. — Камчиликсиз ширкатнинг ўзи йўқ фуқароларимиз деярли барча ширкатлар устидан шикоят қилишади. Асосий муаммо эса маблағга бориб тақалади. Халқимиз бир нарсани тушунишини истардим, бадал пулини вақтида тўламаса, муаммоларни бартафат этиш қийин кечаверади.

Эҳтимол, аҳоли коммунал хизматлар учун ўз вақтида бадал тўламаётгандир. Аммо қурилиш-таъмирлаш ишларининг чала қилинганини қабул қилиб олмадик, деган баҳона билан ҳам оқлаб бўлмайди-да. Агар ширкат уни қабул қилиб олмаган бўлса, нега қурилиш ташкилотини судга бермайди?! Ёки уларга кимнингдир хатоси учун таъна эшитиш ёқадими? Аҳоли пул тўламаётган экан, уни ундириш ишлари вазирлик даражасида ҳам ҳал қилиб бўлмайдиган масалами? Ҳуллас, саволлар кўп, аммо мардона туриб жавоб берадиган жўмард йўқ, холос.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

Ўзбекистонда яна бир мобиль алоқа оператори рўйхатдан ўтди.



Тўйга ТУҚСОН УРУҒНИ тўдалаш шартми?

ҲОЗИР НАВОИЙДА ҲАМ ҚИЗ УЗАТИШ ҚИЙИН БЎЛИБ БОРЯПТИ.

— Яккаю-ягона ўғлимнинг тўйини 30 киши билан ўтказаманми, ҳечамда, мен элнинг ошини еганман, ахир. Қариндош-уруғимнинг ўзи 200 дан ошади-ку, маҳалла-қўй, қўни-қўшни, таниш-билиш... эҳ-ҳе, камида 400 одам билан тўй қиламан, худо хоҳласа... Хуллас, тўй карантиндан кейин бўлади! Қудасининг «гап тамом» дегандек гўшақни қўйиши Маҳзуна опанинг капалагини учирди...

Минг йиллик муаммони карантин тартибга солдимми?

Дарҳақиқат, карантин қоидалари юмшатишга, юртимизда тўйлар кўпайди. Хусусан, фарзанди унаштирилган ота-оналар «фурсатдан фойдаланиб қолайлик, кейинроқ нима бўлишини билмаймиз» деганча шошиб қолишди. Аммо ҳамон баъзи хою-ҳавасга берилган кишилар ҳам борки, «мен 30 киши билан тўй қилмайман» деб туриб олишган.

— Пандемия бошланганидан буён 400 га яқин никоҳ қайд этдик, — дейди Навоий вилояти Қизилтепа тумани ФХДБ бўлими мудираси Гўзал Норова. — Шундан бир қисми июль ойи бошида карантин қоидалари юмшатирилган пайтда тўйини ўтказишга улгурди, қолганлари эса энди ўтказишмоқчи. Ёшлар никоҳдан ўтиш учун ариза ёзаётганда уларни тўйини ўтказиш тартиби билан таништириб, ўзлари яшайдиган маҳаллага ҳам бориб, бу борада суҳбатдан ўтишлари учун кафолат хати бераймиз. Маҳалла раислари келин-куёвни тўй тартиби билан таништириб, мазкур хатни имзолаб, муҳрлаб беришяпти. Шу пайтгача 30 кишилик тўйга норози бўлган ёшларни кўрадимиз, бироқ катталар орасида орзу-ҳавасга ўчлари учрайди. Бундай ота-оналар билан маҳалла кўпроқ ишлаши керак.

Вилоятдаги барча туман ва шаҳарлардаги ФХДБ бўлимлари томонидан фотиҳаланган ёшлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари ўртача 70 фоиз аҳоли карантиндан кейин ҳам худди шундай



МЕНДА САВОЛ БОР...

Дабдабабозлик қонунан тақиқланади

— Қонунчиликда тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш тартибини бузганлик учун жазо тури белгиланганими? **Нодира ҲАКИМОВА.** Навоий вилояти.

Музаффар ТУРДИМОВ, Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:

— Ўтган йили Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритилиб, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар тартибини бузиш билан боғлиқ жарималар миқдори белгиланди. Унга кўра, бундай ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари, яъни 2 миллион 230 минг сўм жарима тўлайдилар. Бундан ташқари, айни пандемия шароитида тўй-маросимларни ўтказиш тартибига риоя қилмаслик карантин қоидаларига ҳам зид бўлиб, бунинг учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

кишилик тўйи харажатида ҳам кўп пул сарфланганов... Энди одамлар «30 кишилик бўлгандан кейин шунга яраша қилиш керак» деб «очил дастурхон» ёзишга пул сарфлайди.

Бугун халқимизнинг тиббий маданияти анча юксалди, бу ҳам аслида пандемиянинг бир сабоғи. Бироқ айримларнинг юқоридагидек иш туттиши «соғлом овқатланиш» талабига қанчалик тўғри келади? Ёки одамлар тўйга овқатлангани келишадими? Қолаверса, исрофинг уволи-чи?

Ахир марҳум ёзувчи Тохир Малик ёзганидек, бир қоринни норин шарт эмас, мошкичири билан ҳам тўйдириш мумкин-ку.

30 кишилик тўй куёв учун қулай, келинга муаммони?

Мақолани тайёрлаш жараёнида ён-атрофдагиларнинг ана шундай фикрларига ҳам дуч келдик.

— Қуда томон карантин юмшатиши билан тўйини ўтказамиз, тайёр туринглар, деганди. — дейди навбахорлик Нурбегим Садилова. — Демак, қизимнинг сепи ва куёвнинг сарполарини тайёрлашимиз керак. Очиги, сал арзонроқ бўлиши учун мебелни устахонага буюртма бердик. Аммо дўконлар ёпиқлиги боис айрим майда-чуйдаларни топиш муаммо бўлди. Кийим-кечак дўконлари ҳам ёпиқ. Қизимга керакли либосларни, куёвнинг тўну салласини тополмай анча ҳалак бўлдим. Кейин онлайн дўконлардан нарса харид қилдим, бироқ бозордагидан анча қимматга тушди. Хуллас, тўйларнинг ихчамлашганидан қиз тарафга ҳеч бир наф йўқ.

Нурбегим опа ўзи дуч келган муаммолар ҳақида гапирар экан, яна бир эътирозни билдирди:

— Авваллари биз тарафларда қиз узатиш осон эди, мебель қилинмасди, — дейди у. — Бир неча йил аввал мебель қилиш урфга кирди, энди эса гиламу пардагача қилишмоқда. Айримлар уялмай келин тарафга бўм-бўш уйнинг суратини юборяпти, гулгозюю ҳажминини билиб, унга мос гилам, парда, мебель олсин, дейди.

Куёв сарпо ҳам камида 3-4 миллион сўмга тушади. Кастюм-шим, чопон, дўппи, белбоғ, салла, бўйинбоғ, хатто шимиға камару пайпоқ, ичкийимгача олиб берилмоқда. Куёв бўлмиш спорт билан шуғулланганими, йўқми, энг машҳур фирмаларнинг спорт кийимлари ҳам олиняпти, бунинг устига «барсетка» деганим қўшилган. Хуллас, ҳозир Навоийда ҳам қиз узатиш қийин бўлиб борапти.

Юқоридагилардан кўринадики, биз ҳамон ўзимизни кийнапмиз. Янги-янги урфлар ўйлаб топиб, ўзимизни кўз-кўз қиялтиришимиз. Афсуски, бу кўз-кўзлаш кўзни чиқариши мумкинлигини ҳеч ким ўйламайди!

Ҳўш, сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

ихчам тўйлар ўтказиш тарафдори эканини билдирди.

— Ихчам тўй ўтказганимиз яхши бўлди, иқтисод қилинган пулга ўзаро маслаҳатлашиб, ётоқхона ва меҳмонхона жиҳозлари сотиб олдик, — дейди Кармана туманидаги «Янгиариқ» маҳалласидан Моҳинур Ҳотамова. — Очиги, агар 300-400 кишилик тўй қилганимизда бу жиҳозларни кредитга олган бўлардик. Мана, тўй ўтди, уйимизда ўзимиз истаган мебеллар бор, на банкдан, на бошқа бировдан қарзимиз йўқ. Бундан жуда хурсандимиз.

Ҳар ёмоннинг бир яхсиси бор

Дарҳақиқат, ихчам тўй ўтказиш натижасида қанчалаб оилалар қарз тўлаш ташвишидан халос бўлмоқда. Чунки йиллар давомида бу борада минг гапирилса-да, амалда мулақо самара бермади. Айнан дабдабали тўй туфайли қанчалаб оилаларнинг гарданига қарз юки юкланди, куёвлар чимилдиқ узилиши билан пул топиш дардида бегона юртларга кетди. Натижада оилавий муносабатларга дарз кетди, ажралишлар кўпайди. Бугун шу жиҳатларни назарда тутиб, кўпчилик «ҳар нарса-нинг яхши-ёмони бор, тўйларнинг ихчамлашгани пандемиянинг яхши тарафи бўлди» дейишмоқда. Бироқ айримлар шу вазиятда ҳам ўзини кўз-кўз қилиш йўлларини излаяпти.

— Қўшимчи 30 кишилик тўй қилиб, келин туширди, — дейди бир ҳамкасбимиз. — Дастурхонда йўқ нарса ни ўзи йўқ. Меҳмонларга уч марта таом тортилди. Ҳар столда лаганга цитрус меваларнинг энг зўрларини шунчақа терганки, оғзингиз очилади. Спиртли ичимликларнинг ҳам энг қимматини қўйган. Хуллас, бу ихчам тўйга «бундайроқ» оиланинг 400

Ўзбекистонга 7 ойда 3 млрд. АҚШ доллари ҳажмида пул ўтказмалари амалга оширилди.

Масъулларда МАСЪУЛИЯТ, одамларда орият бўлса...

Кейинги кунларда осмонга булут чиқиб, бироз ёмғир ёққани олдинда бизни куз-киш мавсуми кутаётгани, қорли-қировли кунлар яқинлашаётганини яна бир бор эслатиб қўйди. Хўш, жойларда жорий йилги мавсумга тайёргарлик қай даражада? Одамларни қандай муаммолар қийнамоқда? Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида Самарқанд вилоятининг айрим маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлдик.

«Хар ким газ баллонини хар жойдан тўлдириб келяпти...»

Киш мавсумига тайёргарлик ҳақида гап кетганда, даставвал аҳолини ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш масаласи тилга олинади. Негаки, хонадоннинг иссиқ ва ёруғ бўлиши шуларга боғлиқ. Маълумотларга қараганда, ҳозирда вилоятнинг деярли барча қишлоқларида одамлар, асосан, суултирилган газ билан тирикчилик қилади. Белгиланган ҳолида кўра, мазкур ёнилғи хар ой ёки 40 кунда бир марта истеъмолчиларга етказиб берилиши керак. Аммо ҳозирги кунларда айрим маҳаллаларда нимагадир бу муддат 2-3 ойни ташкил этапти.

Жумладан, Пайариқ туманидаги «Эрназарқўрғон», «Чоштепа», «Полвонариқ», Жомбой туманидаги «Найман», «Нўш», «Журият», «Қангли», «Халвойи», «Наймантепа» сингари 30 дан ортиқ маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолини қарийб 3 ойдан буён шу муаммо қийнаб келмоқда. Иштихон туманидаги 30 га яқин маҳаллада ҳам худди шундай аҳвол.

— Баллонли газ тўхтаб қолганидан бери кексалар ва, айниқса, ёш болалар билан жуда қийналяпмиз, — дейди иштихонлик уй бекаси Санобар Жўраева. — Ҳозир хар ким газ баллонини имкони борича хар жойдан тўлдириб келяпти, айримлар эса 5 литрлик кичик баллончадан фойдаланишяпти. Шахсий транспорт борлар-ку, бу борада қийналишмайди, аммо бизга ўхшаган бечораларга қийин. Нима қилишга ҳам ҳайронмиз.

Газ баллони нега кечикди?

Вазиятта ойдинлик киритиш



мақсадида «Jomboytumangaz» газ таъминоти бўлими раҳбари Шухрат Ахтамовга мурожаат қилдик.

— Пандемиянинг кенг тарқалиши, аҳолидан йиғилган ва тарқатилган газ баллонлари дезинфекция қилиниши ва бошқа бир қатор омиллар сабаб айрим худудларни суултирилган газ баллонлари билан таъминлашда белгиланган графикадан бироз кечикиш ҳолатлари бўлгани рост, — дейди Ш.Ахтамов. — Аммо коронавирус инфекцияси сабаб тумандаги ногиронлиги бор фуқароларга алоҳида имтиёз ташкил қилинган бўлиб, уларга навбатдан ташқари хар 35-40 кунда газ баллонларини алмаштириб бериш йўлга қўйилган.

— Шунингдек, пандемия шароитида суултирилган ёнилғини Қашқадарёдан олиб келишнинг ҳам ўзи бўлмаяпти, — дейди «Худудгаз Самарқанд» масъулияти чекланган жамияти масъул ходими Бахтигул Қаршиева. — Шу боис вилоятдаги айрим маҳаллалар аҳолисига газ баллонлари етказиб беришда бироз кечикишлар юзага келди. Шу камчиликларни бартараф этиш мақсадида яқиндан бошлаб суултирилган газни темир йўл орқали ҳам олиб келиш йўлга қўйилди.

«Ханузгача хонадонларда ичимлик суви йўқ...»

Жомбой туманидаги «Тошкент» маҳалласи худудидида жойлашган кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчиларни эса бир неча йиллардан буён ичимлик суви, табиий газ таъминотидаги узливириш, чала таъмирланган томлар, боши берк ариқчалар каби масалалар қийнаб келаётти.

— Уттан йили уйимизнинг том қисмини таъмирлашди, аммо тутун чиқадиган ва ҳожатхонада тоза ҳаво алмашадиган туйнук қўйилмади, аксинча, борини ҳам ёпиб, беркитиб ташлашди, — дейди шу ерда яшовчи Азим Тўхтаев. — Бунинг устига, 40 та хонадон яшаёт-

ган бинода бирорта ёнғинга қарши бурчак ёки сув билан тўлдирилган махсус ховуз йўқ. Мен ўзим қурувчиман. Одатда кўп қаватли уйларда эҳтиёт чораси сифатида шундай нарсалар, албатта, бўлиши керак.

Уй атрофини суратта олаётганимизни кўрган хонадон бекалари аста-секин тўпланиб, бири олиб, бири қўйиб, бу ердаги муаммоларни гапириб кетишди.

— Биласизми, уйимизнинг олди ёнғингарчилик кунларида каттакон ховузга айланади, негаки, ёмғир сувлари учун ётқизилган бетон ариқчаларнинг икки томони ҳам беркитиб ташланган, — дейди шу ерда истиқомат қилувчи Холида Ҳакимова. — Яқинда уйимизнинг бир томонида олти қаватли янги тураржой, иккинчи томонида эса бир тадбиркор томонидан сунъий қопламали мини-стадион қад ростлади. Қурувчилар янги уй олдида болалар майдончаси бунёд қилиш ва стадион қуриш баҳонасида ариқчаларнинг икки томонини беркитиб қўйишди. Бунинг устига, янги уйнинг тарновларини ҳам биз томонга қаратиб туширишди. Натижада тарновдан оққан сувлар боши берк ариқчадан тошиб чиқиб, йўлақлар олдида тўпланяпти.

— Энг асосий муаммо — хонадонларимизда ханузгача ичимлик суви йўқ — дейди иккинчи гуруҳ ногирони Роҳатой Ҳазратқулова. — Ҳовлидаги ягона қўлбола қрандан челақлаб бешинчи қаватгача сув ташиб чиқишга мажбурмиз. Ҳозирку кунлар иссиқ, бир амаллапмиз. Аммо эрта-индин қорли-қировли кунларда жуда-жуда қийналишимиз тайин.

Аҳолининг айтишича, уттан йили кузда қишқи тайёргарлик бўйича мазкур уйларда туман уй-жой коммунал хўжалиги ходимлари бирмунча юмушларни бажаришган. Аммо том ва йўлақларни таъмирлаш учун аҳолидан хар ой 30-40 минг сўмдан йиғиб олинган маблағ эвазига қилинган ишлар жуда қониқарсиз. Жумладан, томдан

туширилган тарновлар деворга яқин қотирилмагани боис улардан сизиб оққан сув пастки қаватлардаги сувоқларни кўчириб ташлаган.

Кўп қаватли уйлар атрофини кузатар эканмиз, яна бир ҳолат эътиборимизни тортди. Биноларнинг атрофида, ариқчаларда чиқиндилар сочилиб ётибди, газ тақсимловчи ускуна атрофини беғона ўтлар қоплаб олган. Хонадонлардаги ичимлик суви, табиий газ ва бошқа масалаларни тегишли ташкилотлар ҳал қилиб берар, аммо, наҳотки, бу ердагилар ўз уйи атрофини ўзлари тозалаб қўелмаса? Орият, жонқуярлик қани? Бунинг устига хонадон сохибларининг аксарияти аёллар экан.

«Нари борса икки ойда барчаси ҳал бўлади...»

Хўш, худуд аҳолисини қийнаётган бу каби муаммолар қачон барҳам топади? Ахир қорли-қировли кунлар тобора яқинлашяпти-ку?

— Тўғри, мазкур маҳаллада жойлашган беш қаватли 2- ва 3-уйларда яшовчи 400 га яқин аҳолини ичимлик суви, канализация, иситиш тизими носозлиги, боши берк ариқчалар муаммолари қийнаб келаётгани бор гап, — дейди шу худуд бўйича сектор бошлиғи, Жомбой тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Салим Шавманов. — Мазкур масалалар кеча ёки бутун пайдо бўлган эмас. Бундан олдинги йиллардаги айрим мутасадди раҳбарларнинг эътиборсизлиги оқибатида тўпланиб келаверган. Қуни кеча тумандаги тегишли идоралар вакиллари, маҳалла фаоллари, аҳоли иштирокида сиз тилга олган уйлардаги барча муаммоларни бирма-бир ўрганиб чиқдик. Бу масалаларни бир ой ичида ижобий ҳал қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни ҳам белгилаб олдик. Наридан борса, икки ойда шу худуддаги аҳолини қийнаб келган барча муаммолар, албатта, ўз ечимини топади.

Вилоят туманларида юзага келган баллонли газ таъминотидаги муаммолар, эҳтимол, тез орада ўз ечимини топиши мумкин, аммо қатор йиллар давомида Жомбой туманининг «Тошкент» маҳалласида ҳал қилинмаган масалаларнинг икки ойда ҳал қилинишига ишоним қийин. Назаримизда, бу ерда ҳамма гап масъулларнинг масъулиятида. Кузатамиз ва мавзуга яна қайтамиз.

Ёрмамод РУСТАМОВ
«Mahalla»

ҚҚС суммаси ўрнини қоплаш тартиби белгиланди.



Квартира, эшик-ром, косметика буюмлари, идиш-товоқ, кийим-кечак... Бугун бозорга боришнинг ҳам ҳожати қолмаяпти, товар ўз «оёғи» билан харидорни излаб топади. Бунда интернет-дўконлари ҳожатбарорга айланади. Бунинг учун зарурий тугмани боссангиз кифоя. Бугун интернет-дориҳона хизмати ҳам ривожланди. Хўш, дори-дармон, препаратлар рекламасининг глобал тармоқ орқали авж олиши фуқаролар хоши-иродасига қай даражада мос? Бу жараённи назоратта олишнинг талаблари ишлаб чиқилганми?




ИНТЕРНЕТ-ДОРИХОНАЛАР ҚОНУН доирасида ишляптими?

Кўр-кўрона дори сотиб олиш хавфлими?

Баъзи ҳолларда шифокор нотўғри ташхис қўйса, муолажа тартибини тўғри белгиланмас, дарддан азият чекаётган бемор ўзини ўтга-чўққа уриб, дардига дармон излайди, табибга боради, муллага ўқитади, ким нима деса, шуни қилади. Турли дори-дармон воситаларини норасмий тарзда қабул қилиш ҳолатларининг аксарияти интернет-дориҳона фаолияти билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

— Аввало, шифокор билан маслаҳатлашмасдан мавжуд дориҳоналарга бориб, дори-дармонни билар-билмас харид қилиш ва ноҳилона қўллаш айрим беморлар аҳолини оғирлаштиради, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги бошқарма бошлиғи Мухаббат Ибрагимова. — Зеро, шифокор рецепти асосида бериладиган инфузион (осма укол) ва инъекцион (оддий амгула) воситалардан ўзбилармонлик билан фойдаланиш кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқаришини унутмаслик даркор. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунда дори воситалари ва тиббий буюмлар чакана савдоси фақат дориҳоналар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Шу нарса аёнки, фармацевтика бозорида дори воситалари рецепт асосида ва рецептсиз сотилади. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 12 ноябрдаги буйруғига кўра, «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхати» ҳам тасдиқланган. Ушбу рўйхатта 192 та халқаро патентланмаган дори препарати ва 1032 та мажмуавий препарат киритилган. Бу эса Ўзбекистон фармацевтика бозорининг тахминан 30 фоизини ташкил этади. Бу рўйхатга кирмаган барча фармацевтика маҳсулотларига рецепт талаб қилинади. Афсуски, кўп ҳолларда ана шу тартиб-қоидалардан аҳолининг беҳабарлиги сезилиб қолади. Бу эса уларни кўр-кўрона ва катта қизиқиш билан интернет тармоқларида тарғиб қилинаётган дори-дармонлар харидига ундайди.



Интернет орқали фақат рецептсиз дорилар сотилиши мумкин

Хўш, интернет орқали харид қилинган дори воситалари ва тиббий буюмлар қай тартибда етказиб берилади? Оддий фуқаро бу саволга «Буюртма берсангиз, бўлди-да», дея жавоб бериши тайин. Шубҳасиз, у ўзига керакли дори-дармон ҳақидаги силлиқ мақтовларни кўриб, ишончи ва ихлоси ортади. Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг электрон тижорати учун жорий қилинган талаблар оддий аҳоли вакилларига маълум эмас.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сонли қарори билан тасдиқланган «Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, шифокор рецепти бўйича дори воситасини бериш унда қайд этилган халқаро патентланмаган ном асосида амалга оширилади, — дея давом этади Мухаббат Ибрагимова. — Ушбу қарор билан электрон тижорат орқали фақат рецептсиз бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилиш, сақлаш ва етказиб бериш тартиби белгиланган. Маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш, ҳужжатли ва электрон расмийлаштириш тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилиш — энг муҳим талабдир. Дориҳоналар бундай фаолият билан шуғулланмоқчи бўлса, тегишли веб-сайтда ёки мобиль илова орқали керакли ҳужжатларни ва дори воситалари ҳақидаги маълумотларни кўрсатиши шарт.

Истеъмолчи ҳуқуқини ким ҳимоя қилади?

Дори-дармонни, кийим-кечакми, пардоз-андоз воситаси ёки озиқ-овқат турими, уни харид қилганлар истеъмолчидир. Коронавирус пандемияси даврида аҳолининг дори-дармон воситаларига эҳтиёжи кескин ошганлигига гувоҳ бўляпмиз. Дард борки, даво изланади.

— Ижтимоий тармоқларда тарқатилётган ахборотларга кўра, талаб юқори бўлган айрим дори воситалари дориҳоналардан ташқарида, яъни интернет сайтлари орқали ноқонуний йўллар билан қиммат нархларда сотилаётгани қайд этилмоқда, — дейди Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги директори Элмурод Ҳайитметов. — Хусусан, «Плаквенил» (гидроксихлорохин) дориҳоналардан ташқарида 1 миллион сўмгача, чакана нархи 405 000 сўмдан ошмаслиги лозим бўлган «Клексан» дори воситаси 2,4 млн. сўмгача сотилмоқда. Ёки Беларусда ишлаб чиқарилган «Тепарин»нинг бир қутиси 400 000 сўмдан сотиляпти. Аслида, унинг чекланган дориҳона нархи 135 000 сўмдан ошмаслиги керак. Агентлигимизнинг ҳудудий тузилмалари томонидан 30 та дориҳонада ўтказилган рейд ва текширувлар давомида нарх-навоми сунъий равишда ошириш, харидорни «чув» тушириш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланди. 500 га яқин дориҳонада ўтказилган мониторинг қозонуварида сўнг республика бўйича 3000 дан ортиқ дориҳонага

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ноқонуний ҳаракат жазоланадими?



— Интернетда реклама қилинган дори-дармон даволанувчига акс таъсир кўрсатса, уни сотганларга қандай жазо тури белгиланган?

Мадина НАҲАЛОВА.
Тошкент шаҳри.

Миродил БАРОТОВ,
юрidik фанлари доктори,
профессор:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165-моддасига кўра, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида бир талай ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этган шахслар БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлади. Бундан ташқари, Жиноят кодексининг тегишли моддасига биноан, таркибда кучли таъсир килувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, БҲМнинг 100 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима, уч йилгача ахлоқ тузатиш ҳамда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

расмий оғохлантириш берилди.

Ижтимоий тармоқлар орқали электрон тижорат йўли билан тадбиркорлик қилиб, мўмай даромад орттириш, улгуржи нархни бир неча бараварга ошириб, оддий инсонларни алдаш вақтинчалик жараён. Зеро, қонунга қарши, фуқаролар манфаатига зид иш тутишнинг қачондир жавобгарлиги ва жазоси бўлади.

Ҳулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»



Шифохоналар ва карантин марказида кунлик овқат ҳаражати нормаси белгиланди.

Бола кўнгли беғубор бўлади. У ҳар қандай нарсани ўз ҳолича қабул қилади. Эсимда, болалик чоғимизда телевидение орқали бериладиган, ёш томошабинларга мўлжалланган фильмлар, спектакллардаги воқеаларни худди реал ҳаётда бўлаётгандек томоша қилардик. Актёрлар йиғласа йиғлаб, кулса кулиб, улардаги барча туйғуларни ўзимиздан ўтказардик. Айниқса, болалар актёрларининг ижролари ҳали-ҳануз ёдимизда...

Абдусамад Жўрабоев:

БУГУН БОЛАЛАР қалбидан муқим жой эгаллайдиган сахна асарлари борми?

Бугун ана шундай барча болалар учун қадрли бўлган, телевизор орқали энг яқин кишиларидан бирига айланган актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Республика ёш томошабинлар театрида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, «Қовоқвой» образи орқали бола-жонларнинг сеvimли қахрамонига айланган устоз санъаткор Абдусамад Жўрабоев билан суҳбатлашдик. Sevimли актёримизнинг юртимиздаги болалар киноси ва театри ривожини, ушбу санъат турларининг ўғил-қизлар ҳаёти ва келажигида тутган ўрни, соҳадаги муаммолар ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдик.

Болалар сахна асарини чин ҳаёт деб ўйлайди

— Қирқ йилдан ортиқ муддат давомида Ёш томошабинлар театрида фаолият юритган бўлсам, болаларга мўлжалланган 200 дан зиёд спектаклда катта-кичик ролларни ижро этдим. Фаолиятим мобайнида болаларнинг чин томошабин эканига гувоҳ бўлдим. Масалан, катталар спектакль ёки фильм томоша қилганда: «Мана бу актёр зўр ижро этибди, мана буниси ўхшатолабди» дея мулоҳаза юритади. Болалар эса сахнадаги воқеаларни реал ҳаётда содир бўляпти, деб ҳисоблайди. Ижрочилар йиғласа йиғлаб, кулса кулади.

Бир пайтлар «Зафар, Зуфар ва сеҳргар» спектаклида онаси вафот этган, отаси қайта уйланган ака-уканинг бирининг ролинини ўйнаганман. Буни қарантки, менинг ҳам онам болалигимда вафот этган. Спектаклнинг бир сахнасида бола тушида марҳум онасини кўради ва «Ойижон!», деб йиғлайди. Режиссёр Эргаш Масафоев: «Ўхшамаяпти, ёлғондан қақиряпсан-ку. Онанг борми?» деб сўради. «Онам вафот этган», десам, «Тасаввур қил, қаршингда турган актриса онанг, қани, қақириб кўр-чи», деди. Шундан сўнг алам, изтироб билан «Ойижон!» дея қақириб йиғлаганман. Режиссёр Эргаш Масафоев шунда: «Болаларни алдаб бўлмайди, юракдан чиқариб уйна ролингни» деганди. Кейин спектакль намойишида ўзим ҳам гувоҳ бўлганман.



Айнан ўша жойида болалар ҳам менга кўшилиб йиғлашган.

Яна бир воқеа: бир сафар ўқ еб, сахнада йиқилиб қоладиган образини ижро этиятман. Ерда ётарканман, болаларнинг: «Ўлиб қолди, ўлиб қолди», дея пичирлаётганини эшитаман. Шунда улардан бири: «Ана, қорни қимирляпти, демак, ўлмаган, нафас оляпти», деб юборди. Сўнг барча болаларнинг спектаклга муносабати ўзгарди. Болалар спектаклни реал ҳаёт деб ҳисоблагани учун ҳам томоша қилган асарлари уларнинг ҳаёти, тақдирига кучли таъсир қилади.

Спектакль болалар ҳис-туйғусини шакллантиради

— Айримлар айтади: «Бугунги болалар жуда ақли, компьютер, телефонни билади, анча нарсага ақли етади». Шунинг учун эртақ, спектакллар, китобларнинг уларга таъсири кам деб ўйлашади. Аслида эса бугунги замонавий болаларга кўпроқ жонли санъат асарларини томоша қилиш фойда беради.

Кўпчилик ота-оналар фарзандига вақт ажрата олмаса, унинг қўлига телефон бериб қўяди ёки телевизиордан сериал кўйиб беради. Бола телефондан нимани ўрганади, турли вахшийлик тарғиб этилган ўйинларни ўйнаб, видеоларни томоша қилади, албатта. Ё бўлмаса, ёшига мос бўлмаган сериалларни кўриб, дунёқарашига зарар етади. Эртақлар ва болалар учун сахналаштирилган спектакллар эса уларни ҳалолликка, эзгуликка ундайди, қалбида раҳм-шафқат, меҳр-мухаббат каби ҳис-туйғуларни шакллантиради. Дунёқарашини ўстиради.

Биргина мисол: бир спектаклда бўри образини ижро этиятман. Ролга кириб, бўрининг номидан: «Сени ва бувингни еб қўяман» десам, бир қизалоқ сахнага чиқиб: «Бўри, уларни ема, мен сенга қўлимдаги пиченьени бераман» деди. Мана, спектаклнинг қизалоққа ижобий таъсирини қаранг. Қизалоқнинг меҳр-мухаббат, раҳм-шафқат туйғулари тўлқинланди.

«Қовоқвой» — ижодимнинг таърифномаси

— 1980 йилда сахналаштирилган «Қовоқвой ва Чаноквой» спектаклидаги ролим мени элга танитди. Юзлаб ролларим орасидан айнан унинг тилга тушишига сабаб — болалар Қовоқвой тимсолида ўзини кўрган. Айримлар: «Қовоқвой салбий образ, маҳмадона, дангаса бола образи, нега уни қахрамон деяпмиз» дейди. Аммо спектакль сўнгида у Чаноквойнинг ёрдамида эзгу йўлга ўтади.

Кўпчилик исминми билмай, 18 йил сахнадан тушмаган шу ролимнинг номи билан Қовоқвой, деб чақиради, хурсанд бўламан. Баъзилар мазач қилади, хафа бўламану, лекин таниганига ҳам шукр, деб кетавераман. Актёрнинг мана шундай ўз ташрифномасига айланган образи бўлиши керак. Масалан, Обид Юнусов, деса, кўпчилик «Парвона» спектаклидаги ўтқурий образи ёдига тушади, ё бўлмаса, Зайнаб Садриевани кўрса, Фармонбичини кўргандай бўлади киши.

Тўғриси, санъат йўли осон эмас. Мен санъаткор сифатида ўз йўлиمنى топишга жуда қийналганман. Ўқишни тамомлагач, ўнга яқин курсдошларим билан йўланма



асосида Ёш томошабинлар театрига ишга юборилган. Катта-катта ролларни ўйнайман, деб бир олам орзулар билан боргандим. Бироқ уч йил оммавий сахналарда ишлашга тўғри келган. Илк ролим «Қизил қаллоқча»даги типратикан. Бир оғиз сўзи бор, холос, уч ой репетиция қилганмиз.

Моддий томонлама қийналиб қолган пайтларимда сотувчилик қилмоқчи ҳам бўлганман. Шунда устозларим: «Сенинг жойинг театрда, шу ерда ўсасан!» деб маслаҳат беришган. Бугун эса ҳаётимдан мамнунман. Ҳақиқий сахна асарларида роль ижро этиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Мен эса бахтлиман, энг номдор спектакллар — «Шум бола», «Қовоқвой ва Чаноквой» спектаклларида бош ролларни ижро этганман.

Бугунги болалар қахрамонлари кимлар?

— Мени бир савол қийнайдди: бугун болалар қалбидан муқим жой эгаллайдиган баддий фильм ёки сахна асари борми? Ўттиз йил олдинги болалардан сўрасангиз, Қовоқвой ва бошқа спектакль қахрамонларини санаб бера оларди. Ҳозир-чи, айниқса, болаларга мўлжалланган баддий фильмлар кам. Ёш томошабинлар театрида турли спектакллар сахналаштириляпти. Аммо улар ҳам аввалги спектакллардек болалар орасида оммалашмаган.

Бугун ана шундай сахна асарларига эҳтиёж катта. Агар миллатимиз, юртимиз келажиги ҳақида қайғурар эканмиз, болалар сахна асарлари, киноси, адабиётини ҳам янги босқичга кўтаришимиз керак. Зеро, болалар — келажак пойдеворидир.

«Mahalla» муҳбири
Санжар ЭШМУРОДОВ
оққа кўчирди.

АҚШда ўзбек рақс санъатини ўрганиш бўйича икки ҳафталик лойиҳага старт берилди.

АЛЛЕРГИЯНИНГ

шамоллашдан қандай фарқи бор?

Кузда кўплаб касалликлар юзага чиқа бошлайди. Жумладан, шамоллаш, грипп каби хасталиклар кўп учрайди. Шу билан бирга, мавсумий аллергиялар ҳам борки, кўпчиликка қийинчилик туғдиради. Аксарият юртдошларимиз шамоллаш ва аллергияни бир-биридан адаштириб юборади. Бу эса дорилардан нотўғри фойдаланишга, унинг натижасида касалликнинг кучайишига сабаб бўлади.

Мавсумий аллергия қандай фарқланади?

Кузги аллергия августнинг бошларидан то ноябрнинг охирига қадар давом этадиган жараён дур. Баҳорги аллергияни дарахтлар, ҳайвонлар кўзғатса, кузги аллергияни кўпроқ тоғ ён-бағирларида ўсадиган ёввойи, бошоқли ўсимликлар, масалан, тулқидум, шувоқнинг учиб юрвучи чанглари келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ҳар бир инсон организмда яшайдиган каналарнинг кўпайиши натижасида ҳам аллергия юзага келиши мумкин.

Кузда кўплаб уй ҳайвонлари туллайди. Бу ҳам аллергиянинг кўзғалишига катта таъсир кўрсатади. Айнан кузда авж оладиган вирусли касалликлар ҳам аллергия учун замин бўла олади. Касалликка чалинган беморларда аллергия бошланган бўлса-да, ушбу касаллик вақтида аён бўлмайди. Бироқ одатда касаллик ўтиб кетганидан сўнг аллергия янада кучаяди.

Аллергия ирсиятга боғлиқми?

Аллергик мойиллик, асосан, ирсиятга боғлиқ бўлади. Ўғил болаларга кўпроқ она томондан, қиз болаларга эса кўпроқ ота томондан ўтади. Баъзиларда озик-овқат маҳсулотлари, масалан, мош, нўхат, ёнғоқ, тухум, помидор, от гўшти, тропик ва субтропик мевалар, бошқаларда эса кўпроқ ёки нам об-ҳавога, шунингдек, ҳидларга, мисол учун, бензин, бўёқ, керосин, ёқилган хазоннинг ҳидига ҳам аллергия мойиллик бўлади.

Агар бемор вақтида шифокорга кўринмаса, жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Хусусан, оддий тошмадан тортиб, бронхоспазм, квинки шиши, анафилактик шок, ундан ҳам оғирроқ Лайелло ва Стивано-Жонсон синдромларигача асоратлар бериши мумкин. Охириги икки ҳолатда ўлим кўрсаткичи юқори бўлган синдромлар ҳисобланади.

Аллергия натижасида юрак-қон томир, ошқозон-ичак тизимида зарарланишлар юзага келиши мумкин. Аллергия бола организ-



мида тошма, қичима кўринишида терини, конъюнктивит кўринишида кўзни, аллергия ринит шаклида бурунни, бронхиал астма шаклида ўпкани, громерулонефрит шаклида буйракни, ревматизм кўринишида юракни, артрит шаклида суякларни, дискинезия шаклида ичакни ва анемия кўринишида қонни зарарлайди.

Шу ўринда яна бир гап: кўпгина аллергия моддалар таркибида бизга керакли моддалар мужжасам. Қолаверса, доимий парҳез беморни бироз қийнаб кўяди. Сабаби, инсон ўзига керакли минераллар, витаминлар, оқсил, углевод ва ёғларни озик-овқатлар орқали қабул қилади. Шунинг учун аллергияси бор инсонлар қатъий равишда мавсум вақтида парҳез қилиш керак.

Она сути аллергиянинг олдини олади

Ҳозир болаларда томоқдаги аллергия, яъни респиратор аллергия тез-тез учрамоқда. Бунинг асосий сабаблардан бири — ота-оналарнинг фарзандига ўзбошимчалик билан дори бериши билан боғлиқ. Бундан ташқари, кўплаб дориларни бир вақтда қабул қилиш, антибиотикларни бетартиб кўллаш аллергия касалликларнинг ривожланишини кучайтириб юбормоқда. Ёш болалар барвақт сунъий овқатга ўтказилмоқда.

Камида 1 ёшгача болани фақат она сути билан озиқлантириш керак. Сигир сути билан озиқлантириш, сунъий овқатларни эрта бериш, дориларни бетартиб кўллаш каби ҳолатлар бўлишига йўл қўймасақ, аллергия касалликларнинг олдини олган бўлаемиз. Зеро, касалликни даволагандан кўра, олдини олган минг чандон яхши.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ривожланган давлатларда аллергия кўп учрайдимиз?

Аллергиянинг кўплаб турлари мавжуд. Олимлар аниқлаган яна бир ўзига хослик — юқори даражада ривожланган мамлакатлар аҳолиси аллергиядан кўпроқ азият чекишар экан. Олимлар буни «Берлин девори» мисолида текшириб кўрдилар.

1961 йилда қурилган девор Германияни шарқий ва ғарбий қисмига ажратиб қўйган эди. Унинг ғарбий қисмида инсонлар учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, кўчатлар шампунда ювилган каби тоза, овқатлар ҳам сифатли эди. Шарқий қисмининг иқтисодий ҳудудларида ҳаво кучли заҳарланган, атроф-муҳит тозаллиги ҳам ўзига яраша эди.

Орадан қирқ йил ўтиб, девор бузилгач, Германияда жойлашган Роберт Кох номидаги институт олимлари бир йил давомида икки давлат болалари орасида текширув ўтказди. Натижада ғарбий қисмда яшаган болаларнинг 18 фоизида аллергия астма аниқланди. Шарқий қисмда бу кўрсаткич нолга тенг эди.

Касаллик белгилари қандай намоён бўлади?

Аллергия бошланган одамда бурун битиши (бурундан томчилаб сув келиши), кўзларнинг қизариши, кучли ёки кучсиз йўтал, то-



моқнинг қуриши ва кулоқларнинг қичиши, ачишиши кузатилади. Аллергиянинг бошқа касалликлардан ажратиш мумкин бўлган энг катта фарқи шундаки, юқоридаги аломатлар шамоллаш ёки гриппнинг аломатларига ўхшаб кетса-да, улардан фарқли равишда аллергия бошланган кишининг тана ҳарорати кўтарилмайди. Агар юқоридаги ҳолат 3-4 кун давом этиб, тана ҳарорати кўтарилса, бу танада аллергия жараёнига инфекциянинг қўшилганидан далолат беради.

Аллергияси бор инсонлар тукли мевалар, уй ҳайвонлари, ҳидлардан эҳтиёт бўлишлари лозим. Орамизда шифокорнинг тавсиясисиз ҳам дори воситаларини билиб-билмай ичадиганлар йўқ эмас. Шунинг учун унутмаслик керакки, ҳар қандай дори воситаси потенциал аллергия бўлиши мумкин. Ҳар бир одам ўзида аллергия аломатларини сезиши ҳамон, мустақил равишда даво чораларини қўлламасдан, аллергияда мурожаат этиши шарт. Фақат унинг кўрсатмаси билангина даволаниши, қўшимча даво чораларини қўллаши керак.

Аллергияси бор беморлар иложи борича аллергиялардан узоқ юриши, парҳез қилиши, дориларини вақтида ичиши, шифокор тавсиясисиз дорилар қабул қилмаслиги, ҳар қандай дорини, албатта, синама билан қабул қилиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, танасини аста-секинлик билан чиниқтириб бориши, соғлом турмуш тарзига риоя қилиши керак.

Умуман олганда, аллергия шундай касалликлар турига кирадики, унинг давоси ҳар бир беморнинг ўз қўлида. Бемор белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилса, бас, касалликнинг тузалиши тезлашади.

Ўтқир ХОННАЗАРОВ,
олий тоифали шифокор.

Ўзбекистонда аҳолини сентябрь ойидан грипп ва пневмонияга қарши эмлаш бошланади.

Чеки-чегараси йўқ ахборот макони — интернетда турли оғир хасталикка чалинган юртдошларимизга ёрдам бериш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар ўтказилаётгани маълум қилинмоқда. Уларнинг аксариятида ёш болаларнинг лейкоз (оққон) билан оғригани ҳақида сўз боради. Савол туғилади: ҳали ривожланиш босқичида бўлган болакайлар нима учун бу касалликка чалинмоқда? Оққон касаллигининг «ёшариш» сабабларини нимадан ахтариш керак? Бу дардга чалинмаслик мумкинми?



ОҚҚОН ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК: уни даволашнинг самарали усуллари борми?

Қайд қилиниш даражаси қандай?


Америка олимларининг аниқлашича, ҳар 100 минг одамдан 25 кишида оққон касаллиги учрайди. Кузатишлар кўпинча 3-10 ёшдаги болалар ва 60-70 ёш оралигидаги кишилар бу касалликка чалинаётганини кўрсатади. Мамлакатимизда эса сўнгги уч йилда гематологик касалликларнинг 10 фоизга ошгани кузатилмоқда. Биргина Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти клиникасида даволанаётганларнинг 62 фоизини оққон касаллиги билан оғриганлар ташкил этади. Болаларда бу хасталикнинг 28 фоиз учраши ачинарлидир, албатта.

Аксарият ҳолларда беморлар клиникамизга оғир аҳволда, шошилич кўрсатмага муҳтож бўлиб, мурожаат қиладики, биз, шифокорлар зудлик билан даволашга киришсак-да, натижа ижобий бўлавермайди. Вилоят гематология бўлимида ўсмага қарши дори воситалари танқислиги, ташхис тўғри белгиланмаслиги сабабли ҳам беморлар пойтахт клиникасига келишга мажбур бўлади. Вилоят ва туманларда гематолог мутахассислар етишмаётгани учун беморлар ўз поликлиникаси ва кўп тармоқли тиббиёт марказлари қошидаги поликлиникалар орқали институтимизга йўналтирилмоқда.

Сабаблари фақат тахмин қилинмоқда

Касалликнинг келиб чиқиши бўйича турли назариялар мавжуд. Лекин сабаблари номаълум, фақат тахминий қарашларга таянилмоқда. Авлоддан-авлодга ўтиши ҳам исботланмаган. Баъзан шамоллаш туфайли организмга «ўтириб» қоладиган вируслар ҳам бунга шартшароит яратди, деган гипотеза айтилади. Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида атом бомбаси портлатилган дамда 1,5 км. радиусда бўлганларнинг 45 фоизи ионлашган нурланиш туфайли ана шу касалликка дучор бўлган.

Яна бир эҳтимоллик назариясига кўра, аҳолининг тўғри овқат-



ДАРВОҚЕ...

Цинциннати университети (АҚШ) олимларининг лаборатория сичқонларида ўтказилган янги тадқиқотида ўткир миелоид лейкоз ривожига «miR-22» молекуласи фаоллигининг пасайиши билан боғлиқлиги кўрсатиб берилди.

ланиш маданияти шаклланмаган. Кўп ҳолларда канцероген моддаси ўрнашган озуқа махсулотларини истеъмол қилиш ҳам қон ҳужайралари функциясини бузиб қўяди ва қонда ўсмани ривожлантиради. Оилавий муҳитда боланинг стрессга тушиши, қўрқитилиши, ҳақоратланиши ва турли жазо усуллари билан қўлланилиши ҳам битта омил қилиб кўрсатилмоқда.

Қандай клиник белгилар билан кечади?

Оққон бутун организм касаллиги бўлгани учун у ҳар хил белгилар билан бошланиши мумкин. У организмда мутацияга учраган оққон ҳужайраларининг кўпайиб кетиши билан боғлиқдир. Зарарланган ҳужайралар соғломлари ўрнини ҳам эгаллаб олгани боис оёқ оғриши, умумий ҳолсизлик ва тез-тез шамоллаш, бурун қонаши, тери кўкариши, лимфа тугунлари, жигар, талоқнинг катталашуви кузатилади.

Дастлабки босқичда мадор қуриши, тана ҳарорати кўтарилишига ўхшаш умумий белгилардан шикоят бўлса, шифокор болага шамоллаш ташхисини қўяди, муолажани ҳам шунга қараб буюради. Демак, нотўғри ташхис қўйиш хасталикнинг янада ривожланиши учун айни муддаодир.

Оққоннинг қандай турлари мавжуд?

Ўткир лейкоз лимфобласт ва миелобласт деган турларга ажратилган. Оққон (лейкоз) гумон қилинганда, зарурий таҳлил ўтказилади, яъни суяк таркибидан намунани шифокор гематолог олади. Бласт ҳужайралари аниқлангандан сўнг цитокимё таҳлили ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Сўнгра қўшимча тестлар орқали генетик ўзгариш ва саратон ҳужайралари томонидан ҳужайра юзасининг маълум белгиларини аниқлаш мумкин. Тест натижаларидан касалликни таснифлаш ва оптимал даволашда фойдаланилади.

Даволаш мумкинми?

Кўпчилик оққон касаллигини даволаш мумкин эмас, дея фикрлайди. Аммо ташхис илк босқичларида тўғри қўйилса, кимётерапия курслари ўз вақтида ва мақбул танланса, бемор ҳаётга қайтади. Даволашнинг яна бир усули — суяк илигини кўчириб ўтказишдир. Ҳозирча Ўзбекистонда бу операцияни амалга ошириш имконияти мавжуд эмас. Хорижий клиникаларга бориб, даволанишга эса барча беморларнинг ҳам

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти мутахассислари томонидан қон ўрнини босувчи «Сукцинасол», «Янтаропротеин», «Биогемодез», «Эритроамин» дори воситалари яратилган ва бемор даволанишига татбиқ этилган.

қурби етмайди.

Афсусланарлиси шундаки, айрим беморлар дастлабки даволаниш босқичидан сўнг табибларга мурожаат қилишади. Болалар узоқ даволаниши сабабли иммунитетни пасаяди. Демак, у жиддий назоратга олинса, санитария-гигиена ҳолати, овқатланиш рационали, руҳий далда, ўз вақтида дам олиш, очик ҳавода сайр қилиш, дори воситалари истеъмолига эътибор қаратилса, кифоя. Даволаниш жараёни 3-4 йилга чўзилгани учун ота-онага катта сабр-тоқат керак.

Даволашдан кўра олдини олган афзал

Ҳа, бу — ҳаёт ҳақиқатидир. Нафақат оққон, балки бошқа касалликларни ҳам даволашдан кўра олдини олсак, ҳеч қандай муаммога ўрин йўқ. Ҳозирда бирламчи даволаш муассасаларида ҳам қоннинг умумий таҳлилини текширтириш мумкин. 14 ёшгача бўлган фарзандларимиз бир йилда бир маротаба тиббий кўрикдан ўтказилар экан, қон таркибини пунктуал равишда гематолог текшириб кўриши оқ қон касаллигини илк даврда аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи қондаларига тўлиқ риоя қилиниши зарур.

Сапура ИБРАГИМОВА,
тиббиёт фанлари номзоди.

Тиббиёт ходимлари «вахта» усулидан кунбай иш тартибига ўтказилади.

ШАРИАТДА

дам солдириш борми?

«Давонинг яхшиси Қуръондир»

Дам солиш шарият кўрсатган доирада, ҳажмда ва услубда бўлиши керак. Уламоларимиз дам солиш ҳақлигига қуйидаги оятни каримани далил қилиб келтирадилар: «Қуръонни мўминлар учун шифо ва раҳмат ўлароқ нозил қилурмиз. У зотимларга зиёндан бошқани зиёда қилмас» («Исро» сураси, 82-оят). Али (р.а.)дан ривоятда эса: «Расулulloх (с.а.в.): «Давонинг яхшиси Қуръондир», деганлар» (Ибн Можа ривояти) дейилади.

Дам солиш ҳақида яна кўтлаб ҳадиси шарифлар бор. Шў боис муҳаддисларимизнинг барчаси ўз китобларида «Тиб ва дам солиш китоби» сарлавҳаси остида ўша ҳадисларни келтиришган. Чунки бу икки масала бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Жисмоний дардларга дори берилса, дори таъсир қилади, беморнинг жисми ундан таъсирланади ва уларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқлигини хасталик тузалади. Худди шунингдек, руҳий хасталикка учраган шахснинг руҳига дам солувчининг руҳи таъсир қилиб, орада ўзаро боғлиқлиқ содир бўлади ва Аллоҳ таолонинг изни ила бемор тузалади.

Ўз-ўзидан «Қандай ҳолатда тибга ва қандай ҳолатда дамга мурожаат қилинади?» деган савол пайдо бўлади. Бу саволнинг жавоби қуйидагича: аввало, бемор табибларга қўриниши керак. Агар табиблар дардни аниқлашса, уларга даволатиши лозим.

Табиблар: «Сиз соғсиз», десалару, киши ўзини ёмон ҳис қилаверса, дам солишга ўтиш афзал бўлади.

Уламоларимиз ҳам дам солиш, руҳий муолажалар дардга йўлиққандан кейин уни тузатишга хизмат қилганидек, дарднинг олдини олиш, у етганда ҳам зарарини кам бўладиган қилишга хизмат қилади, дейдилар.

Дам солишни ким бажаргани афзал?

Ҳар ким ўзига ўзи дам солигани афзал. Чунки инсоннинг ўз овози танасига катта таъсирга эга. Яъни инсон тана ҳужайралари бошқа кишининг овозидан кўра, ўзининг овозидан кўпроқ таъсирланиб, унга жавоб қайтаради. Шу туфайли инсонларнинг ўзи Қуръон тиловат

қилиши жоизлиги тавсия этилади. «Фотиҳа», «Оятул курсий», «Ёсин», «Кофирун», «Ихлос», «Фалақ» ва «Нос» сураларини ўқиб дам урилса, Аллоҳ изни билан фойдаси бўлади.

Шунингдек, болаларга дам солишга тўғри келиб қолса, бунда ўзингиз билган сураларни ихлос билан ўқиб, дам солишингиз энг афзалидир. Зеро, ҳеч ким фарзандингизга сиз каби меҳрибон бўлмайди. Ибн Аббос(р.а.)дан ривоят қилинади: **Набий (с.а.в.) Ҳасан ва Ҳусайнга паноҳ тилаб: «Иккингига Аллоҳнинг тугал калималари ила ҳар бир шайтондан ва зараркунандадан ҳамда гуноҳкор кўздан паноҳ тиламан» дер ва сўнгра: «Бобонгиз булар ила Исмоил ва Исҳоқ алайҳимуссаломга паноҳ тилар эди», дер эдилар.** (Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Агар бошқа одамга солдирадиган бўлса, тақводор, дуоси қабул бўлишидан умид қилинадиган одамга дам солдириш керак. Зотан, дам солиш ҳам дуонинг бир туридир. Дам солувчи киши: «Диндош биродаримга шифо сўраб дуо қилмоқдаман», деган ниятда, дам солдирувчи эса: «Дин қардошим менга шифо сўраб дуо қилмоқда, Аллоҳ таоло, ўзинг қабул айлагин», деган ниятда бўлишлари керак. Дам солишни касб қилиб олиш мумкин эмас.

Оиша(р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулulloх (с.а.в.) ўз аҳлиридан бир киши бемор бўлиб қолса, унга «қул аъзузулар ила дам солар эдилар». Бошқа бир ривоятда қуйидагилар айтилган: «У зот ўзлари бемор бўлиб қолсалар, «қул аъзузуларни ўқиб, ўзларига дам солар эдилар. Вафотларидан олдинги бемор бўлганларида у зотни суфлаб ўз қўллари билан ўзларини силадим. Чунки у менинг қўлимдан баракаси улуғ эди».

Ҳазрати Умар (р.а.) хасталарга «Фотиҳа» сурасини ўқиб дам сол-

салар, дарҳол таъсир қилар экан. У кишининг вафотларидан кейин бошқалар бу ишни қилса, аввалги натижа чиқмабди. Шунда сирдан хабардор кишилар: «Фотиҳа» сураси-ку, ўрнида турибди, аммо уни ўқийдиган Умар қани?» дейишган экан.

Дам солиш захарни кесадими?

Юқорида зикр қилинган фикрлардан ҳамма касалликларда, жумладан, захарли ҳайвонлар чаққанда ҳам фақат дам солиш керак экан, деган хулосага келиб қолмаслик керак. Бу ҳақда Ибн Абу Шайба Абдуллоҳ ибн Масъуд(р.а.)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифни келтиради: «Набий (с.а.в.) намоз ўқиб туриб сажда қилган эдилар, у зотнинг панжаларини чаён чақиб олди. Бас, Расулulloх (с.а.в.) қайтдилар-да: «Аллоҳ чаёни лаънатласин! Пайғамбарни ҳам, бошқани ҳам қўймайди», дедилар. Сўнгра бир идишда сув билан туз келтиришга буюрдилар. Чаён чаққан жойни ўша сув ва тузга солди-лар ва босилгунча «Қул хуваллоху аҳад» билан икки «қул аъзузу»ни ўқиб турдилар».

Эътибор берадиган бўлсак, Пайғамбаримиз (с.а.в.) аввал чаён чаққан жойга дори-дармон қилиб, кейин ўзлари Қуръони карим сураларини ўқиганлар. Икки «қул аъзузу» сурасидан Аллоҳ таолодан паноҳ сўрашнинг олий нуқтаси мужассам бўлган. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.) уларни ўзларига ҳам, ахларига ҳам ўқиб, дам солганлар ва умматларига ҳам шунини амр қилганлар.

Раҳматуллоҳ САЙФУТДИНОВ,
Юнусобод тумани бош имом-хатиби, Мирза Юсуф жоме масжиди имом-хатиби.

Кўп кузатганимиз, одамлар соғлиги ёмонлашса, шифо тилаб ёхуд ишлари юришмай қолса, унинг ривожини сўраб, дам солдиришади. Бундай амалларни ёшларнинг ўқишга кириши, бахтли ҳаёт кечириши учун ҳам бажарилганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Хўш, дам солдириш нима ўзи? Шариятимиз бу ҳақда нима дейди? Кимлар дам солишга ҳақли?

Дам солиш нима?

Айтиш керакки, дам солиш деганда, Аллоҳ таолонинг китоби бўлмиш Қуръони карим оятлари ва Аллоҳ таолонинг исмлари, Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан ривоят қилинган дуоларни ўқиб, паноҳ тилаш кўзда тутилади. Ундан бошқаларни ўқиб дам солиш ислом таълимотига кирмайди.

Айни масалада ҳам бироз ихтилоф бор. Баъзи кишилар: «Фақат тибга аҳамият бериш керак, дам солиш шариятда йўқ нарса», дейишса, бошқа бир тоифа: «Ҳамма нарса дам солишда, у билан ҳар қандай дардни даволаса бўлади», дейдилар. Ҳар икки томон ҳам ўз фикрини исботлаш учун оятларни ва ҳадиси шарифларни ўз услуби ила шарҳ қилишади. Аслини олганда, бу борадаги оятни карималар ва ҳадиси шарифларни тўлиқ ва яхшилаб ўрганиб чиқилса, ўртача иш кўриш муҳимроқ ва фойдалироқ экани аён бўлади.

Тибга хос хасталикларни тиб орқали даволаш керак. Дам солишга оид хасталикларни у билан даволаш ва дам солишга эҳтиёжи бор кишиларга дам солиш керак. Кези келганда, дам солишни узоқ муддат инкор қилиб юргандан сўнг замонавий тиб ҳам эътироф қилганини, уни «дам солиш» демаса-да, «руҳий даволаш» деб атаётганини эслатиб ўтиш лозим. Илмий изланишлар хаста инсоннинг тузалishi, унга нисбатан қўлланилаётган муолажа таъсирли бўлиши учун унинг руҳий ҳолати, ихлоси ўзига яраша яхши ҳолатда бўлиши кераклигини исбот қилди.

Адлия органларида еттига диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилди.

ТУРКИЯ

ОЗАРБАЙЖОННИ ёлғизлатиб қўймайди

Туркия президентининг матбуот котиби Иброҳим Калин Тоғли Қорабоғ можаросига тўхталар экан, Анқара мазкур муаммо тинч йўл билан ҳал этилиши тарафдори эканини айтди. Айни пайтда Озарбайжонга ҳужум уюштирилгудек бўлса, Туркия жим қараб турмаслиги ва бор имкониятини ишга солишини таъкидлади. Бирок, таҳлилчиларнинг фикрича, Туркия ва Озарбайжоннинг қўшма ҳарбий машғулоти, биринчи навбатда, Арманистонга ва билвосита Россияга сигнал эканига шубҳа йўқ. Анқаранинг Тоғли Қорабоғ бўйича охириги бир ҳафтадаги кетма-кет баёнотларини Боку учун умид, Ереван ва Москва учун эса оғохлантириш деб тушуниш мумкин.

Тоғли Қорабоғ нафақат Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги, балки минтақавий аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Бу можарода Туркия Озарбайжонни, Россия эса Арманистонни қўллаб-қувватлаб келади.

Совет Иттифоқи даврида Тоғли Қорабоғ Озарбайжон таркибиде эди. Бироқ 1980-йилларнинг охирида аҳолисининг аксарини арманлар ташкил этувчи мазкур ҳудудда айирмачилик кайфияти кучайди ва буни Ереван қўллаб-қувватлади. Ҳа пайтда Арманистонда Тоғли Қорабоғ Арманистонга қайтариллиши кераклиги ҳақида чакриқлар янграй бошлади. 1991 йилнинг 10 декабрида Тоғли Қорабоғда ўтказилган референдумда ҳудуднинг Озарбайжондан ажралиб чиқиши ва мустақил бўлиши учун овоз берилди. Воқеалар ривожини Озарбайжон ва Арманистон ўртасида уруш бошланишига олиб келди.

1994 йилда томонлар сулҳ тузишди. Озарбайжон ҳудудининг 20 фоизидан ажралди. Ереваннинг даъвосига қўра, Тоғли Қорабоғда азалдан арманлар яшаб келган ва у Арманистоннинг тарихий ҳудудидир. Ереваннинг қўллови билан тузилган ва Арцах деб ҳам аталадиган Тоғли Қорабоғ Республикасини халқаро ҳамжамият тан олмайди ҳамда ҳудудни Озарбайжоннинг бир парчаси деб ҳисоблайди.

«Минск гуруҳи»дан фойда йўқми?

Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги можарода томонлар ўртасида воситачилик қилиш учун Европада хавфсизлик ва ҳамкор-



лик ташкилотининг таркиби 11 давлатдан иборат «Минск гуруҳи» ташкил этилган. Туркия бу гуруҳнинг самарасиз эканини айтмоқда.

Туркия ташқи ишлар вазирини Мевлут Чавушўғли Тоғли Қорабоғ можароси шу пайтгача ҳал бўлмаётганига «Минск гуруҳи» раислари — Россия, Франция ва АҚШнинг сусткашлигини асосий сабаб сифатида кўрсатади. Вазирнинг таъкидлашича, раис давлатлар шунчаки баёнотлар билан чекланиб қолмай, амалий қадамлар ҳам ташлаши зарур.

Ташқи кучларни қандай манфаат қизиқтиради?

Тоғли Қорабоғ масаласига фақатгина Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги муаммо деб қараш ўта юзакилик бўларди. Албатта, бу ўринда Россия омилни жуда муҳим. Худди Грузиядаги Абхазия ва Жанубий Осетия ёки Украинадаги Крим масаласида бўлганидек. Бугун дунё — БМТ ҳам, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Минск гуруҳи» ҳам Тоғли Қорабоғни Озарбайжон ҳудуди деб тан олган. Бироқ Москва «Ҳа, Тоғли Қорабоғ Озарбайжонга тегишли, Арманистон у ерни зудлик билан тарқатиши керак» демаяпти. Турган гапки, Арманистон Россиянинг ёрдамига ишонади. Озарбайжон эса Москванинг Кавказдаги таъсири туфайли ўз ерларини қайтариб ололмапти. Аммо Ереваннинг тутумидан кўриниб турибдики, Тоғли Қорабоғ масаласи урушсиз ҳал бўладиганга ўхшамапти.

Таҳминларга қўра, вазиятнинг кескинлашишидан ташқи ўйинчилар — Россия ва Туркия манфаатдор. Шундай таҳминлардан бирига қўра, Москва гўёки мустақил Никола Пашиняни ўз жойига қўйиб қўймоқчи. Бошқасига қўра, у гўёки Бокуга босим кўрсатмоқчи.

Яқинда Озарбайжон — Арманистон муносабатларида юзага келган кескинлик туфайли дунё нигоҳи яна Жанубий Кавказга қўчди. Бир томондан, Озарбайжон ва Туркия, иккинчи томондан, Арманистон ва Россия қуролли кучлари иштирокида қўшма ҳарбий машғулоти ўтказилди. Демакки, ўртадаги муаммога расмий Анқара аралашмоқчи.



Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.



Озарбайжоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига кириши ташкилот имижига ижобий таъсир кўрсатади ва бир вақтнинг ўзида иттифоққа янги куч бахш этади. Туркия манфаатларига келадиган бўлса, у озарбайжон-арман можаросидан Россия билан Сурия ва Ливия масаласида савдолашишда фойдаланмоқчи.

Яна бир таҳминга қўра, Россия ва Туркия ўртасида газ масаласида қарама-қаршилик мавжуд. Гап шундаки, Россиянинг Туркияга газ етказмаси 40 фоизга пасайиб кетган, тез орада Озарбайжоннинг Туркия ва Европага газ етказмалари «Боку — Тбилиси — Эрзурум» қувури орқали қўлайлиши керак, бу қувур Озарбайжоннинг Товуз туманидан, Арманистон билан чегарадош Тавуш вилояти яқинидан ўтган. Айнан ўша ерда охириги тўқнашув юз берди. Туркия вазиятдан фойдаланиб, Озарбайжонда газ қувурини Россия провакациясидан химоялаш учун ўз ҳарбийларини қувурни қўриқлаш учун фойдаланиши мумкин.

Туркиянинг сиёсий таъсири ошиб борапти

Бошқа томондан, Туркия президенти Режеп Таййиб Эрдуғон Қатардан тортиб, Ироққача, Суриядан Ливиягача бўлган маконда стратегик қадамлар ташламоқда. Кавказ-Каспий геосиёсий маконда, шунингдек, Болқонда ҳам Туркия ўз таъсирини кучайтириш-

га уринаётгани бор гап. Буларнинг бари Туркиянинг ғарб сиёсий ва бошқа таъсиридан тўлиқ воз кечаётганини ва Яқин Шарқда ўз иштирокисиз бирор-бир муаммо ечилмайдиган мустақил геосиёсий ўйинчи сифатида намоён этишга уринаётганидан далolat беради. Кимгадир ёқадими ёки йўқ, бу ҳозир сиёсий реалликка айланган.

Бу сиёсий қадамлари билан Эрдуғон Европа Иттифоқига бу бирлашмага аъзолик Туркияни бошқа қизиқтирмаслиги ҳақида аниқ сиёсий сигнал юборди, ваҳоланки, Анқара салкам ярим аср Европа оиласи эшиклари олдида кириш учун пайт пойлаб турганди.

Аё Софиянинг масжидга айлантирилиши Анқаранинг ислом оламидаги умумий жараёнларга аралашувдан воз кечмаслигини ҳам кўрсатади. Фаластин масаласида эгаллаган позицияси шундан далolat. Хуллас, Туркиянинг қатор масалаларда тутган мавқеи унинг ислом дунёсидаги нуфузини мустаҳкамлади. Бундан ташқари, Туркия жуда кучли армияга эга, Ғарб билан келишмовчиликларга қарамай, у НАТО аъзоси бўлиб қолаверади. Умумий иқтисодий қизиқишлари туфайли Россиянинг Туркия билан мураккаб бўлса-да, «умумий рақси» давом этаверади. Манфаатлар тўқнашганда эса ўзаро ён бериб, мурося йўлини танлашлари муқаррар.



Исроилда коронавирусни бир дақиқага қолмай аниқлаш усули ихтиро қилинди.

Нега бизда

ГОЛЬФ ЎЙИНИ

машхур эмас?

Ўрта асрларда Данияда пайдо бўлган гольф ўйини кейинчалик АҚШ, Канада, Буюк Британия, Япония ва Австралиядо кенг тарқалади ҳамда 1900-1904 йилларда Олимпиада ўйинлари дастурига киритилади. Ўтмишда гольф «оқсуялар ўйини» деб ҳисобланар, шу боис ҳамма ҳам мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмасди. Гольф майдонлари очик табиат қўйнида экани, ўйинчи 18 та чуқурчани забт этиш учун 6,5 км. масофани босиб ўтиши зарурлигини ҳисобга олсак, бу ўйиннинг инсон саломатлиги учун нечоғли фойдалаи экани ҳам ойдинлашади.

Афсуски, юртимизда мазкур спорт тури оммалашмаган. Бирорта спортчимизнинг гольф бўйича бирорта мусобақада қатнашганию, голибликни қўлга киритгани ҳақида эшитмаганмиз. Хўш, нега бизда гольф ўйини машхур эмас? Спортчиларимиз орасида гольф мусобақаларида қатнашиб, юрт байроғини баланд тутганлар борми? Умуман, бугун бу ўйинни оммалаштириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда? Айни саволларга жавоб топиш мақсадида Гольф бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Иштиёр ЙЎЛДОШЕВни суҳбатта чорладик.

— Гольф узок тарихга эга бўлган ажойиб ўйин бўлса-да, юртимизда авваллари бу ўйинга эътибор берилмаган, — дейди И.Йўлдошев. — Фақат 1998 йилда Тошкентда гольф майдони қуриб битказилгач, халқаро миқёсдаги мусобақаларни ташкил этиш имкони бўлди. Шу тариқа илк бора 2001 йилда гольф бўйича биринчи очик чемпионат ўтказилди. Демокриманки, бу ўйин бизда энди оммалашиб бораётти. Хусусан, республикада гольфни оммалаштириш, ёшларни спортга жалб қилиш, халқаро спортчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш, мамлакатнинг спорт обрўсини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон гольф федерацияси ташкил этилди. Орадан кўп ўтмай, яъни 2015 йилда Халқаро гольф федерациясига аъзо бўлдик.

Гольфни оммалаштириш учун нима қилиш керак?

— Шу ўринда таъкидлашни истардимки, гольфни янада омма-



лаштириш учун янги ўйин майдонларини ташкил этиб, халқаро даражадаги мусобақаларни кўпайтириш керак. Шунингдек, кўнгилочар жойлар, хиёбонларда кичик гольф майдончаларини ташкил этиш ҳам яхши самара беради. Бугунги кунда пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги 108 гектар майдонга эга Тошкент гольф клуби Ўзбекистонда ягона ҳисобланади. Ушбу гольф клубига Тошкент шаҳар ҳокимлигининг аниқ мақсадли ёрдами керак.

Қолаверса, гольф ўйнашни географик жиҳатдан кенгайтириш, хусусан, вилоятларда ҳам янги гольф майдонларини очиб зарур. Шу билан бирга, ушбу майдонлар барча ёшдаги юртдошларимиз учун очик бўлишини таъминлаш керак. Профессинал ўйинчилар сафини кенгайтириб бориш ҳам бугунги кун талаби.

Гольф туризм учун ҳам фойдали

— Яна бир муҳим жиҳат: Ўзбекистон гольф федерациясининг фаолияти ва ишларига сарфланадиган харажатларнинг катта қисми ҳомийлар ва ҳаваскорлар ҳисобидан амалга оширилади. Мавжуд маблағлар бизнинг мақсад ва вазифаларимизни тўлиқ амалга оширишга имкон бермайди. Молиявий жиҳатни ҳам кўриб чиқиш зарур.

Гольфни ривожлантириш орқали мамлакатимизга кўглаб сайёҳларни жалб қилиш мумкинлиги-

ни ҳисобга олиб, бу соҳага ҳам жиддий эътибор қаратилишидан умидвормиз. Шунингдек, сайёҳларни жалб этадиган даражага чиқиш учун зарур инфратузилмани ташкил этиш керак. Бунинг учун халқаро даражадаги гольф клуби, маъмурий бино, ёзги ва кишики машғулотлар учун ўқув биноси, қолаверса, футбол майдонларига ўхшаш шаҳар ичидаги учта ёзги машғулотлар майдони, спортчиларимизни хорижда тайёрлашимиз учун молиявий ёрдам зарур.

Мақсад аниқ, фақат вақт керак

— Албатта, ҳар бир соҳада ўзига яраша муаммолар бўлади. Аммо уларнинг қаршисида чорасиз қараб туриш керак эмас. Шу боис федерация имконият даражасида спортчиларни тайёрлаб, турли мусобақаларда қатнашиб келяпти. Хусусан, болалар ва ўсмирлар гольф мактаби ташкил этилиб, ҳозирги кунда ушбу мактабда 10 нафарга яқин бола тахсил оляпти. Ўтган вақт мобайнида болалар ва ўсмирлар ўртасида қатор чемпионатлар, республика миқёсидаги кубоклар, мусобақалар ўтказилди.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг кўмаги билан иккита халқаро мусобақа ташкил этилди. Жумладан, 2018 йил март ойида «Ўзбекистон опен» биринчи халқаро турнири ўтказилиб, унда 9 мамлакатдан 75 нафар спортчи иштирок этди.



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Гольфда спортчидан профессионаллик, аниқлик ва керакли стратегияларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Буни эса ҳамма ҳам уддалай олмади. Ажабланарлиси шундаки, 1899 йилда кўзи ожиз киши биринчи марта гольф ўйнай олиши мумкинлигини намойиш этди ва ўйин охирида жуда яхши натижаларни кўрсатди. Бу инсон истаклари йўлида қанчалик меҳнат қилса, унинг самарасини кўришига яна бир далил бўлди. Ушбу ўйин учун тўп кўп йиллар давомида кетма-кет турли хил шаклларда ясалган. Фақат 1930 йилларга келиб АҚШда ягона стандарт жорий этилди. Ушбу қарор тўпнинг тезлигини барқарорлаштириш учун қабул қилинди. Шу тариқа профессионал гольфчилар 42 м/с. тезликда зарба беришга эришди. Бу тезлик ҳам қайсидир маънода гольф ўйини тарихидаги стандартлардан бири, десак бўлади. Аммо таниқли ўйинчи Тайгер Вудс ушбу стандартни «бузди». У имконсиз нарсани бажариб, 56 м/с. тезликда зарба беришга эришди.

2019 йилнинг 29 ноябрь – 3 декабрь кунлари эса ҳаваскорлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ташкил этилиб, унда 6 мамлакатдан 70 нафар спортчи иштирок этди.

Шунингдек, гольфни янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Олимпия қўмитаси кўмагида Россия ва Қозғистон чемпионатларида иштирок этиш, 2022 йилги ёзги Осиё ўйинлари ва 2024 йилги ёзги Олимпия ўйинларида қатнашишни ният қилганмиз. Хулоса қилиб айтганда, яқин беш йилликда бугунги болалар ўсмирлар гольф мактаби жаҳон миқёсидаги профессионаллар билан муносиб равишда рақобатлаша оладиган ёш спортчиларни тайёрлайди ва шу билан Ўзбекистоннинг жаҳон спорт майдонидаги обрўсини янада мустаҳкамлайди, деб ишонаман.

Суҳбатни «Mahalla» муҳбири
Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ
ёзиб олди.

Ўзбекистон – Эрон ўртасидаги ўртоқлик учрашуви октябрь ойига кўчирилди.

УСТЮРТДАГИ сирли чизгилар нимадан дарак беради?

Илим-фанда «найзасимон иншоот» термини билан машҳур бўлган Устюртдаги катта ҳажмдаги сирли иншоотлар, яъни ажойиб кўринишдаги қазилма жойлар бутунги кунгача олимларнинг турли фикр-мулоҳазаларига сабаб бўлмоқда. Бу объектлар фанда ов қилиш мақсадида фойдаланилган иншоот сифатида қабул қилинган бўлса-да, баъзи олимлар буни сув тўтлайдиган маҳсус жой бўлган, деган фикрни билдиради.

Ҳўш, аслида улар нима? Улардан нима мақсадда фойдаланилган? Қачон қазилган, жуда катта ҳажмдаги бу объектларни қандай қазилган?

Устюртда ўзга сайёраликларнинг изи борми?

Бу тасвирлардаги аниқ қонуният, симметрияни кўриб, у ўз-ўзидан, табиат ҳодисалари таъсирида юзага келган, деган фикрга келишингиз мушкул. Йўқ, бу шакллар кимларнингдир ақлий ва жисмоний меҳнат ва машаққатларини тақозо этади. Утган асрнинг 70-80-йилларида бу найзасимон объектлар дунё миқёсида кўплаб олимлар ва оммавий ахборот воситалари эътиборини жалб қилди. Баъзи журналистлар ва бошқа тадқиқотчилар бу иншоотларни ўзга сайёраликлар қурган, деган тахминларни ҳам билдирган.

Объектларнинг ўртача узунлиги 600-900 метр, эни 400-600 метр, чуқурлиги 3 метргача боради. Мазкур иншоот, одатда, оддий кўзга ёки автомобилда ўтиб бораётган йўловчига сезилмайди. Сабаби, катта ҳажмдаги объектни одамбўйи билаңдликдан кўриш имкони йўқ ва сиз оёғингиз тагида тарихи минглаб йилларга тақаладиган ажойиб мерос ётганини билмай, устидан юз марта ўтиб кетишингиз мумкин. Учар мосламаларда ёхуд интернет тармоғидаги «Google Earth» дастури ёрдамида бу чизгиларни бемаълум кўра оласиз.

Мазкур объектлар дастлаб 1952 йилда таниқли олим Сергей Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик экспедицияси томонидан аниқланган. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон ҳудудида 120 дан ортиқ ана шундай сирли шаклларни кўриш мумкин. Археолог олим Вадим Ягодниннинг фикрича, найзасимон қурилмалар



қарийб икки минг йил давомида (милоддан аввалги V-II асрлардан то XIV асргача) қурилган ва фойдаланилган бўлиши мумкин.

Нима мақсадда фойдаланилган?

Маълумки, бугун бу иншоотлар жойлашган Устюрт платосида умргузаронлик қилиш жуда қийин. Ёздаги жазирама, қум бўронлари, қурғоқчилик, хуллас, табиий шарт-шароитлар одамларнинг рисоладагидек ҳаёт кечиришига етарлича имкон бермайди.

Сахрода ҳаёт кечириш учун, албатта, сув керак. Бундай шароитда ёғингарчилик обиҳаётнинг асосий манбаи ҳисобланади. Қорақалпоқ олими Хожаҳмад Эсберганов «найзасимон объектларни қадимда кўчманчи қабилалар сув тўплаш учун қурган бўлиши мумкин» деган фикрни билдиради. Тадқиқотчининг фикрича, ичар сув тақчил бўлган Устюрт ҳудудида ёмғир ва қор сувларини йиғиш учун кўчманчи қабилалар шундай қазилмаларни бунёд этишган.

Бундай иншоотлар овчилик мақсадида яратилган, деган тахминлар ҳам кенг тарқалган. 1825-

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Устюрт платосидаги бу сирли тасвирлар ер юзида ягона эмас. Улар Перунинг жанубий соҳилларида жойлашган Наска саҳросидан топилган ерсуратлар — геоглифларга ўхшаб кетади. 1994 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатида киритилган ушбу тасвирлар ҳам инсониятга ҳали-ҳануз ўз сирларини тўлалигича очгани йўқ. Наска суратларини ҳам худди Устюртдаги сингари ерда юрганда умуман пайқаш қийин. Бу геоглифларнинг асосий қисмини қуш, маймун, ўргимчак, гул кўринишидаги ўнлаб суратлар, минглаб тўғричиқлар, учбурчак, трапеция ва спирал кўринишидаги тасвирлар ташкил қилади. Маълумотларга кўра, Наска саҳросидаги суратларни кўриш учун ҳар йили Перуга миллионлаб сайёҳлар келади. Мамлакат хазинаси 3 миллиард доллардан ортиқ фойда кўради.

1826 йилларда Орол ва Каспий денгизлари ораллигидаги ерларга уюштирилган Ф.Берг бошчилигидаги рус илмий экспедицияси материалларида бу ҳудудда қулочлар, тарпанлар (ёввойи отлар) ва сайғоқлар кўплиги, улар 300-400 метр, чуқурлиги 3-4 фут келадиган маҳсус ўзанлардан тош билан қуршланган кўрага ҳайдаб киргизилиши ва қўлга олиниши тасвирланади. Бунда маҳаллий овчилар 10-15 километр радиус бўйлаб ўлжа излашган, сайғоқлардек овоз чиқариб, жониворларни эргаштириб келишган ва маҳсус

йўлакларнинг бошида туташадиган кўраларга қамашган.

Бундай кўраларни қорақалпоқлар қадимда аран деб аташган. Араннинг атрофида бир нечта маҳсус чуқурлар бўлган. Чуқурлар четида учли қилиб кесилган қамишлар қотирилган. Қорақалпоқ уруғларидан бирининг номи аранчи ҳам айнан шу қурилмадан олинган. Машҳур қорақалпоқ шоири Бердақнинг «Шежире» асарида ҳам «Чўлларда кезар жайрани, жайранга қурган арани» мисралари бор. Аран сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарида ҳам оғил, кўра, отхона сингари маъноларда ишлатилган.

Тарих сирлари саёҳлик ривожига хизмат қилсин

Афсуски, бугун Устюртда бу каби ажабланарли эсдаликлар борлигини биров билса, биров билмайди. Кўпинча шунга ўхшаш ажойиб илмий янгиликлар фақат олимларнинг илмий асарларидагина қолиб кетмоқда. Ундан фақат чекланган тор доирадаги одамларгина бохабар бўлади. Бундай илмий янгиликлар илмий-оммабоп тилда талабга монанд ташвиқ қилинмапти...

Устюртда ҳозирги кунда ҳам Пулжай, Белеули, Алан, Давкескен каби қадимий ва ўрта асрларга тегишли карвонсаройлар, қалъа-қўрғонлар сақланиб қолган. Устюрт чинкларини ёқалаб юрган йўловчи ҳар қадамида тепаликка қўйилган кўчманчилар қабристонига дуч келади. Уларда марҳумларга қўйилган қулфитошлар, тошга битилган тамгалар бизгача етиб келган. Инсон қадами етиши биров мушкул бўлгани боис бу обидаларнинг аксарияти ханузгача тўла тадқиқ қилинмаган.

Устюртнинг энг мафтункор гўшаларидан бўлган Дувона бурнига келган ҳар бир сайёҳ антиқа манзараси, рельефи, турли шакл ва рангдаги қоялари, чинк деворларини кўриб, ўзини баайни ўзга сайёрага тушиб қолгандек ҳис этади. Унинг бағридаги сирли чизгиларнинг маъно-мазмунини ўзи учун кашф этгандек бўлади. Демак, Устюртдаги найзасимон бу иншоотлар сайёҳликни ривожлантириш соҳасида ечимини қутаётган аҳамиятли масалалардан саналади.

Есимхан ҚАНААТОВ,
журналист.



Алишер Навоий асари асосида яна бир мультфильм суратга олинади.

МОЛИЯ

Кредит таътили ҳаммага тенг қўлланилмайdimи?

— Кредит олганман, ҳозир асосий қарзни ҳам, фоизини ҳам тўлаб келятман. Кредит таътили олмоқчи эдим, бироқ банк ходимлари «кредитни жорий йил 15 мартдан олдин олган бўлсангиз, имтиёздан фойдалана оласиз», дейишди. Шу тўғрисида?

Набижон НАСИМОВ.
Фаргона вилояти.



Акмал НАЗАРОВ,
Марказий банк
департамент раҳбари:

— Марказий банк тижорат банкларига карантин чекловлари даромадига салбий таъсир этган мижозларнинг кредит тўловлари муддатини уларнинг муурожаатига кўра узайтиришни тавсия этди. Юқоридаги ҳолатда эса банк масъуллари ноҳақ, чунки кредит таътили учун уни қайси давргача олганлик билан боғлиқ ҳеч қандай чекловлар ўрнатилмаган.

Бироқ кредит бўйича тўлов муддатлари кечиктирилган даврда ҳам кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисобланиши давом этади ва ушбу фоизлар кечиктирилган муддат тугаганидан сўнг тўланиши лозим. Шу боис келгусида қарз миқдори ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида молиявий имконияти бўлган қарздорлар ўз кредитини шартномада белгиланган муддатларда сўндириши мақсадга мувофиқ.

ХУҚУҚ

Бемор коронавирусга қаерда чалинганини айтмаса...

— Коронавирус инфекцияси билан касаллангани аниқ бўлган шахс шифокор томонидан ҳақиқатни аниқлаш учун берилган саволларга жавоб беришдан бош тортса, ушбу ҳолат бўйича шахсга нисбатан жавобгарлик белгиланганми?

Нилуфар АЗИМОВА.
Тошкент шаҳри.



Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги масъул
ходими:

— Ҳа, албатта, бу маъмурий ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддасига мувофиқ, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжуд.

Унга кўра, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача (6 690 000 сўмгача), мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан эллик бараваригача (11 150 000 сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ТАЪЛИМ

Имтиҳон онлайн бўлса, шаффофлик қандай таъминланади?

— Магистратура босқичига имтиҳонлар онлайн тарзда ташкил этилар экан. Агар абитуриентлар ўзлари хоҳлаган жойда имтиҳон топширса, бунда шаффофлик қай тариха таъминланади?

Азамат САТТОРОВ.
Тошкент вилояти.



Узоқбой БЕГИМҚУЛОВ,
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги ўринбосари:

— Айтиш керакки, бу вазиятда магистратурага ҳужжат топширган абитуриентлар қайси ОТМни танлаганидан қатъи назар, ҳар бир вилоятда ташкил қилинган махсус жойда компьютер орқали онлайн тарзда тест топширигини бажаради. Йўналишлар бўйича таянч ОТМ тестни ишлаб чиқари ва тестларнинг махфийлиги таъминланади. Ўша йўналиш бўйича ҳужжат топширган талабгорлар қайси олий таълим муассасасини танлаганидан қатъи назар, бир хил тестни ишлайди. Масалан, педагогика йўналиши бўйича турли ОТМ талабалари учун тестлар бир хил бўлади.

Кўпчилик магистратура имтиҳонлари онлайн бўлиши ҳақидаги маълумотни нотўғри тушуниб, ҳамма ўзи хоҳлаган жойда тест синовларини бажариши мумкин, деб ўйлади. Лекин бундай қилинса, шаффофликни таъминлашнинг имкони бўлмайди. Шунинг учун имтиҳон учун махсус жой ташкил қилинади.

ҚУЛАЙЛИК

Архив маълумоти учун пойтахтга бориш шартми?

— Сурхондарёда яшайман. 1985-1990 йилларда Тошкентда тўқимачилик комбинатига ишлаганман. Шу йиллар учун қандай қилиб архив маълумотномасини олсам бўлади? Бунинг учун пойтахтга боришим шартми?

Содиқжон НУРБОЕВ.
Сурхондарё вилояти.

Анваржон АЛИЕВ,

«Ўзархив» агентлиги масъул ходими:

— Иш стажини тасдиқлаш учун давлат архивларига келиш шарт эмас, унинг учун сиз электрон архив хизматлари портали («my.archive.uz»)га кириб, «Архив маълумотномаларини олиш» тугмасини босиб, керакли маълумотларни тўлдирсангиз етарли. Сўров юборилгандан сўнг, архив ходимлари ўзлари тегишли архив муассасаларига сўровингизни юбориб, ижросини белгиланган муддатда таъминлаб беради.

Ҳозирда «my.archive.uz» томонидан фуқароларга меҳнат стажини, ойлик маошини, ўқиганлигини, тақдирланганини тасдиқлаш тўғрисидаги хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Портал орқали муурожаат қилиш учун рўйхатдан ўтиш ва электрон рақамли имзо олиш талаб этилмайди.

COVID-19

Ўзбекистон вакцинани қачон сотиб олади?

— Россияда COVID-19 вакцинаси яратилгани хабар қилинди. Уни Ўзбекистонга олиб келиш бўйича ишлар олиб бориляптими? Юртимизда ҳам вакцинани ишлаб чиқиш мумкинми?



Ҳошимжон ЎРМОНОВ.
Сирдарё вилояти.

Барно АБДУСАМАТОВА,
Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси:

— COVID-19 вакцинасининг клиник синовларининг барча босқичи якунланмагунча мамлакат уни сотиб ололмайди. Барча синовлар ўтганидан кейингина халқоро сертификатлаштириш амалга оширилади. У қайси давлат ёки лаборатория бўлади, бу ҳозирча номаълум.

Коронавирусга қарши ишлаб чиқарилган вакциналарни ҳар томонлама ўрганиб, Ўзбекистонда ишлатиш бўйича ишчи гуруҳ хулоса берса, вакцинани олиб келиш, ишлатиш тартиблари ва муддатлари белгиланади.

Вакцинани ишлаб чиқариш, уни клиник синовлардан ўтказиш учун вақт талаб қилингани боис уни Ўзбекистонда ишлаб чиқаргандан кўра, тайёр вакцинани ишлатган маъқул.